

O'ZBEKISTON

QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№1. 2020

**Азиз юртдошлар,
аграр соҳа
ходимлари барчангизни
янги йил байрами билан
муборакбод этамиз.
2020 йил қут ва барака
олиб келсин!**



2020

*Барча
юртдошларимизни, сув
хўжалиги тизимида
меҳнат қилаётган кўп
минг сонли ходимларни
Янги – 2020 йил билан
қизғин табриклаймиз.*

*Жонажон
Ўзбекистонимизнинг
жаҳондаги ўрни янада
юксак бўлишига
тилакдошмиз.
Янги йил жамики эзгу
ниятларимиз амалга
ошадиган йил бўлишини
тилаймиз.*

**Аму-Бухоро ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси жамоаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодий тизимнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлири, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт



даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуrolли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислохотларимизни фаол давом эттираемиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш

ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтираемиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилди.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтираемиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшнилари билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтираемиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим! 2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**





ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Бугун тарихга айланган 2019 йилни халқимиз меҳнатда ғайрату шижоат, Бислохотларда ниҳоятда жадаллик билан ўтказди. Натижада барча соҳаларда эришган юксак натижаларимиз билан бугун фахрланиб турибмиз. Мана шундай раванқ қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида ҳам намоён бўлмоқда. Фикримизни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан жами 217 триллион 700 миллиард сўм ёки 2018 йилга нисбатан 12 фоиз кўп фойда олинди. Мазкур рақамлар замирида бободехқонларимизнинг йил бўйи қилган машаққатли меҳнати, давлатимиз раҳбариятининг соҳада олиб бораётган оқилона изчил сиёсати мужассам, албатта.

Юртимизда янги йил шукуҳи кезиб юрган шу кунларда мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, элимиз дастурхонидаги тўкин-сочинликда қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳам ҳиссаси борлигини аграр соҳа ходимлари қалбида фахр-ифтихор уйғотади.

Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ хўжалиги иқтисодийнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир. Ана шундай муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматқаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонкуяр олим ва мутахассислар дунёдаги энг олижаноб касб эгаларидир.

Яқинда Абдураим Мамараимов деган бир фермер танишим Тошкентга санаторийга дам олишга келибди. Деҳқончилик йилининг яқунлари ҳақида суҳбатлашиб турганимизда бир гапни тўлқинланиб айтиб қолди. Маълум бўлишича, у биргина буғдойнинг ўзидан 225 миллион сўм даромад олибди. Шартнома бўйича давлатга 155 тонна ғалла сотиб, ўзи ва хўжалик аъзолари оморларига 80 тоннадан ортиқроқ ғалла туширибди. Хуллас, пахта ва ғалладан келадиган соф фойдаси 300 миллион сўмдан ошар экан. Энди бу ҳолатни мамлакатимиз бўйича 3 миллион 800 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилганига таққосласак, ўтган йили ғаллакорларимиз учун ниҳоятда баракали келганига гувоҳ бўламиз. Айтиш мумкинки, деҳқон аҳли ҳосилдорликни ошириш баробарида молиявий жиҳатдан ҳам бақувват бўлиб бормоқда.

Қолаверса, ўтган йили 21 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, шундан 1,3 миллиард АҚШ долларилек 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинган аграр соҳанинг бошқа тармоқлари ҳам юксалиб бораётганидан дарак.

Бу борада тармоққа ўтган йили 1 триллион 37 миллиард сўм инвестиция маблағлари жалб этилиб, 254 минг тонна қувватга эга бўлган 180 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва логистика марказлари барпо этилди. Ҳозирги вақтда юртимизда мева-сабзавот маҳсулотларининг 3,5 миллион тоннаси қайта ишланиб, 350 миллион долларлик тайёр маҳсулот четга сотилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг экспорт ҳажми 2025 йилга бориб 10 миллиард долларга, 2030 йилга бориб эса 20 миллиард долларга етказилади. Мана шу улкан жараёнда деҳқон ва фермерларимиз асосий локомотив бўлиб қолаверади.

Зеро, кечаги деҳқон-фермерларимиз эндиликда тадбиркорликка ҳам дадил қўл уриб, тобора тармоқлар сонини кўпайтириб бормоқда. Фермерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, совуткичли оморхоналар ва сервис хизматлари кўрсатиш каби кўплаб йўналишларда ҳам ўз ғайратини намоён этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда қарийб 12 мингта фермер хўжалиги кўп тармоқли субъект-

ларга айлантирилади. Шунда мамлакатимизда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг 90 фоиздан ортиқроғи кўп тармоқли мақомига эга бўлади. Келгусида бу фермерларимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлашдан ташқари болалар боғчалари, тиббий хизмат клиникалари каби ижтимоий объектларни ҳам барпо этадилар. Масалан, жорий йилда 40 ортиқ фермерлар 3500 ўринли мактабгача таълим муассасалари қуришни ният қилишган. Мамлакатимизда келгусида бундай хайрли ташаббусларнинг сони ортиб, кўлами кенгайиб бораверади.

Деҳқону боғбонларимизнинг эришаётган юксак натижалари замирида кўпминг сонли сувчиларимизнинг фидокорона меҳнати мужассам, албатта. Бу борада ирригация ва мелиорация ишларининг барча харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан қопланаётгани деҳқон ва фермерларимиз учун катта мадад бўлмоқда.

Сув масаласи минтақамиз нисбатан қирғоқчил бўлганлиги учун ҳам давлатимиз раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Шунинг учун экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2019 йилда давлат бюджетидан 1 триллион 328 миллиард сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,8 марта, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 645 миллиард сўм ёки 1,2 баробар кўп маблағ ажратилди. Мазкур рақамлар деҳқон ва фермерларни давлатимиз ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётганини ифодалайди.

Бир сўз билан айтганда, 2019 йил мамлакатимиз ҳаётида ўтган йилларга нисбатан ниҳоятда юксак натижаларга бой бўлди. Бу юксалиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида назарда тутилган натижаларга эришиш йўлида мустаҳкам пиллапога бўлиб хизмат қилади. Ана шу эзгу ишларда Янги йил ҳаммамизга омад ва ютуқлар келтирсин. Янги – 2020 йил файзли, барокатли, омадли, шон-шарафга бой йил бўлсин!

Тоҳир ДОЛИЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲАДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИНИ ЯРАТИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳада бозор механизмларини жорий қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилди, кластерларга ажратилган қишлоқ хўжалиги майдонларининг ҳажми экин турлари бўйича пахта-тўқимачиликда – 67 фоизни, чорвачиликда – 8 фоизни, мева-сабзавотчиликда – 7,5 фоизни ташкил этмоқда.

Кластер усулида етиштирилган хомашёни қайта ишлаш уни тайёр маҳсулот кўринишида истеъмолчига етказиб бериш имконини бермоқда.

Бугунги кунда республикамызда етиштирилаётган **80 турдан ортиқ** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт** қилинмоқда. 2010 йилда экспортнинг 11,3 фоизни пахта толаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,6 фоизгача камайди.

Шу билан бирга, соҳада айниқса мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган **пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, мева-сабзавот ва узумчилик соҳасида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажминини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, боғ, тоқзор ва иссиқхоналар имкониятларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги

“Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4239-сон қарорига асосан:

Жиззах, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг **8 та туманида** жами **41 та** мева-сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда 2020 йилда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг **22 та туманида 31 та**, 2021 йилда республика бўйича **100 та** қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда **кластер ва кооперация тизимини ривожлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кластерларни (кейинги ўринларда – мева-сабзавот кластери) ташкил этиш ташаббускор, тегишлича **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида тузиладиган уч томонлама келишув** (кейинги ўринларда – уч томонлама келишув) асосида амалга оширилади;

мева-сабзавот кластерини ташкил этиш бўйича ташаббускорлар, қоида тариқасида, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орасидан, уларнинг тажрибаси ва имкониятларидан келиб чиқиб танлаб олинади, бунда биринчи навбатда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тўлиқ ишлатилмаётган қувватларни ишга тушириш назарда тутилади;

мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчиларни мева-сабзавот кластерларига бириктириш **улар билан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида ихтиёрийлик асосида тузиладиган маҳсулот етказиб бериш шартномалари** орқали амалга оширилади;

мева-сабзавот кластери иштирокчилари – маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар **маҳсулот етказиб бериш шартномалари** орқали тартибга солинади;

маҳсулот етказиб бериш шартномалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари томонидан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг таклифлари асосида қабул қилинадиган мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар ва **уч томонлама келишув шартлари** асосида тузилади ҳамда **туман қишлоқ хўжалиги бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади;**

маҳсулот етказиб бериш шартномалари фуқаролик конун ҳужжатлари талаблари асосида тузилади, уларда шу жумладан маҳсулот нархини ҳақиқий харажатдан келиб чиқиб аниқлаш, харид қилинадиган маҳсулот учун олдиндан ажратиладиган аванс маблағлари ҳисобига маҳсулот етиштирувчиларни уруғ, кўчат, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, агротехника ва агрокимё хизматлари кўрсатиш, янги инновацион технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар бериш, ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш назарда тутилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туманнинг барчасидаги мавжуд боғ ва тоқзорларни тўлиқ хатловдан ўтказсин;



Ўтказилган хатлов натижаларига кўра самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш юзасидан ҳар бир туман кесимида манзилли рўйхатларни шакллантирсин ва тасдиқласин, бунда 2020 йил давомида яроқсиз боғ

ва токзорларни, 2021-2025 йилларда эса кам ҳосилли, эскирган ва самарасиз боғ ва токзорларни янгилаш назарда тутилсин;

янги боғ ва токзорларни барпо этишда улар олдиндан аниқ мева-сабзавот кластерига ёки қишлоқ хўжалиги бирлашмасига бириктирилиши, иқтисодий жиҳатдан самарадорлигини назарда тутган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очик ер майдонлари, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан бўшаган майдонлар, шунингдек, яроқсиз деб топилган боғ ва токзорлар жойлашган ерларда **интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида**, шу жумладан, тижорат банклари ва лизинг компаниялари орқали бериш, кейинчалик улар негизда қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари тузиш ишларини ташкил қилсин.

5. Белгилансинки, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ўртасида кооперация алоқаларини рағбатлантириш уларни **молиявий қўллаб-қувватлаш** орқали амалга оширилади, бунда маҳсулот етиштирувчиларни уч томонлама келишув иштирокчиси бўлган қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар орқали айланма маблағлар билан таъминлаш, янги боғ, токзор ва иссиқхоналар барпо этиш, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш объектларини яратиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган **20 миллиард сўмгача** миқдордаги кредитлар бўйича **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан** фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 8 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига **компенсация** ёки **кредит суммасининг 50 фоизи миқдориди кафилик** тақдим этилади.

6. Интенсив боғ ва токзорлар ташкил этиш лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этадиган тижорат банкларига ушбу лойиҳалар учун кредитлар ажратишда **боғ ва токзорлар ҳосилга киргунга қадар (турига кўра) асосий қарз бўйича имтиёзли давр белгилаш** тартибини жорий этиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиявий қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг маблағлари кенг жалб қилинишини;

халқаро молия институтларининг жалб қилинган маблағларини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кесимида **маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга манзилли етиб боришини** таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан – қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларига маҳаллий шароитда етиштирилган **интенсив**

қўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларини **сотиб олиш харажатларининг бир қисmini қоплаш учун субсидиялар** ажратишга;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан – узумчилик йўналишидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича кафилик тақдим этишга;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан – кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган **қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига субсидиялар** ажратишга руҳсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган молиявий ёрдам турларини ажратишнинг аниқ механизмни белгилаш мақсадида ушбу жамғармалар фаолиятини тартибга солувчи ҳукумат қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг

2020-2021 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) эгаллаган майдонларга **беш йил давомида ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси янги ёнғоқ мевали боғларни ташкил этиш ва уларда писта, бодом, ёнғоқ маҳсулотларини етиштириш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича ташаббускорларни аниқлаш, конун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар ва молиявий ёрдам турларидан фойдаланишда уларга кўмаклашиш чораларини кўрсин.

10. Маълумот учун қабул қилинсинки, мазкур қарорда назарда тутилган қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларининг қўлланилганлиги маҳсулот етиштирувчилар, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга **қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа манбалар**, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, вазирлик ва идоралар хузуридаги жамғармалар ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурлари ҳисобидан молиявий кўмак берилишини истисно қилмайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ, “Ўзкимёсаноат” АЖ:

а) бир ой муддатда мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг **экспорт географиясини кенгайтириш, экспортдаги тариф ва нотариф барьерларни камайтириш юзасидан “йўл харита”**сини ишлаб чиқиб, тасдиқласин. Унда қуйидагилар назарда тутилсин:

мева-сабзавот ва узум маҳсулотларининг турлари бўйича но-анъанавий бозорлар, хусусан, Хитой, Корея, Ҳиндистон, Европа Иттифоқи давлатларига экспортни кўпайтириш;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан импорт божлари ва акциз солиғи ставкаларини қўллашда имтиёз ва чегирмалар бериш тўғрисида музокаралар ўтказиш;

темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида юкларни ташишда ундириладиган тўловларни камайтириш;

халқаро даражада тан олинган стандартлар талабларига мос маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, мева-сабзавот ва узум



маҳсулотларини ушбу стандартлар талаблари асосида қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар қамровини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни халқаро талаблар асосида сертификатлаш ишларини жадаллаштириш;

“соғломлик” сертификати бўлмаган уруғ ва кўчатларни импорт қилиш ҳамда экишни тўхтатиш;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда минерал ўғитлар сотиш ва зараркундаларга қарши курашиш бўйича самарали тизим ташкил этиш, уларнинг фаолиятида экологик хавфсизлик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

б) амалга оширилган ишлар тўғрисида **2020 йил 1 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб **тажриба тариқасида:**

тегишли ҳудудда мева-сабзавот ва узум турларини жойлаштиришда етиштириладиган маҳсулот ҳажми боғлар ва тоқзорлар тупроқларининг

бир бонитет балига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлиги (кейинги ўринларда – норматив ҳосилдорлик) асосида аниқланади;

маҳсулот етиштирувчилар томонидан норматив ҳосилдорлик талабларига риоя этилиши улар иштирокида тузилган шартномалар, давлат статистика ҳисоботлари ҳамда ваколатли органларнинг ахборот тизимларидаги маълумотлар ёрдамида ҳудудий кишлоқ хўжалиги органлари томонидан **мониторинг қилинади;**

ўтказилган мониторинг натижалари **хар йили камда бир марта халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши:

мазкур бандга асосан ўтказилган мониторинг натижаларини халқ депутатлари туман Кенгашларида муҳокама қилиш ишларини самарали ташкил этишга қўмаклашсин;

ўтказилган мониторинг натижаларини умумлаштириш асосида 2021 йил 1 мартга қадар Вазирлар Маҳкамасига ер участкаларидан самарасиз фойдаланаётган ер участкалари эгаларига нисбатан халқ депутатлари туман Кенгашларининг қарорларига асосан таъсирчан чоралар кўриш механизмини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазири **Ж.А.Ходжаев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда** – мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган 55 та тумани алоҳида маҳсулот турига ихтисослаштириш, уларда фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик йўналишидаги кишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерлари фаолиятининг самарали ташкил этилиши ҳамда **2020 йилда 26 минг гектар кам ҳосилли ва яроқсиз боғлар ўрнида интенсив усулда 7 минг гектарда гилос, 8 минг гектарда ёнғоқ ва шафтоли, 8,5 минг гектарда ўрик ва анор ҳамда 2,5 минг гектарда олхўри боғлари ташкил этилиши учун;**

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири **Н.Б.Хусанов** ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси **А.А.Ханитов** – кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган кишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятининг самарали йўлга қўйилиши, мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етиштиришда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири **С.Ў.Умурзоқов** – мева-сабзавот ва узум маҳсулотларини етишти-

риш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш тизимини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг маблағларини мақсадли жалб қилиш, экспорт қилувчи ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини самарали ташкил этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси **Н.Ж.Бакиров** – ёнғоқ мевали боғлар ташкил этиш, уларда писта, бодом, ёнғоқ сингари маҳсулотлар етиштириш ва экспорт қилиш ҳажминини кенгайтириш учун;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори **Н.Э.Нажимов** ҳамда Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги директори **О.С.Мустафоев** – яроқсиз боғ, иссиқхона ва тоқзорлар жойлашган ерларда янгидан интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш, кейинчалик бир ҳудудда ижарага олинган экин майдонлари негизида кишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва мева-сабзавот кластерларини ташкил этиш учун;

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари **А.Э.Эргашев** – мазкур қарорда назарда тутилган молиявий ёрдам турларини ўз вақтида ва манзилли тақдим этишда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари **С.С.Ходжаев** – тўқсонбости усулида етиштириладиган ва эртаки экинларнинг ўз вақтида экилиши, уларда белгиланган турдаги ва ҳажмдаги маҳсулотларнинг тўлиқ етиштирилиши учун шахсан жавобгар бўлиши белгилансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

2020 йилда ташкил этиладиган мева-сабзавот кластерлари фаолиятини манзилли қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

Интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш, иссиқхоналар қуриш ҳамда уларни аҳолига лизинг ва кредит шартлари асосида бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги;

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва тоқзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорнинг ижросини, сабзавот-полиэтилик, боғдорчилик, узумчилик ва иссиқхона хўжаликлари эгаларига, қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин;

мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда мазкур қарор талабларининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиб борсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,

2019 йил 11 декабрь

Ш.МИРЗИЁЕВ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сув хўжалиги инфратузилмасини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда сув хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сув истеъмолчилари уюшмалари (кейин ўринларда уюшмалар деб аталади), фермер ва деҳқон хўжаликлари, кластер ташкилотлари ҳамда бошқа сув истеъмолчиларининг (кейинги ўринларда сув истеъмолчилари деб аталади) суғориш тармоқлари, улардаги гидротехник иншоотлар ва сув олиш жойларининг техник ҳолати, шунингдек, ўзаро сув хўжалиги муносабатлари, сувнинг ҳисоб-китоби ва сувдан самарали фойдаланишнинг ҳолати қониқарсиз аҳволда ҳамда қуйидаги тизимли камчиликларга йўл қўйилмоқда:

биринчидан, уюшмалар фаолияти уларга юкланган вазифаларга мутаносиб равишда ташкил қилинмаган. Уюшмаларнинг ижро органлари соҳа бўйича малакали раҳбар ва мутахассислар билан таъминланмаган. Уюшмалар раҳбарларига қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бошқа вазифалар юклатилган бўлиб, сув хўжалиги бўйича асосий вазифалар эътибордан четда қолмоқда;

иккинчидан, уюшмаларнинг сув истеъмолчилари билан сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабатлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган, шартномавий мажбуриятлар ижроси юзасидан тизимли назорат қилинмайди. Уюшмалар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилмаяпти. Натижада уюшмаларнинг молиявий ҳолати ёмонлашиб, иш ҳақи, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, электр энергияси учун ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги юқориликча қолмоқда;

учинчидан, уюшмаларни бинолар билан таъминлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини самарали ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар эътиборидан четда қолмоқда;

тўртинчидан, сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашга, суғориш тармоқларини ва улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлашга, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилишга эътибор берилмаяпти, сувнинг ҳисоб-китобини юритиш қониқарсиз ҳолатда.

Қишлоқ хўжалигида сувни бошқариш тизимини ва сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабатлар-

ни янада такомиллаштириш, сув истеъмолчиларига кўрсатиладиган сув хўжалиги хизматларини ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларининг техник ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув истеъмолчилари, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгашининг мавжуд уюшмалар негизда ҳар бир туман (Қувасой шаҳри)да биттадан уюшма-ни 1-иловага мувофиқ кўрсаткичлар асосида ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар уюшмалар фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорка ер эгалари, кластер ташкилотлари ва бошқа сув истеъмолчилари (кейинги ўринларда сув истеъмолчилари деб аталади) ўртасида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш ҳамда сув истеъмоли бўйича шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш;

сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда сув истеъмолчиларининг сув истеъмоли режалари ва сув олиш лимитларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш, ажратилган лимит доирасида сув етказиб бериш, унинг ҳисоб-китобини ва тизимли мониторингини олиб бориш;

сув хўжалиги ташкилотлари билан биргаликда уюшма ва унинг гидроучасткаларини малакали кадрлар билан бутлаш ҳамда уларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда ўз ҳисобидаги суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда уларнинг ички суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини ташкил қилиш;

сув хўжалиги ташкилотлари билан биргаликда суғориш тармоғини реконструкция қилиш ва қуриш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини белгиланган тартибда ташкил қилиш;

ўз ҳисобидаги сув хўжалиги объектларидан мақсадли фойдаланиш, уларни техник соз ҳолда сақлаш;



сув хўжалиги ташкилотлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда сувни бошқаришда инновацион усулларни жорий этиш, сув истеъмолчилари томонидан томчилатиб суғориш ва сувни тежайдиган бошқа технологиялар жорий қилинишини ташкил қилиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

сув истеъмоли режалари, сув олиш лимитлари, бизнес-режалари уюшманинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади;

қайта ташкил этилаётган уюшмалар давлат рўйхатидан ўтказилаётганда давлат божи тўловларидан, истисно тариқасида, озод қилинади.

4. Уюшмаларнинг ижрочи директорлари лавозимида сув хўжалиги соҳаси бўйича олий маълумотли, иш тажрибасига эга бўлган шахсларни тайинлаш тавсия этилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (Қувасой шаҳри) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

уюшмаларни қайта ташкил этиш масалаларига кўмаклашсин;

уюшмалар томонидан сув истеъмолчиларига кўрсатилган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишни ташкил қилишда ёрдам кўрсатсинлар;

уюшмалар фаолиятини самарали ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги: уюшмаларни вазирлик тизимидаги ташкилотлар биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштиради; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда уюшмаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уюшмаларга сув истеъмоли бўйича режаларни ишлаб чиқиш, сув олиш лимитларини тасдиқлаш, шартномалар тузиш ҳамда сувнинг ҳисобкитобини юритишда тизимли равишда амалий ёрдам кўрсатсин;

уюшмаларга суғориш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш ишларини ташкил қилишда кўмаклашсин;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда уюшмаларнинг сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, қуриш ва реконструкция қилиш ишларини белгиланган тартибда ташкил қилсин;

уюшмалар билан биргаликда сув хўжалиги объектлари ва сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича намунавий тартибни ишлаб чиқсин ҳамда уни жорий қилишда кўмаклашсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

уюшмалар томонидан барча сув истеъмолчиларига кўрсатиладиган сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар миқдори уюшмаларнинг умумий йиғилишида ҳар йили тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда шартномалар асосида амалга оширилади;

2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналарига бошоқли дон етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида ажратиладиган кредитлар ҳисобидан уюшмаларга сув хўжалиги хизмати харажатлари учун ажратиладиган маблағ жами кредитларнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган кредитларда эса 2 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши тавсия этилади.

Ушбу банднинг учинчи хат бошисига назарда тутилган маблағлар сув истеъмолчилари томонидан уларга уюшмалар кўрсатадиган хизматлар учун тўланиши мажбурий ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши, уюшмалар томонидан сув лимит асосида етказиб берилиши ҳамда сув истеъмолчилари томонидан сувдан оқилонга фойдаланилиши устидан тизимли равишда назорат ўрнатсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлигининг:

уюшмаларнинг электр энергияси, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра қарзларни тўлаш муддатини 2022 йилга қадар узайтириш ҳамда уларни 2-иловага мувофиқ жадвалга асосан 2024 йил 31 декабрга қадар тўлиқ қоплаш;

уюшмаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Уюшмалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар (Қувасой шаҳри) ҳокимликлари билан биргаликда ушбу қарорга 2-иловада назарда тутилган қарздорлик белгиланган муддатларда тўланиши учун масъулдирлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси уюшмаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобланган пеняларни ҳисобдан чиқарсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Ж. Вахабов, Ўзбекистон сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.Қ. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири А.АРИПОВ**

*Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 декабрь*



2020 ЙИЛ БИЗ УЧУН СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табригида соҳанинг залворли юкини уз елкасида кўтариб келаётган миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонкуяр олим ва мутахассислар қаторида моҳир сувчи ва ирригаторларни ҳам дунёдаги энг олижаноб касб эгалари, дея таърифладилар. Бу юртимиздаги барча сувчиларни гурурлантирди, кўксини ифтихорга тўлдирди.

Ниҳоятда серфайз ва баракали келган 2019 йилда сувчиларимиз деҳқону-миришкорларга елкадош бўлиб, экин майдонларининг энг охириги қулогига оби-ҳаётни бе-миннат етказиб бериб, 7 миллион 130 минг тонна ғалла, 2 миллион 845 минг тонна пахта, 19 минг 600 тонна пилла, 400 минг тонна шולי ҳосилини олиш, 21 миллион тонна мева-сабзавот, 2 миллион 600 минг тонна гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштиришда ҳисса қўшдилар.

Республика бўйича ҳар йили 5 минг километр магистрал каналлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 16 минг километр суғориш ва нов тармоқлари, 10 мингга яқин гидро-техник иншоот ва гидростлар тозаланиб, таъмирланяпти. Натижада суғориш тармоқларидаги техник ва фильтрация йўқотишларини камайтиришга эришилмоқда.

Юртимиздаги суғориладиган ерларнинг 1,7 фоизи, яъни 75 минг гектарга томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий этилган. Шундан 33,2 минг гектари 2019 йилда амалга оширилди. Бунда давлатимиз

раҳбарининг ўтган йил 27 декабрда қабул қилинган “Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш

Сувга бўлган муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорликни ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Ш.МИРЗИЁЕВ

тизимини кенг жорий қилиш учун қулай шароит яратиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорга асосан, мамлакатимиз тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этганларга давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш механизми йўлга қўйилди.

2019 йилги мавсумда пахта майдонларига томчилатиб суғориш технологиясини ўрнатган агрокластер ва фермер хўжаликлари гектарыга 8 млн. сўмдан жами 84,6 млрд. сўм субсидия ҳамда тижорат банкларидан олин-

этанларга давлат субсидиялари бўлиб, ғалла, сабзавот, полиз ва озуқабоп экин етиштирувчиларига бундай имтиёз кўзда тутилмаган эди. Барча турдаги сув тежовчи технологиялардан фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш, бу борада сўнгги бир йилда амалга оширилган ишларни изчил давом эттириш мақсадида 2019 йил 25 октябрь куни Президентимизнинг “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмлари кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга биноан, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидия миқдори қишлоқ хўжалиги экин тури, суғориш техно-

логияси ва ернинг бонитет баллидан келиб чиқиб ҳисобланади. Жорий йилдан томчилатиб суғориш тизимини жорий этганлик учун гектарыга 8 млн. сўм, ёмғирлатиб суғориш тизимлари учун 4 млн. сўм, дискретли суғориш учун 1 млн. сўм давлат субсидияси берилади.



ган 88,3 млрд. сўмлик кредитлар фоиз ставкасининг 10 фоизини қоплаш учун 3,6 млрд. сўм тақдим этилди.

Шу пайтга қадар мамлакатимизда фақат пахтачилик, узумчилик ва боғдорчилик соҳасида томчилатиб суғориш технологияларини жорий

Президентимиз томонидан 2019 йил 9 октябрда яна бир муҳим ҳужжат – “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Унда ирригация ва мелиорация лойиҳалари самарадорлигини таъминлаш, сув хўжалигини бошқаришда бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш ҳамда соҳада илм-фанни ривожлантириш, замонавий сув тежов-



чи технологиялар жорий этишни янада кенгайтириш масалалари қамраб олинган. Жумладан, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш орқали харажатларни қисқартириш кўзда тутилган. Бу борада, эксперимент сифатида республикамизнинг 22 та туманидаги 50 та объект хусусий шерикларга топширилади. Шу мақсадда, мазкур объектларнинг техник иқтисодий асослови ҳамда сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

2019 йилда ирригация объектларига 1 трлн. 328 млрд. сўм, мелиорацияга 645 млрд. сўм маблағ сарфлаб, 590 км канал, 126 км лоток тармоқлари, 67 дона гидротехник иншоот, 7 та насос станцияси, 106 дона тик суғориш қудуқлари, 1072 км коллектор дренаж тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Натижада 302 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолати яшиланди.

Бу борадаги ишлар 2020 йилда ҳам давом эттирилади. Келгусида ҳар йили республикамиздаги ирригация ва суғориш тармоқларининг фойдаланиш коэффициенти 1 % га ошириб, сувни тежаш, шўрланган ер майдонларини эса 1-1,5 % га камайтириб бориш мўлжалланган.

Вазирлик тизимидаги корхоналар томонидан 2019 йилда 93,7 минг м³ тайёр бетон, 631 дона турли ўлчамдаги темир бетон қувурлар, 159 дона бетон плита, 192 дона бетон қудуқ, 2179 дона сигналли устун, 4657 дона бетон таглик ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. 2020 йилда ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобидан иш ҳақи 2020 йилдан 30 % га оширилди. Ҳозирда сув хўжалиги тизимида

олий маълумотли кадрлар 42 % ни ташкил этаётган бўлса, 2030 йилгача уларнинг сони 65 % га етказилади. Биргина 2019 йилнинг ўзида республикамиздаги олий таълим муассасаларини ирригация ва мелиорация йўналиши бўйича тамомлаган олий маълумотли 500 нафардан ортиқ ёш кадрлар вазирлик тизимида ишга олинди.

Хорижий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда махсус курслар ташкил қилиниб, 350 нафар раҳбар ходимларнинг малакаси оширилди.

Мамлакатимиздаги 61 та асосий сув объектида Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг грант маблағи эвазига замонавий “Smart Water” тизими жорий қилинмоқда. Сув сарфини реал вақт режимида кузатадиган ана шундай тизим билан жиҳозланган объектлар сони



2023 йилга бориб 300 тага етказилади.

2019 йилда 6 та лойиҳа бўйича чет эл инвестициялари ҳисобидан 126,9 млн. АҚШ доллари, 9 та лойиҳа бўйича бюджет ва марказлашган инвестициялар ҳисобидан 114,45 млрд. сўм ўзлаштирилди. 2020 йилда 6 та инвестиция лойиҳаси доирасида 186 млн. АҚШ доллари ўзлаштириш мўлжалланган.

Республикамизда 1687 дона насос станциялари бўлиб, сувдан самарали фойдаланиш, ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ва насос станциялардаги агрегатларни унумли ишлатиш ҳисобига 2019 йилда олдинги йилга нисбатан

салкам 580 млн. кВт/соат электр энергияси камроқ сарфланди.

Президентимизнинг топшириқларидан келиб чиқиб, жорий йилда олдимизда кўп вазифалар турибди. Шулардан бири – республикамизда илғор замонавий суғориш технологиялари жорий этилган майдонларни келгуси йил охиригача 250 минг гектарга етказиш. Шу маънода, 2020 йил – биз учун сувдан оқилон фойдаланиш ва тежамкор технологияларни жорий этиш йили бўлади.

Олдимизга йилига 4,5-5 млрд м³ сув иқтисод қилишни мақсад қилиб қўйганмиз. Сув тежовчи технологиялар жорий этилган майдонларни эса 2021 йилда 350 минг гектар, 2022 йилда 500 минг гектар, 2023 йилда 650 минг гектар, 2024 йилда 800 минг гектар, 2025 йилга бориб, жами 1 милли-

он гектарга, жумладан, томчилатиб суғоришни 250-300 минг гектарга етказиш режалаштирилган.

Барча мироблар, сув хўжалиги ходимлари 2020 йилда олдимизга қўйилган вазифаларни виждонан ва сидқидилдан бажаришга, элимиз дастурхони тўкинлигини таъминлаш йўлида бободехқонлар ва миришкорларимизга қанот бўлиб, оби-ҳаёт етказиб бериш учун фидойилик билан меҳнат қиламиз, деб халқимизни ишонтирамиз.

Шавкат ХАМПАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазири,
Халқаро ирригация ва дренаж
комиссияси вице-президенти



ТАРМОҚЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Кейинги уч йилда Президентимиз бошчилигида бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам ислохотлар жадаллашди. Бунинг натижасида аграр соҳа тармоқларида ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Мазкур жараёнда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожланиб, кечаги фермердан бугунги тадбиркорга айланиб бораётганларининг гувоҳи бўляпмиз. Чунки, фермерларимизга давлатимиз томонидан кўплаб имконият ва имтиёзлар берилаётир. Натижада улар фақатгина қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан кифояланиб қолмай, бу маҳсулотларни қайта ишлаб, қўшимча қиймат яратиш, ёки совутгичли омборхоналар куриб, мақбул муддатларда сотувга чиқариш, шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш каби йўналишларни ҳам йўлга қўймоқда.

Ўтган йилда мамлакатимизда 11939 та фермер хўжалигининг фаолиятида тармоқлар сонини кўпайтириш белгиланган эди ва шунча фермерларимиз 21 та йўналиш бўйича кўп тармоқли фаолиятни ташкил этишди. Бунга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланган 2019 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш дастури асосида тизимли тадбирлар амалга оширилгани тўғрисида эришилди.

Ўтган йили мазкур дастур доирасида фермер хўжалиklarида жами 1,7 трлн. сўм, шундан 456 млрд. сўм банк кредитлари сарфланди. Энг асосийси, қишлоқ жойларда 38,1 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Фермерларимизда тармоқлар кўламини кенгайтиришга, янги иш ўринларини яратишга бўлган иштиёқ тобора ортиб бормоқда. Зеро, улар давлатимизнинг қўллаб-қувватловини ҳис қилишиб, янги-янги лойиҳаларга дадил қўл уришмоқда. Юқорида таъкидлаганимдек, бугунги фермер қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, совутгичли омборхоналар ва сервис

хизматлари кўрсатиш каби кўплаб йўналишларда ҳам тадбиркорга айланиб бораётир.

Масалан, Учкўрғон туманидаги “Гулхумор” фермер хўжалиги пахтағаллачиликдан ташқари аҳоли учун



35 ўринли хусусий тиббий хизмат клиникасини ишга тушириб, 12 кишининг бандлигини таъминлаган.

Шу ўринда, фермер хўжалиklarининг тобора равнақ топиб бораётганларининг асосий омиллари хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Маълумки, 2018 йилдан бошлаб, кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг мақомини белгилаш ҳамда уларга солиқдан имтиёзлар бериш бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни ҳамда Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, ҳукуматнинг 2018 йил 29 ноябрдаги “Кўп

тармоқли фермер хўжалиklари реестрини шакллантириш ва юриштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қонунлар ва ҳукумат қарорларига асосан кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг мақоми аниқ белгилаб қўйилди.

Унга асосан, бундай субъектлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан биргаликда уларни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат ишлаб чиқариши, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳамда фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шуғулланувчи кўп тармоқли фермер хўжалиklари реестрига киритилган фермер хўжалиги деб юритилади.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжалиklари учун тегишли имтиёзлар жорий этилди. Улар реестрга киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинди. Натижада, жорий йилнинг ўзида 3 мингдан зиёд фермер хўжалиklари бу имтиёзга эга бўлдилар. Энди улар тежалган маблағларини ўз хўжалигини молиявий жиҳатдан мустақамлашга йўналтиради, албатта.

Қолаверса, 2018 йилдан бошлаб мамлакатимиз бўйича ҳар бир фермер хўжалигининг бухгалтериясини юритиш тизими яратилди. Бунда ҳар 20 нафар фермер хўжалигига 1 нафардан бухгалтер давлат бюджетидан молиялаштирилади. Ушбу бухгалтерлар томонидан кўп тармоқли фермер хўжалиklarининг ҳам алоҳида ҳисоби юритилади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг



ялпи мажлисида 2020 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш дастури қизғин муҳокама қилиниб, тегишли хужжат қабул қилинди.

Мазкур дастур дастлаб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Марказий банк билан биргаликда 2020 йилда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ҳамда халқ депутатлари вилоятлар кенгашларида муҳокама қилиниб, янада такомиллаштирилди, депутатлар томонидан тасдиқланди. Бу эса жойлардаги реал ҳолатни намоён этиб, дастурнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур дастур соҳага оид қонунлар, фармон ва қарорлар талабларидан, шунингдек, Юртбошимизнинг кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилди. Бунда фермер хўжалиklarининг молиявий ҳолати инobatга олиниб, тижорат банкларининг улар ҳақидаги хулосаларига эътибор қаратилди ва ҳудудларнинг мавжуд шарт-шароитлари, сув ва ер ресурслари, аҳолининг бандлик даражасига алоҳида эътибор берилган ҳолда лойиҳалар танлаб олинди. Натижада, тижорат банклари томо-

нидан ҳар бир лойиҳага тегишли кредит ажратилиши белгиланди. Бу омиллар келгусида кўп тармоқли фермер хўжалиklари фаолияти ривожига, албатта, таъсир қилиб, ислохотлардан кўзланган

мақсадларнинг натижадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги – 2020 йилда мамлакатимизда 11957 та фермер хўжалиги 22 йўналиш бўйича кўп тармоқлилик фаолиятини бошлайди ва бу жараёнда 12,5 мингта лойиҳа амалга оширилади. Жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалиklари томонидан 7,5 минг гектар майдонда интенсив боғ, 4,6 минг гектар майдонда янги тоқзор ва 489 гектарлик иссиқхоналар барпо этилади. Шунингдек, 271 та мева-сабзавот, сут ва гўшт маҳсулотларини, 270 та нон ва нон маҳсулотлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, 111 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 204 та фермер хўжалиklarидан совутгичли омборхоналар бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 303 та фермер хўжалигида совутгичли омборхоналар, 2,1 мингта фермер хўжалигида қорамолчилик ва паррандачилик, 1,9 мингта фермер хўжалигида балиқчилик ва асаларичилик, 1,3 мингта фермер хўжалигида қўйчилик, эчкичилик ва қуёнчилик, 16 та фермер хўжалигида йилқичилик ва куркачилик ҳамда 2,9 мингта фермер хўжалигида сервис хизматлари бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши мўлжалланган.

Энг асосийси, бу йилги дастурда 43 та фермер хўжалиklари томо-

нидан 3500 ўринли мактабгача таълим муассасалари қуриш режалаштирилди. Бу ҳолат фермерларимизнинг ўз қишлоқларидаги ижтимоий-маърифий жараёнларга бефарқ эмаслигидан далolatдир.

Ушбу кенг кўламли ишларни амалга ошириш учун жами 2,2 трлн. сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур маблағларнинг 761 млрд. сўми тижорат банкларининг кредитларидир. Дастурнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ жойларда 41,1 мингга яқин кишининг бандлиги таъминланиши кутилмоқда.

Дастур ижроси натижасида кўп тармоқли фермер хўжалиklари сони 72957 тага етади ёки жами фермер хўжалиklarининг 91 фоизи шундай хўжалик сифатида фаолият юритади.

Яқинда Президентимиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг касб байрами муносабати билан аграр соҳа меҳнаткашларига йўллаган табригида ҳаёт синовларида тобланган, мард ва матонатли фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалик ходимлари бундан буён ҳам халқимиз фаровонлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифани адо этишда бутун куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этадилар, деб ишонаман дея ўзининг эзгу тилаklари ва эҳтиромини билдирди. Бу чорлов янада юксак манзилларни кўзлаб янги йилни бошлаган аграр соҳа ходимлари ва деҳқону фермерларимиз ғайратига ғайрат бағишлади.

Йилни ана шундай кўтаринки руҳ билан бошлаётган фермерларимиз халқимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги, юртимиз равнақи йўлида янада фидокорона меҳнат қилиб, жорий йил якунида ҳам мақтовга сазовор ютуқ ва натижаларга эришадилар.

Шуҳрат ТЕШАЕВ,

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.



Далалардаги ҳосил йиғиб-териб олиниб, қиш кирганда, қишлоқ меҳнаткашлари учун дам олиш маъсуми бошлангандек бўлиб кўринади. Аслида эса иш билан банд одамлар жуда кўп: чорвачилик фермалари ва аҳоли хонадонларидан маҳаллий ўғитлар йиғиштириб, трактор тиркамаларига юкланган ҳолда далаларга ташиб чиқарилмоқда, ерларнинг шўри устaxonаларига ёки ҳеч бўлмаса, кичик участкаларга ҳам эга эмаслар. Бундай шароитда фермерлар ҳеч иккиланмасдан ўзларининг таъмирлашга, техник хизмат кўрсатилишга муҳтож машиналарини туманлардаги “Агросервис МТП”ларга топширишлари зарур. Зеро, мазкур сервис корхоналарида куйидаги тадбирлар талаб даражасида бажарилади.

Бугунги кунда бу ишларнинг ҳаммаси муҳим, лекин носоз техникаларни таъмирлаш фермерлар учун янада муҳим. Чунки кўпчилик фермерлар хусусий таъмирлаш устaxonаларига ёки ҳеч бўлмаса, кичик участкаларга ҳам эга эмаслар. Бундай шароитда фермерлар ҳеч иккиланмасдан ўзларининг таъмирлашга, техник хизмат кўрсатилишга муҳтож машиналарини туманлардаги “Агросервис МТП”ларга топширишлари зарур. Зеро, мазкур сервис корхоналарида куйидаги тадбирлар талаб даражасида бажарилади.

Машиналарни таъмирлашга тайёрлаш. Устaxonага келтирилган ҳар қандай трактор ёки қишлоқ хўжалик машинасини таъмирга топширишдан олдин мой, чанг ва зангдан қирғич, симли чўтка ёрдамида яхшилаб тозаланади. Шундан сўнг машина бетонланган ёки асфальтланган, яъни қаттиқ юзали майдончада тўрт тарафидан юқори босимли сув секиб ювилади. Ювиш қурилмаси бўлмаган тақдирда уни водопровод сувида ҳам ювса бўлади.

Тракторнинг двигатели, картер, ёнилғи, мой ва гидравлика насослари, редукторлар, узатмалар қутиси, гидроқўтаргич каби суяқлик солинадиган узеллар керосин ёки махсус эритмаларнинг бири билан ювилади. Эритмалар таркиби: 1 л сувга 100–150 г кальцийлаштирилган сода; 1 л сувга хлорид кислотанинг 5 фоизли эритмасидан 100 г; 1 л сувга 75–80 г каустик сода ва 25 г керосин.

Тракторни таъмирлашга топширишдан олдин унинг электр жиҳозлари, ёнилғи насоси ва форсункалари, вентилятор тасмалари ечиб олинади ва омборга топширилади. Узатмалар қутиси, кетинги кўприк ва охириги узатмаларнинг картерларидаги мой тўкиб юборилади, ўрнига дизел ёнилғиси куйилади ва 5–10 дақиқа

ТЕХНИКАНИ ТАЪМИРЛАШ – ҚИШДАГИ МУҲИМ ИШ

мобайнида трактор барча узатмаларда ҳайдалади. Ифлосланган ёнилғи тўкиб ташланади. Двигатель картерини ювиш учун ундаги мой ўрнига дизел ёнилғиси солинади ва двигатель 3–5 дақиқа салт ишлатиб қуйилади, кейин ифлос аралашма тўкиб ташланади.

Машинани қисмларга ажратиш. Ташқи сирти ювилган машина цехда агрегатлар ва узелларга, улар эса деталларга ажратилади. Қисмларга ажратиш пайтида фақат калит ва отвёрткадан ишлатилади, лом, болға ва зубилодан фойдаланиш ман қилинади.

Зангланган, куйган ёки резбаси деформацияланган бирикмаларни бўшатишда торец калитлар ишлатилади. Куч ишлатиш тўғри келадиган кўзгалмас бирикмалар пресслар ёрдамида қисмларга ажратилади.

Втулкалар ва валларни чиқаришда уларни шикастламаслик мақсадида отбойник ва тишли чиқаргичлар қўлланилади.

Баъзи узелларни тўла қисмларга аж-



ратишнинг ҳожати йўқ. Масалан, плуг корпусида лемехларни, ёнилғи насосида плунжер жуфтларини алмаштириш кифоя. Қисмларга ажратилган узеллар ва деталлар рақамланади, алоҳида жойда тартиб билан вақтинча сақловга қуйилади.

Машинани диагностикалаш. Бунда қисмларнинг созлиги ва ишга яроқлилиқ даражаси текширилади; қисм ва узелларнинг техник ҳолатлари баҳоланади; мукамал ёки жорий таъмирлаш зарур бўлган объектлар аниқланади.

Диагностика жараёнида машинанинг техник ҳолатини баҳоловчи параметрлар (қисмларнинг тебранишлар ва шовқин даражаси, мой босими ва бошқ.) текширила-

ди. Масалан, бир вақтда двигатель тебранишининг ортиши ва мой босимининг камайиши тирсакли вал подшипниклари ейилганини кўрсатади. Тажрибали механизатор ва механиклар қисмларга «соз» ёки «носоз», «яроқли» ёки «яроқсиз» деб баҳо беришда диагностик аломатлардан кенг фойдаланилади. Чунинчи, двигателдан қора тутун чиқаётган бўлса, форсункалар ва ёнилғи насоси текширилади. Илашиш муфтасининг шатаксияраши, узатмалар қутиси, орқа кўприк ва подшипниклар корпусларининг қизиши, айланаётган деталлардан чиқаётган бегона шовқинларга қараб улардаги носозликлар аниқланади.

Узел ва деталлардаги нуқсонларни аниқлаш (дефектовка). Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, таъмирлашни талаб қилмайдиган (соз), таъмирталаб (носоз) ва бутунлай яроқсиз (брак) детал ва узелларни аниқлашдир.

Нуқсонлар бевосита кўздан кечириш (ейилишлар, дарзлар, ёриқлар), қўл билан ишлатиб ёки ўлчаб кўриш (енгил айланиш, силжиш, люфтлар), махсус асбоблар ва мосламалар ёрдамида текшириш (масалан, пружиналарнинг эластиклиги, ёнилғи сарфи) ва синаш (масалан, мой насосининг босими) орқали аниқланади.

Дефектовка натижалари билан керакли эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материалларининг турлари ҳамда миқдорлари аниқланади, муқобил ва туман МТПларида ёки махсус корхоналарда тикланиши зарур бўлган носоз узел ва деталлар рўйхати тузилади. Уларнинг бир қисми цехда ясалади ёки сотиб олинади.

Ейилган деталларни тиклаш. Бундай деталлар металл ёпиштириш (пайвандлаш, метал сингдириш, электролит қоплаш), пластик деформациялаш, қўшимча таъмир деталларини қўйиш ёки бошқа усуллар билан тикланади. Тикланган деталлар нормал ёки таъмир ўлчамигача қайта ишланади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, носоз техникаларни ўз вақтида устaxonаларга жамлаш, таъмирлаш сифатини белгилайдиган омиллардан биридир.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., профессор,
(ҚХМИТИ).

БУНЁДКОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Президентимиз 2019 йил январь ойида Самарқанд вилоятига ташифи чоғида Булунғур сув омборини қуриш таклифини илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусидан сўнг Зарафшон дарёси сув ресурсларидан фойдаланиш ва Самарқанд вилоятидаги суғориладиган ер майдонларини сув билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги “Самарқанд вилоятида Булунғур сув омборини қуриш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, ҳозирги кунда “UzGIP” МЧЖ лойиҳаси бўйича “Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси буюртмаси асосида бунёд этилаётган, ҳажми 100 млн. м³ ни ташкил этадиган мазкур сув омборининг сув олиш манбасини қиш мавсумида Булунғур тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи каналлар ҳамда сел оқими туфайли ҳосил бўладиган сувлар ташкил этади.

Қурилиш ишлари 2021 йилда тугалланиши режалаштирилган.

– Умумий қиймати 386,8 миллиард сўм бўлган мазкур йирик лойиҳа асосида “Зарафшонмахсуссувқурилиш”, “Ўзмахсуссувқурилиш”, “Ёзёвонмахсуссувқурилиш” каби корхоналарнинг 150 дан ортиқ машина, экскаватор ва бульдозерлари, 260 дан зиёд ишчилари томонидан ҳозирги кунга қадар объектда тупроқ кесиш, айланма сув йўли, мавжуд коллектор тармоқларини тозалаш ва янги коллектор тармоқларини қуриш ишлари бўйича жами 97,774 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, – дейди “Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси директори Ғайрат Отаёров.

Ушбу сув омборининг ишга туширилиши билан Иштихон, Пайариқ ва Булунғур туманларининг 35,8 минг

гектар сувли ва лалми ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган деҳқон-фермер хўжаликлари узлуксиз сув билан таъминланади. Албатта, сув танқислиги борган сари глобал аҳамият касб этаётган бир паллада ушбу муаммонинг таъсирини камайтириш, олдини олиш борасида, суғориладиган ерларда тежамкорликка асосланган ирригация объектлари тармоғини ривожлантиришни, сув ресурсларидан оқилана фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадда жорий йилда Самарқанд вилоятида ҳам соҳага йўналтирилган кенг



қўламли ишлар амалга оширилади. “Самарқандсувқурилишинвест” давлат унитар корхонаси буюртмачилигида вилоятда 2019 йилдаги дастур асосида 24 та объектда ирригация иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун 144 млрд. 047 млн. 59 минг сўм маблағ йўналтирилган.

Шундан, ирригация объектларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бўйича йилдан-йилга ўтувчи 9 та лойиҳада ишлар якунига етказилди. Хусусан, Пастдарғом туманидаги “Хончорбоғ” каналини реконструкция қилиш, Ургут туманидаги “Камонгарон” сув омборининг 2-босқичи қурилиши, Иштихон туманидаги “Янгикент” каналини реконструкция қилиш, Пастдарғом туманидаги “Анхор” каналида сув ташламасини реконструкция қилиш, Самарқанд туманидаги “Наврўз” насос станци-

ясини қуриш, Самарқанд шаҳридаги Буюк Ипак йўли кўчаси бўйлаб ўтган “Жарарик” каналини реконструкция қилиш, Пайариқ туманининг “Накурт”, “Қултусин” ва “Ғаллакор” маҳаллаларидаги 245 гектар ерларни ўзлаштириш учун 20 та қудуқ қазииш ишлари якунига етказилди.

Шунингдек, Жомбой туманидаги Оқдарё дарёсида селдан ҳимоялаш ташламасини қуриш бўйича пудратчи “Соғда-Зарафшон сув қурилиш” МЧЖ томонидан ишлар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 6045,01 млн. сўм бўлиб, 2019 йилги тармоқ жадвали асосида 4631,32 млн. сўмлик ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган эди. Амалда эса 4812,83 млн. сўмлик ишлар бажарилди ва бу йиллик режага нисбатан 105 фоизни ташкил қилди.

– Давлатимиз томонидан сув қурилиш корхоналари учун яратилаётган имкониятлар мамнун бўлиб, ушбу лойиҳани қуриш ишларига 10 та техника ва 20 дан зиёд ишчиларни жалб этдик, – дейди “Соғда-Зарафшон сув қурилиш” МЧЖ раҳбари Оттабек Эргашев. – Албатта, ушбу бунёдкорлик жараёнига малакали мутахассислар ва замонавий техникаларнинг кенг жалб қилингани қурилиш ишларининг сифатли амалга оширилишида муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бу каби лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳудудларда сув таъминотини яхшилаш баробарида, пировардида, ҳосилдорлик ҳам муттасил ошиб боришига омил бўлади. Бу эса, ҳудудлар иқтисодий қудратини ошириб, минглаб иш ўринлари яратилишига, аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

Суратда: (чапдан) “Самарқандсувқурилишинвест” ДУК директори Ғайрат Отаёров, бўлим бошлиғи Аъзам Файзиев, “Соғда-Зарафшон сув қурилиш” МЧЖ раҳбари Оттабек Эргашевлар келгуси лойиҳалар муҳокамасида.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти
мироблари номидан
республикалик аҳлини
Янги - 2020 йил билан
муबारакдод этамиз.

Янги йилда барча эзгу
ниятларимиз рўёбга чиқиб,
халқимиз турмуши янада
фаровон, дастурхони
файзли, шахару
қишлоқларимиз обод
бўлишини тилаймиз.

Байрамона қувонч йил
бўйи халқроҳимиз бўлеин!

2020

Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси жамоаси

МЕЛИОРАЦИЯ – ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрдаги “2018–2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарорига асосан, Қашқадарё вилоятида ўтган йили мелиорация соҳасида 43 та лойиҳа асосида коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш бўйича 764,84 км ишлар амалга оширилди. Шундан 16 та лойиҳа асосида 125,55 км масофада коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда 27 та лойиҳа асосида 639,29 км таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этади.



– Коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда тизимли таъмирлаш-тиклаш бўйича режалаштирилган ишларимизни тўлиқ яқунладик, – дейди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Мелиоратив экспедиция бошлиғи ўринбосари Абдурасул Маҳмадмуродов. – Бунинг натижасида 650 та фермер хўжалиқларининг 22 минг 497 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати барқарорлашди. Эндиликда мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши орқали ҳудудларда ҳосилдорлик гектарига ғалладан 5–6, пахтадан 2–3 центнерга оширилмоқда.

Ҳозирда вилоятда мелиоратив тадбирларни амалга оширишда жами 55 дона машина-механизм жалб қилинган бўлиб, шундан 41 донасини экскаватор, 11 донасини бульдозер ва 3 донасини бошқа техникалар ташкил қилади. Шулардан “Нишондавсулмаҳсуспудрат” ДУК ходимлари ҳам ерларнинг табиий ҳолатини тиклаш, мелиорация тадбирларини

маромига етказиш борасида меҳнат қилаётир.

– Ўтган йили шўрланиш даражаси юқори бўлган ва пахта хомашёси етиштиришда салмоқли улушини қўшадиган Нишон туманида бешта объектда мелиорация тадбирларини олиб бордик ва шу орқали экин ерларининг унумдорлиги яхшиланиб, ҳосилдорлик ошмоқда, – дейди “Нишондавсулмаҳсуспудрат” ДУК раҳбари Шаҳриддин Эргашев.

Албатта, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошириш ер ресурслари ва уларнинг бугунги кундаги ҳолатига бевосита боғлиқ. Шу боис ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бундай изчил тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, пировардида халқимиз фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Суратда: (чапдан) Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедиция бошлиғи ўринбосари Абдурасул Маҳмадмуродов, “Нишондавсулмаҳсуспудрат” ДУК раҳбари Шаҳриддин Эргашев, мутахассис Зоир Пўлатов.

ТАШАББУС БИЛАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг меҳнатига муносабат тубдан ўзгарди. Уларнинг эркин фаолият юртиши кафолатланиб, ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди. Чироқчи туманида ҳам фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар, халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин ҳозирлангани, туманда қишлоқ хўжалигининг ибратли мактаби яратилгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар қўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Тумандаги қишлоқ мулкдори – фермер Жомурод Бекмуродов ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган ва юқори ҳосилни кўзлайдиган миришкорлардан. Фермер жорий йил ҳосили учун 35 гектар ерга ғалла, 30 гектар майдонга пахта экиб, ҳар иккисидан юқори ҳосил олишга эришди.

Баҳорги табиат инжиқликларига қарамай, хўжалик жамоасининг фидокорона меҳнатлари билан барча

агротехник тадбирларга риоя қилган ҳолда ғўза ниҳолларига 7–8 марта қатор оралаб ишлов берилди, икки марта суспензия, касаллик ва зарарли ҳашаротларга қарши биологик ишлов амалга оширилди. Бунинг натижасида юқори ҳосил етилиб, ҳар гектаридан 35 центнердан пахта хомашёси топширилиб, шартномавий режа ошиғи билан ууддаланди.

– Деҳқончилик ота-боболарим касби ҳисобланади, – дейди фермер Жомурод Бекмуродов. – Ҳозирги кунда хўжалигимизни кўп тармоқли хўжаликка айлантириш мақсадида меҳнат қиляпмиз. Пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари, чорвачилик, боғдорчилик тармоқларини ривожлантиряпмиз. Олинаётган даромадларимиз ҳисобидан янгидан-янги техникалар харид қиляпмиз. Мақсадимиз янги иш ўринлари яратиш, туманимиз иқтисодиётига ўз хиссамизни қўшишдир.

Албатта, бугунги фермер – чина-



кам мулкдор. Астойдил меҳнат қилса, албатта, роҳатини кўраяпти. Йилдан-йилга даромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Асосийси, бугунги ишонч, шижоат ва ташаббус келгуси фаровонлик ва тараққиётга мўҳим қадам бўлиб хизмат қилиш аниқ.

Суратда: (Чапдан) фермер Жомурод Бекмуродов, Чироқчи тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Улуғбек Тожиев, “Бекмуродов Жомурод” фермер хўжалиги иш юритувчиси Абдувоҳид Бекмуродовлар.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗ ИШИНING ФИДОЙИЛАРИ

Хоразм вилоятига қилган сафаримиз мобайнида Тошсоқа тизими ишлари билан танишиб, лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишларнинг якунига етаётганидан хабар топдик.

Тошсоқа тизимидаги магистрал каналлар нафақат Хоразм вилоятини балки қўшни Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятини ҳам сув билан таъминлаши ҳисобга олиниб барпо этилган. Тизим орқали Тошхөвүз вилоятига йилига 2,1–2,9 млрд. м³ сув етказилар эди. Туркман канали ишга туширилганидан кейин эса сув оқими 150–170 м³/секундга камайди. Бунинг оқибатида сувдан фойдаланиш шариоитлари қийинлашди, далаларни суғоришда имкониятлар чекланиб, талай муаммолар вужудга келди. Хусусан, сув 300 дан зиёд насослар ёрдамида тортиб олинаётгани туфайли каналлар фойдали иш коэффициентини пасайди, шу билан бирга, эксплуатация харажатлари кўпайди.



“Тошсоқа”, “Шовот”, “Полвон-Ғазовот” ва “Ғазовот” каналлари 1936–1940 йилларда қурилган бўлиб, ушбу тизим орқали Хоразм вилояти экин майдонларининг 69 фоизи, ёки Янгибозор ва Гурлан туманларидан бошқа барча ҳудудлардаги 191,3 минг гектар экин майдонлари сув билан таъминланиб келинган. Каналларнинг кенглиги жуда ката. Шу боис Амударёда сув камчил даврларда, яъни эрта баҳор ва ёз ойларининг бошларида ерларнинг шўрини ювиш, экинларни суғориш ишларида насослар ишлатишга тўғри келади. Бу билан сув ресурслари исроф бўлиб, таъминот ёмонлашади, сарфхаражат кўпайди.

Маълумки, бу муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 ноябрдаги “Ислом тараққиёт банки иштирокида “Хоразм вилоя-

ти Тошсоқа тизимининг магистрал суғориш каналларини тиклаш” лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга асосан Тошсоқа тизими каналларида сув сатҳини бирмунча юқори кўтариш назарда тутилган эди. Магистрал каналларда сув сатҳини ростловчи, уни юқорига кўтариб берувчи иншоот, шунингдек, “Тошсоқа”, “Шовот” ва “Полвон-Ғазовот” каналларида сув оқимини тўсиб, унинг сатҳини мутаносиблаштирувчи иншоотлар қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш, сув ўлчаш постларида сув ўлчови жараёнларини такомиллаштириш белгиланган.

– Умумий қиймати 145,47 миллион долларлик бу лойиҳа асосида Хоразм вилоятида экин майдонларининг сув таъминотини яхшилаш, имконияти бор ҳудудларда насослар ёрдамида суғориладиган майдонларни ўзюқар тизимга ўтказиш асосий мақсад қилиб белгиланган эди, – дейди Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи бош муҳандиси Сирожиддин Юлдашев. – Тўлов манбалари Ислом тараққиёт банки кредит маблағлари ҳисобидан 90,37 миллион доллар, (62,1%), Ўзбекистон республикаси ҳукумати ҳисобидан 55,10 миллион доллар (37,9%)ни ташкил қилди.

Тизимда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Улкан вази-фаларни бажаришга жалб қилинган ташкилотлардан бири “Магистрал каналларда тўсувчи иншоотларни қуриш” объекти бўйича иш олиб бораётган “Амубухороканалқурилиш” МЧЖ томонидан режалаштирилган 12 та сув тўсувчи иншоотлар янгидан қурилиб, ишлар якунига етказилди. Бу пудратчи ташкилот ҳозирги кунда Шовот туманида сув сарфи 9,0 м³/секунд бўлган 12,12 км узунликдаги янги канални қуриш объектига техникаларни жалб қилган.

“Ҳисорақгидроқурилиш” МЧЖ “Шовот” ва “Ғазовот” каналларида

жами 74 км узунликдаги каналлар дамбаларини реконструкция қилиш ишларини якунлаб, 15,8 млн. доллар маблағни ўзлаштирган. Шовот туманидаги сув муаммосини бартараф этиш учун фидойилик қилаётган бу тизим аҳли “Шовот” каналидаги ишларни якунлаш арафасида турибди.

2018 йил 9 июнда “To'ralang HPD Platinum” МЧЖ билан қиймати 20,9 млн. долларга тенг бўлган “Хўжаликлараро каналларни иншоотлари билан қайта тиклаш” объекти бўйича шартнома имзоланган. Бу лойиҳа доирасида 135,3 км узунликдаги канални ва 235 та гидротехник иншоотни қайта тиклаш, 107 та янги гидротехник иншоот қурилиши белгиланган. Ташкилот томонидан 82 км узунликдаги каналлар бетонлаштирилган, 60 та гидротехник иншоотлар реконструкция қилиниб, 14 млн. доллар маблағ ўзлаштирилган. Ҳозирги кунда “Удачи”, “Бег-яб”, “Р-9”, “Мадир-яб”, “Кенегес”, “Навоий-яб” ва “Подпитка-Кулават” каналларида реконструкция ишлари давом этмоқда. 95 та техника ва 400 нафар ишчи лойиҳа ишларига жалб қилинган.

Хоразм деҳқонининг оғирини енгил қилиш иштиёқида олиб борилаётган бу улкан фаолият Тошсоқа суғориш каналлари тизимининг фойдали иш коэффициенти 15 фоизга ошиб, йилига ўрта ҳисобда 800–900 млн. м³ сув тежалади, суғориладиган ерларнинг сув таъминоти тубдан яхшиланади.

Янги йилни юқори меҳнат натижалари билан кутиб олган Тошсоқа тизими лойиҳаси бўйича иш олиб бораётган фидойи элдошларимизга, мелиорация ва ирригация ходимларига омад ҳамда саодат тилаб қоламиз. Кириб келган Янги йил сизга муборак, азиз ва шарафли бўлсин!

Суратларда: Тизим фаолиятдан лавҳалар акс эттирилган.

Ш.СОДИҚОВА,
ўз мухбиримиз.



МИРОБЛАРДА ҲАМ МУАММО БОР

Одатда, касбимиз тақозосига кўра, мамлакатимиз ҳудудларига чиқиб, замонамиз қаҳрамонларини излаймиз, намунали фаолият олиб бораётган соҳаларни журналимиз саҳифаларида ёритиб борамиз. Шу билан бирга, танқидий назар ташлаб, айрим камчиликларни ҳам қаламга оламиз. Бу сафарги ташрифимиз Хоразм вилоятининг Гурлан туманига бўлди. Туман ҳоқими Алишер Салаевнинг бир таклифи диққатимизни тортди.

Туманда жами 29 958 гектар суғориладиган ер майдонлари мавжуд. 2019 йилда 11 259 гектар ерга пахта, 3 760 гектар ерга ғалла, 4 000 гектар ерга шоли экилиб, юқори ҳосил олинди. Бугунги кунда келгуси йил ҳосили учун барча майдонларда шўр ювиш ишлари жадал давом этмоқда. Бу ишларни бажаришга сувчилар, экскаваторчилар, мелиораторлар астойдил бел боғлашган.

Туманнинг асосий сув олиш манбалари – Амударё дарёси ва давлатлараро Қиличчиёзбой канали ҳисобланади. Сир эмаски, Амударё сувининг лойқалиги бўйича Марказий Осиёда биринчи, дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Лойқанинг чўкиши оқибатида каналлар туби лойқага тўлиб, кўтарилиб, дарёдан сув олиш йил сайин қийинлашмоқда. Туман мутасаддиларининг айтишларича, ҳозирги кунда “Қиличчиёзбой” каналининг 60 км. дан зиёд, “Гурлан” шохобчасининг 18 км. дан зиёд қисми жадал равишда лойқага тўлиб боряпти.

Бундан ташқари, Амударёдан насос станциялари орқали сув оладиган каналларни ҳам шўр ювишдан кейин бир

марта, вегетация давридан кейин яна бир марта – йилига икки марта қазиб, тозалаш зарур бўлмоқда.

Ваҳоланки, бундан 10–15 йил олдин Қиличчиёзбой канали соқасидан Амударёда сув сарфи секундига 300–400 м³ бўлганда секундига 20–40 м³, “Тўранғи-Соқа” канали орқали эса Амударёда сув сарфи секундига 100–150 м³ бўлганда секундига 40–50 м³ гача сув олиш имконияти мавжуд эди. Бугунга келиб эса “Қиличчиёзбой” канали соқасидан дарёдаги сув сарфи секундига 600 м³ бўлган пайтда ҳам 1 м³ сув олиш имконияти йўқ.

“Тўранғи-Соқа” каналидан дарёдаги сув сарфи секундига 400–500 м³ бўлсагина, 10–12% миқдорда сув олиш мумкин, холос.

Аҳвол шу зайлда давом этаверса, 5–10 йилдан кейин қишлоқ хўжалик экинларини оқар сув билан таъминлаш мушкул ҳолатга келиб қолиш хавфи мавжуд.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак?

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, “Қиличчиёзбой-арна”, “Тўранғи-соқа” бош сув олиш иншоотлари олдидаги ўзан тиндиргичларда, сув айиргич “Гурлан” шохобчаси, “Қиличчиёзбой” иншооти олдидаги ПК-105даги сув бўлиш иншооти олдидаги тиндиргичларга землесослар қўйиб, канални эксплуатация қилиш лозим.

“Қарамази-Қиличчиёзбой” ИТБ бошлиғи Шавкат Раҳманов билан “Дўқонбай” ва “Кенгесбаев” каналлари бўйлаб айландик. Каналларнинг ҳар бирида иккитадан тўрттагача экскаватор кеча-кундуз ишламоқда. 1–2 метрни ташкил қилган, қуюқ кум лойқаларидан пайдо бўлган баланд кумуюмларни кўрсангиз, аҳвол нақадар жиддийлигига гувоҳ бўласиз.

– Бизнинг болалигимиздан то яқин-яқинларгача, мана шу 105-сув иншоотида землесослар ишлаб турарди, – дейди биз билан суҳбатда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши раиси Хушнуд Қаландаров.

– Ҳа, землесосларнинг кеча-кундуз чироғи ёниқ ҳолда ишлаб турганига кўп



кўзимиз тушган. Улар иккита эди, ҳозир эса йўқ, – дейди Шавкат Раҳманов ҳам.

Лойқалардан бунёд бўлган қумтоғлари бўйлаб юрамиз, ҳатто, қурилган иморатлардан ҳам баланд жойлар кўзга ташланади. Экскаваторлар эса тинимсиз ишляпти, қазилган ишлари учун қанча куч ва қанча маблағ меъёридан ортиқча сарфланмоқда. Балки яна землесосларни ўз ўрнига ўрнатиш керакдир! Ахир, биздан олдин ҳам яшаб, бу ишларни ташкиллаштириб, землесослар ишини йўлга қўйган улўғларимиз ҳам иш кўзини билганлар-ку. Чунки бу техника сув оқими бошланиши жойларидаёқ каналларни лойқалардан тозалайди. Пировардида сув билан таъминлаш 30–40 фоизга яхшиланади, каналларда тез-тез олиб бориладиган қазув ишлари камайиб, анча маблағ тежалади.

Бу ерларда атроф-муҳитнинг ўзи мўъжиза. Хоразм воҳасига хос ўсимликлар, дарахтлар каналлар бўйини ихоталаб, чиройли манзара касб этган. Аммо бу табиатни асрамоқ керак. Деҳқонларимиз экин етиштираётган каналлар атрофидаги далаларни шамоллар орқали кўчаётган қум тўзонлари кўмиб юборишидан сақламоқ лозим. Аслида туман ҳоқими мана шу муаммолар ечимини изламоқда. У шунинг учун қайғуриб, вилоят ва республика сув хўжалиги тармоқларидаги тегишли ташкилотларга ҳолат ҳақида баён қилишимизни, улар ўз ваколатлари доирасида бу масалани эътиборга олишларини илтимос қилди. Биз эса бу муаммога самарали ечим кутиб қоламиз.

Суратларда: “Дўқонбай” ва “Кенгесбаев” каналларидаги қазув ишлари изларидаги қум уюмларининг ҳолатлари акс эттирилган.

Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз мухбиримиз.



ДУНЁДАГИ ҲАР ЕТТИ ОЛМАНИНГ ...

Дунё мамлакатлари боғларида олма дарахтлари доимо алоҳида меҳр билан парваришланиб, турли муддатларда пишиб етилувчи, таъми ва шакли бир-бирга ўхшамаган мевалар етиштирилади. Аслида, олмадан кўра қадимроқ ва таъми хушбўй мевани излаб топиш қийин.

Олма деганда таркибида инсон учун зарур бўлган моддаларни сақлайдиган хушбўй бир мева кўз олдингизда шаклланади. Олма бутун дунё халқлари севиб истеъмол қиладиган мевалардан бири.

Дунёда 7000 дан зиёд олма навлари бўлиб, у мевалар ичида энг кўп тарқалгани ҳисобланади. Бу мева таркибида инсонларнинг кўнглига урмайдиган турли хил витаминлар бор.

Ер юзи аҳолисининг асосий қисми ҳар қандай мевадан кўра олмани яхши кўриб истеъмол қилади, шунинг учун етиштириладиган олма мевалари миқдори йил сайин кўпайиб бормоқда. АҚШ қишлоқ хўжалик вазирлигининг (USDA) «АПК-Информ: овощи и фрукты» маълумотларига кўра, 2017 йилда дунёда 77,54 млн. тонна олма етиштирилган. Бу 2016 йилдагига нисбатан 76,40 млн. тонна кўпдир.

Жаҳон мевачилигида олма етиштириш бўйича Хитой етакчи ҳисобланади. 2019 йилда етиштирилган жаъми олманинг 43,5 млн. тоннаси шу мамлакат ҳиссасига тўғри келди. Бу давлатда 2018 йилда 42,6 млн. тонна олма етиштирилган. Ҳар йили олма етиштириш миқдори ошиб борапти. Бу борада иккинчи ўринни Европа Иттифоқи давлатлари эгаллаб турибди. Улар 12,6 млн. тонна олма етиштирдилар. Учинчи ўрин 4,65 млн. тонна олма йиғиб-териб олган АҚШга тегишли. Кейинги 4-5 ўринларни Туркия ва Ҳиндистон эгаллаб турибди. Бу икки давлат боғбонлари 2,7 млн. ва 1,9 млн. тонна олма етиштирдилар.

Олманинг кенг тарқалиши унинг турли тупроқ-иқлим шароитларига юқори мослашувчанлиги, дарахтининг чидамлилиги, серҳосиллиги, шунингдек, мевасининг фойдали хусусиятлари ва товар маҳсулоти сифати юқори тижорий кадр-қимматга эга эканлиги билан изоҳланади.

Хитойнинг бир неча вилоятларида олмачилик кенг ривожланган. Масалан, Шаанкси (Shaanxi) дунёда олмани қайта ишлаш маркази ҳисобланади. Бу вилоятнинг майдони 200 кв. км бўлиб, аҳолиси 36 млн. кишидан иборат. Шу ерда олма шарбатларининг асосий қисми тайёрла-

нади. Ушбу вилоятда олмани қайта ишлайдиган 17 та корхона мавжуд. Уларнинг умумий қуввати 600 минг тонна, шундан 380 тонна олма шарбати тайёрланади. Биргина Шаанкси вилояти ҳиссасига дунёда ишлаб чиқариладиган олманинг 10 фоизи тўғри келади. Бу вилоятда яқин йилларда йилига 1 млн. тонна олма етиштирилади.

Хитойда олмачилик алоҳида шуҳрат қозонган иккинчи вилоятнинг номи Лянцзяхэ. Хитой давлати раҳбари Си Цзиньпин ёшлигида бу вилоятда ишлаган ва ўн километр олисдаги кутубхонада кўплаб китоблар ўқиган. Орадан вақтлар ўтсада давлат раҳбари бу вилоятга боришни ва одамлар билан суҳбатлашишни қанда қилмаган. Навбатдаги келишларидан бирида у олма боғи бор бир фермер билан учрашиб, суҳбатлашади. Фермер унга:



“Менинг олма боғим бор, даромадим катта, ўзимга тўқ яшайман, аммо ёнимдаги фермерлар маккажўхори ва тариқ экишди, аксига олиб улар зўрға кун кечиришади”, дейди.

Бундай гапни эшитган давлат раҳбари шу қишлоқдаги барча фермерларга олма дарахти экишларини тавсия қилади. У кейинги борганида қизиқиб қараса, қишлоқнинг кўчалари обод, одамларнинг уйлари зўр, турмуш даражаси яхшиланганини кўради.

Маълумотларга кўра, бугун дунёда етиштирилаётган ҳар еттита олманинг бири ана шу вилоятнинг олма боғларида етиштирилади. Лянцзяхэ вилояти аҳолиси олдин жуда камбағал бўлиб, кўплари қайиқларда, капаларда туғилиб, яшаб, шу жойларда ўлиб кетишган. Бугун эса вилоятда ниҳоятда ҳашаматли, чиройли уйлар қурилган, одамлар биргина олма меваси экспорти туфайли шунчалик яхши шароитга эришганлар.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, Президентимизнинг интенсив боғлар ташкил қилиш борасидаги қарори ниҳоятда долзарб ҳужжатдир. Интенсив олма боғлар ташкил этиб, унинг маҳсулдорлигини ошириш замон талаби. Деҳқон ва фермерларимиз интенсив боғлардан олинадиган ҳосилнинг сифати ва маҳсулдорлигини ошириш учун ўқиб-излашлари ва янги замонавий технологиялардан хабордор бўлишлари лозим. Бугунги кунда мамлакат боғдорчилигида мевали дарахтлардан ҳосил олишнинг интенсив усуллари йўлга қўйиб бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу қисқа муддатда ҳосилдорлигини 2-3 баробар ошириш имконини беради. Масалан, оддий мевали дарахтларнинг кўчатини ўтқазиб, биринчи ҳосилни олгунча 4-5 йил вақт ўтади, интенсив боғдорчиликда эса дарахтлар 2-3 йилда мева беради.

Мана шу ташкил қилинган интенсив боғлардаги олмаларнинг янги, совуққа ва ҳавонинг иссиғига чидамли, серҳосил навларни топиб, уларни маҳаллий навлар билан чатиштириш ишларини илмий асосда ривожлантириш зарур. Чунки биздаги кескин континентал ҳаво ҳароратига мослашадиган олма навларини интродукция қилиш ва агротехикасини такомиллаштириш бугунги куннинг талабидир.

Д. ЁРМАТОВА, профессор,
Х. ХУШВАҚТОВА, доцент.

ПАЛЬМА ЁГИНИНГ ФОЙДАЛИ ВА ЗАРАРЛИ ХУСУСИЯТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ресурстежамкор, инновацион технологияларни кенг қўллашга қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Озиқ-овқат саноатида ишлатиладиган ёғлар ўсимлик ва ҳайвон хомашёларидан тайёрланади. Ўсимликлар хомашёларидан тайёрланадиган, озиқ-овқат мақсадларида ишлатиладиган ёғлар суюқ, ҳайвонлар хомашёсидан тайёрланадиган ёғлар қаттиқ ҳолда бўлади. Истиқсно тариқасида какао, кокос пальмаси ва пальма меваси ва данагининг мағзидан олинадиган мойлар қаттиқ ҳолда, лекин балиқлардан олинадиган ёғлар суюқ ҳолда бўлади.

Пальма – *Elaeis guineensis* Jacd. пальмагулдошлар – *Palma* оиласига мансуб дарахт ҳисобланади. У, асосан, тропик минтақали мамлакатларда океан қирғоқлари ва оролларидаги экин майдонларида табиий ҳолда ҳамда маданий экин майдонларида парвартишланади. Пальма дарахтининг бўйи ёшига ва ўсиш шароитига қараб 10–20 метргача ёки пастроқ бўлиб, ён тўп узунлиги 3–5 метр бўлган бир қанча тўп шоҳлар ҳосил қилади. Барглари патсимон, барг банди йўғон қўнғир рангли, тиканли. Катта ёшли пальма дарахти 4–8-вегетация даврида гуллаб бошлайди. У 60–65 йилгача юқори ҳосил беради.

Пальма дарахтида 3 тадан 10 тагача тўпгуллар бўлиб, улар вегетация йили давомида вақти-вақти билан гуллаб мевалар ҳосил қилади. Шунинг учун уларнинг мева ҳосили йил давомида 4 марта йиғиб олинади. Оталик ва оналик тўпгуллари алоҳида-алоҳида бўлиб, оталик гули оналик гулидан тепада жойлашган. Оналик тўпгуллари оталаниб бўлгандан сўнг тез ўсади. Тўпгулларда ривожланаётган мевалар думалоқ шаклга эга бўлиб, узунлиги 65–70 см, диаметри 50 см, оғирлиги

25–50 кг бўлди, унда 600 дан 800 тагача мевалар бўлади, уларни ҳар бири гул бандига бириккан. Пальма мевасининг учида ўткир тикан жойлашган, бўлиб у мевани ҳайвонлар ҳужумидан ҳимоя қилади. Мевасининг катталиги “Венгерка” навли олхўридек бўлиб, эти пуштиқизилрангли, таркибида 22–70% мой бўлади. Пальма мойи меваси этидан ва уруғи мағзидан совуқ босим орқали преслаш йўли билан олинади. Мева эти 23 фойздан 70 фойзгача, уруғининг мағзи (ядроси) эса 10 фойздан 30 фойзгачани ташкил этади. Пальма меваси этида 45–65 фойзгача, уруғининг мағзида 40 фойздан 55 фойзгача мой сақланади. Мева этининг мойи, уруғ мағзидаги мойдан таркиби ва сифати бўйича фарқланади.

Пальма меваси ва уруғи мағзи мойларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари: мойнинг эриш ҳарорати эти таркибидаги мойда 32–43°C, мағзидаги мой 25–30% совунланиш кўрсаткичи, этиники 196–210; мағзиники 250–260; йод сони этида 34–61; мағзида 12–18; тўйинган кислоталар миқдори 50 фойзгача, мағзида 80 фойзгача; тўйинмаган кислоталар миқдори, этида 50 фойзгача, мағзида 20 фойзгача; пальма эти таркибидаги тўйинган ёғ кислоталар таркибидаги пальматин кислоталар 80 фойзгача бўлса, тўйинмаган ёғ кислоталар таркибида олеин ҳамда октадецин кислоталар учрайди.

Пальма уруғи мағзи мойининг асосини 50–55% тўйинмаган ёғ кислоталар, лаурин ҳамда 12–16% миристин кислоталари ташкил этади. Пальматин кислоталарини миқдори 7–9%, линолин кислоталари 1 фойзгача, қолганлари олеин кислоталар ҳисобланади. Рафинацияланмаган пальма мағзидан олинган ёғи таркибида грамм ҳисобида 99,70 триглицеридлар 93,20 тўйинмаган ёғ кислоталар 76,30 шулардан каприл кислотаси 3,30 лаурин 42,50,



сиристин 11,90, пальмитин 6,30, стеарин 7,40, арахин 1,10, бирламчи тўйинган ёғ кислоталари 14,50, шулардан пальмитолеин 0,50, олеин 14,0 ни ташкил этади.

Пальма мевасидан босим орқали мой олинади. Янги олинган мойнинг консистенцияси зич сигир ёғига ўхшаш, мазаси хушхўр, таъми ёнғоқ мазасининг беради. Пальма мевасидан олинган мойни сақлаш даврида у юқори кислоталикка ҳамда ўткир мазали бўлишининг асосий сабаби, унинг таркибидаги беқарор кислоталарнинг оксидланиши сабаб бўлиши мумкин.

Пальма мойининг Ўзбекистонга импорт қилинишидан асосий мақсад ундан совун, парфюмерия, косметик маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳамда ҳар хил мазлар ва суппозитор товарлар учун қўшимча хомашё сифатида фойдаланилади. Пальма мойи липидларни асосини тўйинмаган ёғ кислоталари 76,30 г% миқдорда бўлганлиги сабабли, кўп мамлакатларда, шулар қатори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан пальма мойини озиқ-овқат мақсадлари учун ишлатиш тақиқланган.

Пальма мойи инсон саломатлиги учун хавфлилиги тиббиётда аниқланган бўлиб, ҳатто, эркаларнинг бепуштлигини ҳам келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатилмоқда.

Суръат САЛИХОВ,
профессор,
Султон ШАРИПОВ,
доцент, (ТошДАУ),
Дилшод РАХИМОВ,
профессор (ТошКТИ).

АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотларини сифати ва хавфсизлигини янада таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони. – Тошкент, “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 17 январь.

КОМПЛЕКСНЫЕ МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ

Рациональное использование водных ресурсов при орошаемом земледелии является важнейшим аспектом «умного» сельского хозяйства («умных» технологий, «умной» воды). Несмотря на то, что в нашей стране большое внимание уделяется водосберегающим технологиям, более 80 процентов используемой в сельском хозяйстве воды прибывает из соседних стран.

Такие методы, как полив по коротким тупым бороздам, полив через борозду, дискретный полив, полив с переменной струей, полив методом «шарбат» (вода насыщенная органическими удобрениями крупного рогатого скота, овец, пометы других животных, птиц), уменьшающие испарение с поверхности почвы.

Есть много способов сохранения расхода воды при поливе, но трудно применить их там где плохо очищена внутрихозяйственная и межхозяйственная ирригационная сеть, не отремонтированы гидротехнические сооружения.

При недостатке поливной воды, особенно важно, правильно сочетать подкормки растений, в фазу бутонизации, в первую очередь, следует внести азот и калий, а в начале цветения азот и фосфор. Наряду с этим, необходимо отметить, что чистое от сорных растений поле – одно из главных условий эффективного использования ограниченных водных ресурсов, ускорения роста и развития растений.

Борьба с ними на ранней стадии развития, в условиях маловодья, имеет первостепенное значение. Причем, не удаление их, а химическая обработка. При этом, наземная часть сорняка высыхает, разветвленные корни гниют, обогащая почву органическими удобрениями, и создают мелкокомковатую среду, уменьшая испарение влаги.

Бережное отношение к воде и оптимальное насыщение растений водой предмет постоянной заботы фермеров США. Наиболее распространенным методом полива в долине Сан-Жоакин (штат Калифорния), как и у нас, является бороздковый полив, получил распространение и метод капельного орошения, дождевания и даже, полив по-Бухарски – затоплением. Этот приём, на хорошо спланированной карте даёт прекрасные результаты, особенно на засоленных землях, одновременно и опресняя почву.

При бороздковом поливе, по-американски, также, как при капельном орошении, дождевании, воды расходуется в два раза меньше, чем у нас. Это, во-первых, связано с отсутствием таких испарителей воды, как арыки и оарыки. Во-вторых, здесь не знают, что такое водосброс. Здесь, вода от накопителя (бассейна) по трубам, расположенным на глубине 5-6 футов (1,5-1,8 м), идёт до хлопковых карт, где по стандартным десятиметровым алюминиевым трубам с отверстиями через каждый метр, которые укладываются поперек грядок в начале поля, идёт малой струей между грядок до конца поля. Исключительная планировка, мелкозернистая структура почвы позволяет смачивать её равномерно. Когда вода достигает конца грядок, полив прекращается. Такая методика полива, во-первых, уменьшает в два раза расход воды, во-вторых, не смывает, как у нас, в сброс, внесенные минеральные удобрения, в-третьих, предотвращает эрозию почвы, не смывая плодородный горизонт и, в-четвёртых, не загрязняет окружающую среду химическими элементами, растворёнными и унесенными потоками сбросной воды.

В Испании большое внимание уделяют водосберегающим технологиям при поливе хлопчатника. Так, воду на поля к посевам хлопчатника, из источника (канал, водохранилище) здесь, как в США, воду по трубам, находящимся на глубине 1,2 метра подводят до карт, требующих полива. На поле, к ним подключают гибкие шланги, полив проводят очень малой струей.

Площади полей, с посевами семян хлопчатника, не превышают 10-15 гектаров, а длина их доходит до 80-120 метров. Когда вода доходит до конца поля, воду отключают. При этом, вода доходит до основных корней, на глубине 60-80 см.

В целом, в Испании при урожае хлопка-сырца 40-45 центнеров с гектара, расход воды составляет 4,5-5,4 тысячи кубометров на гектар, что более чем в 2 раза меньше расхода воды, на наших, хлопковых полях при урожае 25-27 центнеров с гектара.

Наряду с поливами по гибким шлангам, в Греции, в период вегетации хлопчатника, распространён полив дождеванием. При этом, расход воды, на одном гектаре, при поливе дождеванием составляет 3-4 тысячи кубометров воды, что в 2,5-3,0 раза меньше, чем мы расходует при бороздковом поливе.

Полив дождеванием, как в Греции, широко распространён и в Болгарии. Почвы Болгарии отличаются очень высоким содержанием гумуса (5-7 %) здесь, эти почвы называют «Чернозём-смолица». При поливе дождеванием, здесь никакой почвенной корки не образуется.

При засушливом климате и ограниченности водных ресурсов, одним из способов полива является способ капельного орошения.

Хлопкоробы Израиля благодаря умелому использованию почвенно-климатических условий, вопреки недостатку природных ресурсов, особенно воды и пахотных земель, благодаря удачному способу полива на малоплодородных, легких почвах получают по 5,5-6,0 тонн хлопка-сырца с гектара. Особенность капельного орошения – равномерность распределения влаги по всей системе.

Капельный полив, сегодня, пользуется большой популярностью, так как он отличается простотой, гарантирует экономичный расход раствора, точную подачу воды. Вода по капельницам малыми порциями, при посеве на легких почвах, подаётся непосредственно под корни растений в строго отведенное время.

Наряду с этим, нужно отметить, что при проведении производственных опытов, на тяжёлых почвах вода не в полной мере проникает в подпочвенные слои. Как это было, в производственных опытах проведенных израильскими специалистами в Ташкентской, Сырдарьинской и Джизакской областях, в конце девяностых годов прошлого века. Образовавшаяся, при этом, корка препятствует этому, отсутствие культивации затягивает вегетационный период.

Резюмируя, отметим, что израильских экспертов, озадачили результаты полученные при проведении опытов, по водосберегающим технологиям в Узбекистане. Вместе с тем было отмечено, что хорошие результаты в местных условиях, можно получить при посеве на легких почвах.

Ринат НАЗАРОВ,
Заслуженный работник
сельского хозяйства РУз,
д.с.х.н., профессор.

*Зарафшон ирригация
тизимлари ҳавза
бошқармаси жамоаси*

**Халқимизни, аграр соҳа,
жумладан, сув хўжалиги
тизими ходимларини Янги –
2020 ўил билан самимий
муборакбод этади.**

**Ушбу ўилда ҳам юртимиз
тинч, осмонимиз мусаффо,
халқимизнинг турмуши янада
фаровон бўлишини тилайди.
Янги ўил янги зафарларга бои
бўлсин!**

2020 йили

Халқимиз орасида омади келган, уддабурон тадбиркорларга нисбатан Худо берган одамда, деган гап ишлатилади. Ҳақиқатан ҳам, бундай инсонлар ўзларини иқтидорлари ва интилувчанликлари билан бошқалардан ажралиб туришади. Биз меҳнат сафари билан Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида бўлдик.

ХУДО БЕРГАН ХУДОЙБЕРДИ

– Туманимиз аҳли асосан тадбиркорлик ва деҳқончилик билан шуғулланади, – дея сўз бошлади туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги ишлари бўйича ўринбосари Аъзамжон Жўраев. – Утган йили 14037 гектар экин майдонида 232 та фермер ғалла ва пахта етиштиришди. Уларнинг ишчанлиги ва ўз касбига садоқати туфайли етиштирилган маҳсулотларни давлатга сотиш режаларини ўз вақтида бажаришга эришдик.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, 1029,9 гектар майдонни кластер усулида «Саховат текс» корхонасига берилиши деҳқонларимизни соҳадаги инновацион лойиҳалардан хабардор бўлишлари учун замин бўлиб хизмат қилди. Туманимиздаги мавжуд 18 та ҳудудда семинарлар ташкил қилиб, деҳқонларимизни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишга эришдик. Ёш фермерларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, уларга ўз вақтида керакли маслаҳатларни бериш ишлари ташкиллаштирилди. Бунинг учун туманимизда устоз-шогирд анъаналарини шакллантирдик. Бунга ёш фермер Худойберди Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Муҳаммадтурсун обод даласи» фермер хўжалигида амалга оширилган ишлар ёрқин мисол бўла олади.

– Фермер хўжалигимиз 2006 йилда ташкил этилган, – дейди фермер Х. Абдуллаев. – У пайтларда хўжаликка отам Раҳматилло Абдуллаев раҳбарлик қиларди. Болалигимдан отам билан бирга деҳқончилик қилиб вояга етдим. 2011 йили Андижон муҳандислик ва иқтисодиёт институтининг молия факультетини тамомлаган бўлсам-да, даладан кўнгили узиб кетолмадим. Кенг далада юрган одамга кабинетда ўтириш қийин экан. Отам ҳам фикримни қўллаб-қувватлади ва хўжалик раҳбарлигини менга ишониб топширди.

Хўжалигимиз ташкил этилган вақтларда экин майдонларимизнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ғалла, 30-35 центнердан пахта ҳосили оларди. Йиллар давомида агротехник тад-

бирларни ўз вақтида ўтказиш, маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйишимиз натижасида ғалладан ўртача 60, пахтадан 40 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўляпмиз.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг қадимий, ҳеч қачон ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмайдиган таянч тармоқларидан биридир.

Ш.МИРЗИЁЕВ

2019 йилда 50,7 гектар экин майдони ғалланинг «Громм» ва «Чиллаки» навларини экиб, ҳар гектар ердан 65 центнердан ҳосил олишга эришдик. 51,3



гектар майдонда етиштирган «Султон» навли пахтаимиз ҳам кўнгидагидай ҳосил берди. Ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтардик. Албатта, бундай юқори ҳосилдорликка эришишимизда 12 нафар доимий ишчимизнинг ҳиссалари катта бўлди. Айниқса, сувчиларимиз Дилшоджон Алибоев, Комилжон Солиевлар жонбозлик кўрсатишди. Тўлқинжон Маъмуров, Илҳомжон Солиев ва Бобуржон Умаров каби механизаторларимиз ҳам ҳар бир кўчатга авайлаб техник ишлов беришди.

Моддий рағбат ишчиларда меҳнатга меҳр уйғотиши шубҳасиз. Жорий йилда 400 млн сўм соф даромад олишга эришдик. Шу даромад ҳисобидан ишчилари-

мизга йилига ўртача 15 млн. сўм атрофида маош берамиз. Ҳар йили 2-3 нафар ишчимизни дам олиб, саломатлигини тиклашлари учун хўжалик ҳисобидан санаторийларга жўнатамиз. Қишлоғимиздаги кам таъминланган оилаларга, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларига ўртача 30 млн. сўм миқдорда маблағ ажратамиз.

Бундан ташқари, 4 гектар интенсив боғимиздан, 50 бош қорамолимиздан ва 30 қути асаларидан олинаётган даромадларимиз ҳисобидан ҳам ишчиларимизни рағбатлантириб борамиз. Утган йили ишчи ва ходимларимиз билан маслаҳатлашиб 500 тонналик совут-

гич, 3 гектарлик гидропоник иссиқхона қуришни ва чорвачилик йўналишини янада ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Ҳозирда совутгич қурилиши давлат дастурига киритилди. Қолган режаларимиз ҳам аста-секин амалга ошиш арафасида.

Ҳа, меҳнат инсонни улуғлайди. Астойдил қилинган меҳнат ўз самарасини бериши кундай равшан. Самарадорлик эса доимо даромад билан ёнма-ён. Яхши ният – ярим давлат, дейди доно халқимиз.

СУРАТДА: Худойберди Абдуллаев униб чиққан ғалла кўчатларини кўздан кечирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

УЛУФ МАҚСАДЛАР САРИ

Корақалпоғистон мамлакатимизда ўзига хос иқлимга эга ғўшадир. Шунга кўра туманларида ҳам кузатиладиган об-ҳаво турлича. Тахياتош тумани бўйлаб сафаримиз давомида ниятимиз тармоқларда, жумладан ирригаторларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари билан танишиш эди.

Туманда 7973 гектар умумий ер майдони бўлиб, қишлоқ хўжалиги тасарруфида 6565 гектар, шундан ғалла майдонлари 800 гектар, пахта майдонлари 2600 гектарни ташкил этади. Саноат корхоналари кўпчилиги боис 76000 нафар аҳолининг 35 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади.

“Тахياتошдон” корхонаси туман деҳқонлари етиштирган ғаллани қайта ишлайди. Бу даргоҳда ҳар ойда 250 тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Қизилмия ўсимлигини қайта ишловчи “Фуво Нукус” корхонаси ҳам шу ерда жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг ишга бандлиги таъминланган.

Туманда 10 та фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланади, озуқа экинлари экиш учун уларга 372 гектар ер майдони ажратилган.

Балиқчилик азалдан қорақалпоқ халқининг сеvimли машғулотларидан ҳисобланади. 10 нафар фермерда 73,9 гектар сув ҳавзалари бўлиб, шундан 37,9 гектари табиий сув ҳавзаларидир. 7 нафар фермерга 26 гектар ер майдонлари иссиқхоналар учун ажратилган.

Туман ирригация бўлими ходимлари мавжуд суғориладиган ер майдонлари-

нинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Бугунги кунда бўлимда 33 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Касаба ушма раиси Берик Юсуповнинг айтишича, сувчилик соҳасидаги янгилликлар ўз вақтида маълум қилинади, ходимларга ишда ва оилавий ҳаётларида ҳам енгиллик бўлиши учун ҳаракат қилинмоқда. Ахир, эътибор, рағбатлантириш бор жойда иш унумли бўлади.

– Ўтган йил “Жамбил Кенегес” каналининг ПК-175-00 пикетидаги 3 дона гидротехник иншоотлар таъмирланди, – дейди Тахياتош ирригация бўлими бошлиғи Дулетбай Жуманиязов. – Ҳозирда “Суенли” каналининг ПК-175-00 пикетида гидротехник иншоотни таъмирлаш ишлари режалаштирилмоқда.

Унинг таъкидлашича, туманда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда тежамкор суғориш усулларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. 2019 йилда эгилувчан қувурлардан фойдаланган “Роза бану”, “Тадбиркор Хўжайли”, “Алишер” фермер хўжаликларидан суғориш ишлари кўнгилдагидай бўлгани боис,



Суратда: Мақсад Жалғасбаев ва иш юритувчи Ўролбай Хўжановлар.

барча қишлоқ хўжалик экинларидан кўзланган ҳосил етиштирилди. Жорий йилда тумандаги “Роза бану”, “Тураев Султонмуротбий”, “Мустақил”, “Азамат”, “Баға Назар” фермер хўжаликларининг ҳар бирида 20 гектардан, жами 100 гектар ер майдонларида томчилатиб суғориш технологияси жорий қилиш режалаштирилмоқда.

Сувчиларнинг фаолияти билан таниша бориб, йўл-йўлакай иссиқхоналардаги ишларга ҳам назар ташладик. “Нукусуниверсалбазаси” МЧЖга қарашли 1 гектар ерда жойлашган Корея технологияси асосида ишлаётган иссиқхона диққатимизни тортди. Бош технолог Мақсад Жалғасбаев билан суҳбатимиз иссиқхонанинг келгусидаги имкониятлари хусусида бўлди.

– Иссиқхонамиз тўла қувват билан ишга тушса, бир йилда 150–200 тонна помидор етиштиришга эришамиз, – дейди у. – Ҳозирда 11 нафар ёшлар меҳнат қилмоқда. Маҳсулотларимизни Нукус деҳқон бозорида нисбатан арзон баҳоларда сотаяпмиз. Даромадимиз чакки бўлмаяпти. Яна 2 гектар иссиқхона қурилишини мўлжаллаяпмиз. Шунда экспортга маҳсулот жўнатиш имконига эга бўламиз. Иш ўринлари ҳам кўпаяди.

Яна бир иссиқхонада томчилатиб суғориш технологияси асосида 5 сотих майдонда етиштирилган бодринг маҳсулотларини тараётган Клара Сапарбаева, Гулнора Умирова, Шаҳноза Тураевалар, кўчат парвариш қилаётган Султонбек Соатбаев, Азизбек Турсунбаевларни ўз ишларидан мамнун ҳолда учратдик.

Хуллас, тахياتошлик сувчилару деҳқонлар ўз ишларига пухта. Улар мамлакатимиз озиқ-овқат саноатига улкан ҳисса қўшиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: иссиқхонада бодринг тараётган ишчилар тасвирланган.

**Халқимизни,
иқтисодиётимиз ривожига муносиб
ҳисса қўшаётган деҳқону
фермерларимизни**

Янги – 2020 йил билан

**самимий қутлаймиз!
Барчага бахт-саодат,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.**

**“Жиззахдонмаҳсулотлари”
АЖ жамоаси**

2020

**Аграр соҳа ходимларини,
барча юртдошларимизни
Ўзбекистонимизга янада
тўқинлик, улугворлик олиб
келаётган 2020 йил билан чин
дилдан табриқлаймиз. Ҳар бир
кунингиз омадларга тўла бўлсин!**

**Жиззах вилояти «Сангзор» фермер
хўжалиги жамоаси**

РАЪНОЛАР ИЧРА АЪЛО

Ўтган 2019 йил Фарғона вилояти меҳнаткашлари учун муваффақиятли келгани ҳеч кимга сир эмас. Йиллар давомида орттирилган тажриба ва тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди. Вилоят аҳлининг эришган ушбу ютуғи эса халқимиз дастурхонининг тўкин, давлатимиз омборларининг донга тўлиши учун замин бўлди.



– Туманимиз фермер хўжаликлари 12 760 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштиришди, – дейди Учкўприк туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қаюмжон Юсупов. – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фермерларимиз замон билан ҳамнафас одимлашмоқда. Чунки хўжаликларнинг кўптармоқлилик тамойиллари асосида ривожланиши кўплаб қишлоқ ёшларининг доимий иш билан таъминланишлари учун замин бўлмоқда. Шунингдек, етиштирилган маҳсулотларимизнинг экспортга йўналтирилиши деҳқон ва фермер хўжаликларидан эртанги кунга умид уйғотиб, янада кўтаринки кайфият билан меҳнат қилишга ундаяпти.

2019 йил Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар билан 21 755 минг АҚШ доллариллик шартнома имзолаган бўлсак-да, йил якунига келиб 22 125 минг АҚШ доллариллик маҳсулотни экспорт қилишга муваффақ бўлдик. Бу белгиланган режани 101,7 фоизга адо этганимиздан дарак бермоқда. Туманимиз фермер хўжалиklarининг ўз олдидарига қўйган мақсадларини амалга оширишларида устоз-шоғирдлик аънаналари муҳим рол ўйнайди. Ёши улуғ деҳқонларимиз доимо ёшлар билан суҳбатлашиб, уларга ўз маслаҳатларини бериб келишади. “Мендиева Раънохон” кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Раънохон опа Мендиева ҳам мана шундай кўп йиллик тажрибага эга бўлган уста деҳқонларимиздан. Келинг, ушбу фермеримизнинг иш фаолиятлари билан танишсак.

Биз Учкўприк туманининг қўшни Боғдод туманига ёндош бўлган дашт ҳудуди сари йўлга чиқдик. Бизни 70 ёшларни қаршилаган нуруний онахон кутиб олди. Бир пиёла чай устидан суҳбатлашдик.

– 1969 йил бу ерларга Учкўприк шаҳридан келин бўлиб келганман, – деб гап бошлади онахон. – Ўша йилиёқ умр йўлдошим (раҳматли) Аъзамжон Мендиев билан далага чиқиб, ширкат хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлай бошладик. Сўнг 1977 йилдан 1996 йилгача пиллачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишладим, 1997 йилдан эса пахтачилик бригадаси бошлиғи

бўлиб фаолиятимни давом эттирдим. Мана шу йиллар мен учун деҳқончилик сир-асрорларини ўрганишим учун мактаб вазифасини бажарди. Чунки ўша пайтларда вилоятимизга донги кетган Душавой Жумаев ва Кароматхон Тўрахўжаевалар панд-насихатларини олишга муваффақ бўлдим. Раҳматли Каромат опа секин ёнларига чақириб, “Раънохон, ерни алдама, элни алдама – юзинг ёруғ бўлади” дердилар. 2001 йил ҳукуматимизнинг фермер хўжалиklarини ташкил этиш юзасидан қабул қилган қарорлари асосида 28 гектар экин майдони билан хўжалигимизни ташкил қилдик. Бу ерлар оқ сув билан суғорилганлиги сабаб деҳқончилик қилиш қийин бўлган экин майдонлари сирасига киради. Шунинг учун бўлса керак, собиқ шўро даврида бу майдонларга кўп ҳам эътибор берилмасди. 28 нафар доимий ишчимиз билан майдонларни бегона ўт-ўланлар томирларидан тозалаб, пахта ва ғалла етиштири бошладик. Ўша пайтлари ғалла майдонларидан 25 центнер, пахтадан эса 18-19 центнердан ҳосил олардик. Йиллар давомида маҳаллий ўғитлар билан озиклантириб боришимиз натижасида экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдор ерларга айланди. Ҳозирги кунда 69,3 гектар майдонда пахта ва ғалла, 1,5 гектар майдонда боғдорчилик маҳсулотлари етиштирамиз. Ўтган 2019 йилда 27,9 гектар майдонга ғалланинг “Анджон-4” навини экиб давлатга сотиш режасида кўрсатилган 30 центнер ўрнига 66 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Белгиланган режани 135 фоизга бажариб, юртдошларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлди. 38,8 гектар майдонга пахтанинг С-8290 навини эдик. Бу нав касалликка ва сувсизликка чидамли эканлиги билан ажралиб туради. Эрта баҳордан астойдил қилган меҳнатимиз самараси ўлароқ, ҳар гектаридан режадаги 29,5 центнер ўрнига 35,8 центнердан ҳосил олишга эришдик. Бу давлатимиз пахта хирмонида кўшимча 30 тонна кўп ҳосил берганимиздан дарак. Албатта, биз билан бирга “йўл”га чиққан 28 нафар доимий ишчимизнинг ҳам омборлари донга, ҳамёнлари пулга тўлгандан нишона.

Давлатимиз ҳам қараб тургани йўқ, бизнинг камтарона меҳнатимизни муносиб баҳолаб, хўжалигимизни “Жентра” автомоби билан тақдирлади. Ҳа, меҳнат қилган ҳеч қачон кам бўлмайди. Бизнинг бундай натижаларни қўлга киритишимизда уч ўғлим, уч қанотим – Инъомжон, Илҳомжон ва Иқболжон Мендиевларнинг ҳиссалари катта бўлди. Катта ўғлим Инъомжон меҳанизатор ҳамкасби Абдувоҳид Оқбўтаев билан экин майдонларига техник ишлов беришган бўлса, Илҳомжон сувчилар – Музаффар Мўминов, Оббосхўжа Мақсудов, Асиров Анваржонлар билан ғалла ва пахта кўчатларини қондириб суғориш ҳадисини олишган. Чаросхон Йўлдошева, Соҳиба Тўйчиева, Мунисхон Йигиталиева, Феруза Умарқулова каби ишчиларимиз ҳам экин майдонларида ўз шижоату ғайратлари билан ҳосилимизга ҳосил қўшишди. Кузда 38,7 гектар экин майдонига ғалланинг “Семурғ” навини эдик. Ғалла кўчатлари бир текис униб чиқди. Ҳозирда чилла суви беришни бошлаб юбордик.

Раънохон опа бошлиқ замонамиз фермерлари фақат ғалла ва пахта билан чекланмай, кўшимча тармоқли хўжаликлар ташкил этишиб, хўжаликнинг моддий базасини юксалтиришмоқда. Қўшимча хўжаликларни ташкил қилиш хўжалик раҳбаридан янада кўп меҳнат, изланиш ва сабр талаб қилади. Шу билан бирга, кўшимча даромад ва бўш ишчи ўринларини ҳосил қилади. Албатта, меҳнат қилдингми, юракдан ёниб меҳнат қилиш керак. Бир ишнинг бошини тутдингми, албатта, ўша ишни юзага чиқариш керак.

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда катта ислохотлар олиб борилмоқда. Бу эса фермерларимизни янада кўпроқ, асосийси, самаралироқ меҳнат қилишга, фан-техника ютуқларидан, хорж тажрибаларидан кенгроқ фойдаланишга ундайди. Шундагина улар давр талабидаги мулкдорларга айланишади.

Суратда: Раънохон Мендиева етиштирилган лимонлар сифатини кўздан кечирмоқда.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз муҳбиримиз.

АНДИЖОНЛИК ФЕРМЕРЛАРНИНГ НИЯТЛАРИ УЛУҒ

Инеон, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқларини бил.нози керак. Шундангина бошлаган ишини охирига еткази олади. Юрти.ни.уз.даги фер.мер.лар ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларни таниб, аёта-ёқин кўп тар.мо.ҳ.и фер.мер хўжалик.ларга ай.ланиб бор.мо.ҳ.далар.

Андижон вилоятида бўлиб, фермерлар билан учрашганда мен бунга ишонч ҳосил қилдим. Вилоятнинг Пахтаобод туманидаги “Ҳабибулло Полвонжонов” фермер хўжалиги нафақат тумандаги, балки вилоятдаги илғор хўжаликлардан бири.

– Ер билан тиллашиб, унинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланишга интилган фермер, албатта, кўзлаган мақсадига эришади, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Азизулло Умрзоқов. – Ўтган йили 52,5 гектар майдондаги пахтадан 45 центнердан, 40,8 гектар майдондаги ғалладан 80 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Бундан ташқари, 60 бош швиц зотли молларимиз бор.

Ушбу тумандаги “Долимжон Хайрихон” фермер хўжалиги раҳбари Дилшодбек Долимжонов қилган ишидан тўлқинланиб шундай дейди:

Аллоҳга шукр, юртимиз обод, ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда. Кўзимизга тўтиё бўлган ана шу тупроғимизнинг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб иш юритсак, кўзлаган мақсадга албатта эришамиз. 2019 йилда 29,5 гектар майдондаги пахтадан 42 центнердан, 22 гектар майдондаги ғалладан 70 центнердан ошириб ҳосил олишга муваффақ бўлдик. 3 гектар ерда лимонзор ташкил этганмиз. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Президентимиз қайси ҳудудга бормасин, фермерлар билан учрашганида, албатта, фермер моддий бой бўлибгина қолмай, маънавий етук, юксак салоҳият эгаси бўлмоғи керак, дея таъкидлайди. Давлатимиз раҳбарининг гаплари жуда тўғри. Ахир, газета, журнал, китоб ўқимасак, саводхонлигимизни оширмасак, ўз қобилигимизга ўралиб қоламиз-ку. Ҳар йили “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнаliga обуна бўламан. Журнал саҳифаларида аграр соҳа олимлари, мутахассисларининг қишлоқ хўжалиги экинлари, чорва

моллари парваришида минтақалар тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда бажарилиши керак бўлган тавсияларнинг бериб борилаётганлиги бизга асқатмоқда.

**Деҳқон бу – ҳаётнинг бақувват устун
тирикликнинг мустаҳкам таянчи.**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Пахтаобод туманидаги “Агроном-Олим” фермер хўжалиги раҳбари Ёдгорбек Ибрагимов ўтган йили 15,8 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 16,2 гектар ғалла майдонидан 75 центнердан ҳосил йиғиб олганини фахр билан сўзлаб берди. Хўжалиқда 80 бош қорамол, 35 оила асалари ҳам бор.

– Ҳар ишда етти ўлчаб, бир кесиш муваффақиятни таъминлайди, – дейди Марҳамат туманидаги “Мухторбойнинг унумли ерлари” фермер хўжалиги раҳбари Акрамжон Мухторов. – 135 гектар экин майдонимиз бор. Ўтган йили шунинг 70 гектарида пахта, 65 гектарида ғалла етиштириб, мўл ҳосил олдик. 30 бош швиц зотли молларимиз, 60 гектар боғимизда турли хил мевалар парваришляпмиз, узумзоримиз ҳам бор. Жамоамиз билан халқимиз дастурхони тўкинлигига озгина бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Ушбу тумандаги “Холминжон баракали ерлари” фермер хўжалиги раҳбари Мамасидиқ Холминов ҳам илғор фермерлардан.

– Мен ернинг тафтини доимо соғинаман, – дейди у. – Шу боис, ҳар эрта тонг даламга ошиқаман, кўлимга тупроқ олиб, тўйиб-тўйиб ҳидлайман, у билан тиллашаман, дардлашаман.

Фермер хўжалиги 2019 йилда 31 гектар пахта, 31,7 гектар ғалла майдонидан режадагидан анча ошириб ҳосил йиғиб-териби олишга эришди.

– Техникаларнинг ҳамма туридан бор. Келажакдаги режаларимиз эса

бисёр. Асалчилик, балиқчиликни йўлга қўймоқчимиз. Демак, иқтисодимиз яна юксалиб, эл дастурхонига зарур маҳсулотларни етказиб берамиз, – дейди Марҳамат туманидаги “Хўжаариклик паҳлавон” фермер хўжалиги раҳбари Султонмурод Отахонов. – 32 гектар пахта майдонидан 42 центнердан, 34 гектар ғалла майдонидан эса 70 центнердан ҳосил йиғиб олишга эришдик. 50 бош қорамолимиз бор.

Олтинкўл туманидаги “Чашма” фермер хўжалиги раҳбари Қахрамонжон Зайнобидиновни кўпчилик тажрибали деҳқон сифатида яхши билади. Фермернинг даласида бўлиб, шинамгина шийпонида бир пиёла чой устида гурунглашдик.

– 2019 йилда 24,1 гектар пахта, 17,8 гектар ғалла майдонидан режадан ошириб ҳосил йиғиб олдик, – дейди Қахрамонжон. – 82 бош қорамолимиз ҳам бор. Даромад топиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Изланиш, ўрганиш, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилиш керак, холос. Мен камбағал, қўшним бой, дея ҳасад қилувчилар ҳам бор. Ўрганишдан уялмаслик керак. “Интилганга толе ёр”, деб бекорга айтмайди доно халқимиз. Холис ният, ҳавас билан бошлаган иш ўз самарасини беради.

Шаҳрихон туманидаги “Омон – жаҳон келажаги” фермер хўжалиги раҳбари Анара Маматқулова нияти холис, келажак сари дадил қадам ташлаб, юксаклик сари интилаётган ёшлардан.

У ёш бўлишига қарамай, ишлари аъло, ниятлари улуғ ва холис. Ҳомийлик борасида ҳам қараб турмайди.

– Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин, дея бежиз айтишмайди. Яхшилик – одамийлик мезони. Камтарлик, самимийлик, ҳалоллик бор жойда ба-рака бўлишини ҳаётий тажрибамиздан яхши биламиз.

Вилоят, туман раҳбарларининг таклифи ва ёрдами билан фермер хўжалиги қошида “Имрон – олий текс” кичик корхонаси очилиб, 15 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Анараҳон келажакда банк кредити эвазига Германиядан 100 бош қорамол олиб келмоқчи.

Раъно ТОЖАЛИЕВА,
журналист.

2020

Қуёшли Ўзбекистонимизга
қутлуғ қадамлар билан кириб
келган 2020 йилда
хирмонларимиз янада
сарбалад, дастурхонларимиз
тўкин, ҳосилимиз баракали
бўлсин.

«Зарафшонмахсуссувқурилиш»

ДУК жамоеси

“НАВОБОД НАСЛЛИ ПАРРАНДА” РАВНАҚИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби, паррандачилик комплексларини ривожлантириш асосида аҳолини сифатли, арзон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Паррандачилик машаққатли, аммо сердаромад соҳалардан биридир.

Самарқанд туманидаги «Навобод наслли парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдар Ҳуроқов ҳам паррандачилик соҳасининг ҳадисини олган. У республикаимизда илк бор шу соҳага қўл урган тадбиркорлардан бири саналади. 1992 йилда у кичик бир корхонада 14 нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган тадбиркор ўз меҳнатсеварлиги, заковати ва шижоати билан йилдан-йилга тараққиёт йўлидан бориб, йирик хўжалик барпо этди. Бугун тажрибали тадбиркор Ҳайдар Ҳуроқов паррандачилик янада ривожлантириш, соҳага илғор технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, парранда маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уларнинг турлари ва экспорт кўламини ошириш борасида нафақат Самарқандда, балки республикаимизда кўзга кўринган етакчилардан.

Ҳозирги кунда тадбиркор илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда ҳудудда парранда етиштириш, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ҳолида истеъмолчига етказиш, экспорт салоҳиятини тўлиқ қамраб олган паррандачилик кластери ташкил этиб, йилига жами 30 млн. дона наслли жўжалар, тухум ва чорва озуқасини республикаимизнинг барча вилоятларига, қолаверса, Тожикистон, Афғонистон давлатларига экспорт қилмоқда.

– Мунтазам талаб бўлиб турса, экспортга бундан кўп миқдорда маҳсулот чиқариш имкониятимиз мавжуд, – дейди тадбиркор Ҳайдар Ҳуроқов. – Бу йилги режамиз хориж бозорига маҳсулот сотишни янада кўпайтириб, экспорт ҳажмининг янада оширишга қаратилган. Президентимизнинг 2018 йил март ойида Тожикистон республикасида давлат ташрифи чоғида Душанбе шаҳрида “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” миллий маҳсулотлар кўргазмасида иштирок этдик ва хўжалигимизда тайёрланаётган паррандачилик маҳсулотларини намойиш этдик.



Шу аснода Тожикистонлик дўстларимизга замонавий технология асосида парранда боқиш, парҳез гўшт етиштириш бўйича фаолиятимиз маъқул келиб, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни ўрнатдик. Шу тариқа Душанбе шаҳрида фермер хўжалигимизнинг шўъба корхонасини очдик ва бугунги кунда қўшни республикага паррандачилик маҳсулотлари ва озуқасини экспорт қиляпмиз.

Кўриниб турибдики, корхонада етти хазинадан бири – паррандачилик тармоғини ривожлантириш орқали ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини орттириш йўлида олиб борилаётган изланишлар туфайли юқори натижалар қўлга киритилмоқда. Бу эса халқимиз дастурхонини парҳез маҳсулотлар билан тўлдиришда ва иқтисодийетимиз юксалишида муҳим омил бўлаётди.

Маълумки, Самарқанд тумани озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун қулай иқлим шароити ҳамда унумдор тупроқли экинзорларга эга. Туманда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ўзининг хуштаъмлиги, энг асосийси, фойдали ва тўйимлилиги билан ажралиб туради. Уларни пишиқчилик мавсумида қисқа фурсатда йиғиб олиш, нест-нобуд қилмасдан сақлашга ёки қайта ишлашга йўналтириш муҳим тадбир саналади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қишлоқ хўжалигида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳалар бугунги кун учун долзарб аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, қишбаҳор ойларида ҳам ички истеъмол

бозорида нархлар барқарорлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг мўл бўлиши, қолаверса, қўшимча иш ўринлари яратилиши, экспорт салоҳиятининг орттиришига замин ҳозирлайди. Бу борада ҳам «Навобод наслли парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги аъзолари томонидан яна бир фаолият тури сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган узумчилик кластери ҳам йўлга қўйилган. Фермер ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, хусусан, узум етиштирувчилар билан самарали ҳамкорлик ўрнатган. Уларга жамият томонидан экиш тавсия этилган сара кўчатлар, агротехник ҳимоя ва озуқа маҳсулотлари етказиб берилади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари эса уни экиб, парваришлайди. Ҳосил олинган, маҳсулотни яна корхонанинг ўзи харид қилади. 2019 йил давомида тумандаги 96 та фермер хўжаликларидан 40 минг тонна узум йиғиб олинди ва шундан юқори технология асосида 10 минг тонна майиз ишланди ва хориж мамлакатларига 2 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Аҳамиятли томони, кўп тармоқли фермер хўжалиги мазкур лойиҳаларининг самарали фаолияти сабаб, ҳудудда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг кўламини ортиб бормоқда, аҳолига арзон маҳсулотлар етказиб берилиши баробарида, 210 нафар инсоннинг доимий иш билан бандлиги таъминланган.

Бугун «Навобод наслли парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдар Ҳуроқовнинг хатти-ҳаракатларида ҳудуднинг экспорт салоҳиятидан янада унумли фойдаланиб, шу аснода ташқи бозор талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва шу интилишлар замирида халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва ҳаёт тарзини яхшилаш каби эзгу мақсадлар мужассам.

– Жамоамиз номидан юртдошларимизни, барча фермерларни янги йил байрами билан қизгин табриклайман. – дейди Ҳайдар Ҳуроқов биз билан хайрлаша туриб. – Жорий йилда ҳам деҳқончилигимизнинг баракали бўлишини тилаб қоламан.

Суратда: «Навобод наслли парранда» кўптармоқли фермер хўжалиги раҳбари Ҳайдар Ҳуроқов

Ўз мухбиримиз.

ДЎЗАНИНГ ЯНГИ “СП-38”, “СП-40” ВА “СП-41” НАВЛАРИ

Synthetic breeding methods have created new early-ripening high-yielding varieties of cotton “SP-38”, “SP-40” and “SP-41”. When comparing standards, these varieties give 10-15% more yield, the mass of raw cotton it has up to 1,0-1,5 g more and ripens 5-7 days earlier than the previous ones.

Дўза селекциясида яратилаётган ҳар бир навнинг имкон қадар айни ҳудуд иқлим-тупроқ шароитларига мос бўлишини таъмин этмоқ даркор. Жумладан, мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида тезпишар навларга эҳтиёж юқори ҳисобланади. Албатта, фақат тезпишарликнинг ўзи пахтачиликда етарли мезон бўла олмайди ва бу хусусият хўжалик учун қимматли белгилари билан бирга муҳассамлашган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, бир навда ҳам тезпишарлик ҳам юқори ҳосиллилик хусусиятларини бирлаштириш қийин. Бундай муаммони ҳал қилишда ўсимликнинг усув даврининг айрим фазалари давомиилгининг йиғиндисидан иборат бўлганлиги ҳисобга олинади лозим. Бу йўналишда жуда кўп олимлар тадқиқотлар олиб борган.

Глобал исиш натижасида Ўрта Осиёда иқлим қурғоқчилиги ва тупроқ шўрланишининг тобора кучайиб бораётганлиги туфайли биотик ва абиотик шароитларга ҳамда экстремал ҳолатларга тез кўниқувчан янги навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жори қилиш лозим.

Кейинги йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станциясида (ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС) олиб борилаётган амалий лойиҳалар доирасида ўзанинг бир қатор янги нав ва тизмалари яратилди. Дўзанинг янги “СП-38”, “СП-40” ва “СП-41” навлари ана шулар жумласидандир (расм).

“СП-38” нави - ПСУЕАИТИ жаҳон коллекциясининг эколого-географик узоқ шакли № 012090 каталог рақамли ўрта толали Хиндистон намунасининг табиий биотиплари асосида аналитик селекция усулида яратилди. 2019 йилда Давлат нав синаш комиссияси томонидан патент беришга ижобий ҳулоса берилган.

Хўжалик белгилари: Битта кўсақдаги пахтасининг вазни 6,5 г.

Толасининг узунлиги 33,0–34,2 мм, толаси V типга мансуб. Тола чиқиши 38,0–39,0%, 1000 дона чигитининг оғирлиги 110-115 г. Эртапишар, биринчи теримининг салмоғи юқори, ҳосилдорлиги 42-48 ц/га. Толаси оқ рангли. Ўсув даври - ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсақ очилгунча бўлган давр 110-115 кун бўлиб, андоза “Хоразм-127” навиға нисбатан 5-7 кун олдин пишиб етилади.

“СП-40” нави - Синтетик селекция усулида ўзанинг ўрта толали “Наманган-34” ва “Парвоз” навларини ўзаро чаптиштириш ва кўп маротаба якка танлаш асосида яратилган. 2019 йилдан Давлат нав синаш комиссиясининг ҳудудлардаги шохобчаларида синовдан ўтмоқда.

Хўжалик белгилари: Кўсақдаги пахтанинг вазни 6,0- 6,5 г., 1000 дона чигити оғирлиги 115-120 г., толаси IV-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 34,5-35,5 мм., тола чиқиши 38,0-40,0%. Микронейр кўрсаткичи 4,2-4,3. Ҳосилдорлиги 40-45 ц/га. “СП-40” нави “Агрорасаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази” ДУК Хоразм ҳудудий лабораторияси маълумотларига кўра тола сифат кўрсаткичлари IV тип толага қўйилган талабларга тўла жавоб бериши (микронейр 4,2-4,3 ва тола узунлиги 1,18-1,22 дюйм) ва бу белгилар бўйича ҳам андоза “Хоразм-127” навиға нисбатан ижобий эканлиги аниқланди. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсақ очилгунча бўлган давр 110-115 кун бўлиб, андоза “Хоразм-127” навиға нисбатан 5-7 кунга олдин пишиб етилади.

“СП-41” нави – Синтетик селекция усулида ўзанинг ўрта толали “Парвоз” ва “Наманган-34” навларини ўзаро чаптиштириш ва кўп маротаба якка танлаш асосида яратилган. Идоралараро комиссия томонидан Давлат нав синаш комиссиясига 2020 йил грунт назорати синовиға тавсия этилган.

Хўжалик белгилари: Кўсақдаги пахтасининг вазни 6,5- 7,0 г., 1000 дона чигити оғирлиги 120-125 г., толаси IVтипга мансуб, толасининг штапель узунлиги 34,0-35,0 мм., тола чиқиши 40,0-42,0 %. Микронейр кўрсаткичи 4,3-4,4. Ҳосилдорлиги 40-45 ц/га. Ўсув даври 115-120 кун бўлиб, андоза “Хоразм-127” нави билан бир хил муддатда пишиб етилади.

ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС да яратилган ўзанинг ушбу янги “СП-38”, “СП-40” ва “СП-41” навлари андоза навларга нисбатан ўзининг тезпишарлиги ва серҳосиллиги билан ажралиб туради. Ушбу навларнинг келгусида кенг майдонларда экилиши натижасида Хоразм вилоятида пахтадан эртаки, сифатли ва мўл ҳосил етиштиришга эришиш мумкин.

Х. ИБРАГИМОВ,

б.ф.н., лойиҳа раҳбари,

Р. КАРИМОВ,

қ.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,

ПСУЕАИТИ Хоразм ИТС



АДАБИЁТЛАР

1. Автономов В.А., Каюмов У.К. Межсортная географически отдаленная гибридизация в селекции хлопчатника вида *G.hirsutum* L. // Монография. – Ташкент: «Мехрдарё», 2013. – 138 с.
2. Симонуля Н.Г., Мухаммедханов С.Р., Шафрин А.Н. Генетика, селекция и семеноводства хлопчатника. – Ташкент: «Мехнат», 1987.
3. Дедова, Ю. И. Наследование хозяйственно ценных признаков у гибридов хлопчатника при отдаленно-географических скрещиваниях // Естественные науки. – Астрахань, 2008. – № 4. – С. 44–47.
4. Семенихина Л.В., Набиев С.М. «Создание доноров устойчивости видов рода *Gossypium* L. к водоснабжению» // Матер. IV Респ. научно-практ. конф. «Интродукция растений: проблемы и перспективы». – Ташкент, 2009. – 141 ч.

НОВЫЕ ИНТРОДУЦИРОВАННЫЕ МЕДОНОСНЫЕ РАСТЕНИЯ СЕМЕЙСТВА LAMIACEAE В УЗБЕКИСТАНЕ

Для получения отечественной пряно-вкусовой и медоносной продукции и расширения ассортимента этих культур, за счёт внедрения новых интродуцированных растений позволяет решить одно из важных проблем республики, а также обеспечения населения полноценными продуктами питания и кормовой базы пчеловодства.

Одним из путей решения этой задачи является использование новых пряно-вкусовых и нектароносных культур, с высокими вкусовыми качествами и нектаро-пыльцевой продуктивностью свойствами. К таким растениям относятся лобelia анисовый, майоран и чабер огородный.

Исследования проводились по общей принятой методике на опытном участке Сурхандарьинской опытной станции Научного исследовательского института овоще-бахчевых культур и картофеля в 2014-2017 годах.

Лобelia анисовый (*Lophanthus anisatus* Benth.) – многолетнее травянистое эфиромасличное растение семейства яснотковых высотой до 1 м и более. Корень мочковатый. Побеги многочисленные, четырехгранные. Цветки обоеполюе, белые, синеватые собраны в колосовидные соцветия длиной до 20 см, расположенные на осевых и боковых побегах. Лобelia анисовый – зацветает в первый год жизни. В условиях юга Узбекистана может произрастать в широкорядных посевах 4-5 года. Посевы лобelia анисового первого года жизни вступают в фазу цветения в начале мая. Период цветения очень продолжителен и длится около двух трёх месяцев. Эту особенность можно использовать для увеличения продолжительности медосбора. Исследования показали, обогащая почву минеральным питанием, можно увеличить количество цветков на единице площади. Внесение минеральных удобрений позволяет увеличить этот показатель в 2,0-2,5 раза. Медопродуктивность посевов составляет от 95,5 до 184,5 кг/га. Майоран (*Majorana hortensis*) – многолетнее корневищное растение семейства яснотковых. В культуре выращивается как одно или двулетнее растение. Стебель прямостоячий, многопочечный, буроватый, высотой 30-75 см, сильноветвистый. Листья мелкие, черешковые, продолговато-яйцевидные, супротивные, с зубчатыми краями, опущенные, серебристо серые. Соцветия мутчатые, состоит из 3-5 колосовидных пучков. Цветки мелкие, красноватые, розовые или пурпурные. Майоран теплолюбивое растение. Всходы не выносят заморозков. Требователен к почве. На одном месте растет 6-10 лет. Майоран мы размножали семенами и рассадой. Всходы появились через три недели после посева. Растения развивались медленно. При посеве семян участок должен быть чистым от семян сорных растений, так как в начальный период вегетации их часто заглушают сорные растения. Глубина заделки семян 0,2-0,3 см. норма посева 1-1,5 г/м². Обогащали минеральным

удобрением аммиачной селитрой и суперфосфатом. Рассадку в открытый грунт высаживают в фазе 4-6 настоящих листьев в начале апреля. Высаживали по схеме 70x35 см. Майоран зацветает в умеренном климате в середине лета. Для пчеловодства он особенно ценен как позднелетний медонос.

Чабер садовый (*Satureja hortensis*) – однолетнее пряное и медоносное растение, семейства яснотковых. Широко культивируется в республиках Закавказья, частично на юге Украины и в Средней Азии. В пищу используют молодые побеги и листья в свежем и сушённом виде. Они обладают сильным пряным запахом и слегка горьковатым вкусом.

Корень чабера стержневой, тонкий, длиной до 15-20 см. Тонкие стебли растут и ветвятся от самого основания корня. Длина стебля – 30-70 см. На нем расположены линейно-ланцетовидные, узкие, с острыми кончиками листья. Цвет стебля коричневый с фиолетовым отливом, листья темно-зеленого цвета. Соцветие – завиток из 3-5 цветков сиреневого оттенка, рыхлое, вытянутое. Цветы на коротких цветоножках, которые вырастают в пазухах листьев. Форма цветка – волнистая чашечка с короткими тычинками в зеве. Цветет в июне-августе, образует плод – маленькую трехгранную коробочку. Растение теплолюбивое, не выносит заморозков. К почвенным условиям не требователен, однако на плодородных рыхлых почвах заметно увеличивается урожайность. Размножали рассадным способом. Семена перед посевом смешивали с песком и высевали в начале февраля, покрывали полиэтиленовой пленкой. Глубина заделки семян 0,5 см. Норма посева семян 0,2-0,3 г/м². Всходы появляются через 10-17 дней. В фазе 2-3 настоящих листьев растения прореживали оставляя расстояние между ними 12-15 см. Рассадку высаживали в начале апреля по схеме 60x20 см. Рассадные растения подкармливали аммиачной селитрой, суперфосфатом и перепревшим навозом. В течение вегетации регулярно пропалывали сорняки и обильно поливали. Начало цветения чабера садового в первой половине декады июня. Массовое цветение наблюдалось в середине июля. Сахара в нектаре из одного цветка содержится в среднем 0,147 мг с 1 га.

Использование в качестве элементов нектароносного конвейера лобelia анисового, майорана и чабер огородного в качестве медоносов в весенне-летний период позволяет обеспечить пчел нектаром и пыльцой в этот период, формируются сильные семьи для последующего медосбора. Возделывание лобelia анисового обеспечивает пчел нектаром в позднелетний период.

Нафиса АТАМУРАТОВА,
соискатель,
(ТашГАУ).

Литература:

1. Глухов М.М. Медоносные растения. – М.: Колос, 1974. - 294 с.
2. Пивоваров В.Ф., Арамов М.Х., Добруцкая Е.Г. и др. Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане. – Москва, 2001. -С.255-267.
3. Суминова Н.Б., Земскова Ю.К., Лялина Е.В. Однолетние и многолетние пряно-вкусовые овощные культуры, особенности их выращивания в Нижнем Поволжье. //Вестник Саратовского госагроуниверситета им. Н.И.Вавилова-2007. №6.-С.95-98

АДАПТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ В СЕЛЕКЦИИ СОРГО

Культура сорго нетребовательна к почвам и произрастает на всех типах почв нашей республики, хорошо переносит повышенную концентрацию почвенного раствора солей и является ценнейшей страховой зерновой и кормовой культурой в условиях засоления и недостаточной водообеспеченности.

В течение 25 веков народной селекцией были созданы такие замечательные местные сорта джугары Маткаир, Каттабаш, Бойджугара, Найман с достаточно высоким урожаем зерна, пригодного для приготовления муки и крупы. Узбекскими селекционерами на базе местных сортов и гибридизации были созданы высокоурожайные сорта, такие как Карлик Узбекистана, Алты-ойлик местное, Чилики местное улучшенное, Даулет потенциальная урожайность которых превышает 60-80 ц/га зерна. Лучшие селекционные сорта на силос – Узбекская 18 и Ташкентское белозёрное – способны обеспечить получение до 1000 ц/га зелёной массы и др.

К сожалению, наиболее высокоурожайные сорта сорго отличаются позднеспелостью и созревают за 135-150 дней, многие из них не пригодны механизированной уборке зерна.

Посевы сорго в производстве занимают ещё недостаточные площади, а урожай их бывает низким. Главная причина такого положения – позднеспелость многих сортов, сложность их семеноводства, а также нестабильность периода вегетации и урожайности по годам и регионам республики.

Сорго – культура короткого дня. Исследования многих генетиков и селекционеров показывают, что у сорго существует 9 генотипов и 4 фенотипа. Причем фенотипический эффект (очень поздние, поздние, промежуточные и ранние) проявляется только тогда, когда продолжительность светового дня превышает 14 ч. При коротком (10 часовом) дне растения всех генотипов созревают рано, следовательно, в условиях короткого дня проблема позднеспелости не существует.

Опыты Узбекской научно-исследовательской станции по кукурузе (2007 – 2016 г.г.) показали, что из 110 изученных линий, сортов сорго 87,4% типично коротко дневные формы и только 12,6% отличились слабой и нейтральной фотопериодической реакцией. В частности, нейтральными к длине дня оказались коллекционные образцы Н83БЗ, Н83БЦЗ, Узбекское 5, Даулет, Корабош, Бойджугара, Найман, ICSV – 90003, ICSR – 89001, ICSV – 89094 и др. В группу средние и сильно реагирующих на этот фактор вошли Кормовой 74, Кормовой 76, ICSR – 40, ICSR – 69, ICSV – 79, ICSV -272 и др.

Характерно, что нейтральные сортообразцы слабо реагируют на продолжительность дня и зацветают через одно и то же число дней. Сильно реагирующие, например гибрид Кормовой 74 и Кормовой 76 в условиях длинного дня зацвел на 20-30 суток позже, чем короткого светового дня.

Анализ результатов исследований также показали, что температурные условия года у сильно реагирующих на длину дня сортов существенно влияют на период их вегетации. Отмечены большие различия и по изменчивости морфологических признаков у форм, сильно реагирующих на длинный день. Так, у линий и сортов сильно реагирующих на длинный день при

коротком дне значительно меньше высота растений, количество листьев, площади листовой поверхности.

У нейтральных по фотопериодичности линий и сортов совершенно не меняются размеры растений, урожай зерна и листостебельной массы или изменения находятся в пределах ошибки опыта при выращивании в условиях короткого и длинного дня в теплые и холодные годы.

Таким образом, нетральные и слабочувствительные к продолжительности дня и температурному режиму линии и сорта отличаются низкой пластичностью и высокой стабильностью урожайности зерна, листостебельной массы и уровня морфологических признаков в различных условиях выращивания. В то же время сильно реагирующие на экологические факторы формы характеризуются значительным проявлением паратипической изменчивости и высокой пластичностью.

Следует отметить, что у форм, сильно реагирующих на фотопериод, коэффициент экологической пластичности, как правило, равен единице или несколько выше, а у нейтральных и слабо реагирующих на длину дня меньше единицы (0,71).

Раскрытие причин позднеспелости и нестабильности периода вегетации и урожая, наличие в генофонде сорго линий и сортов с благоприятной реакцией к системе лимитирующих факторов среды, применение новых способов селекции дает нам возможность получить раннеспелые сорта с высокой адаптивностью к экстремальным условиям среды и относительно стабильными периодом вегетации и урожайностью.

Основное направление селекции сорго в настоящее время – дальнейшее повышение урожайности и его стабильности путем выведения новых сортов и гибридов с высоким адаптивным потенциалом климатизирующим факторам среды (длина дня и понижение температуры), а также увеличение у них коэффициента использования ФАР ($K_{\text{ФАР}}$) и коэффициента хозяйственной эффективности фотосинтеза ($K_{\text{хоз}}$).

Для увеличения у сорго $K_{\text{хоз}}$ необходимо создать новые сорта и гибриды с оптимальными высотой, числом листьев, площадью листовой поверхности и высокой атрагирующей способностью метелок. Вывести сорта и гибриды с повышенной соле- и засухоустойчивостью, минимальным коэффициентом транспирации и более низким коэффициентом водопотребления.

Поскольку мы не можем увеличить чистую продуктивность фотосинтеза, то нам необходимо улучшить оптико-биологическую структуру ценоза, оптимизировать для каждого сорта и гибрида густоту стояния, создать более теневыносливые сорта и гибриды, устойчивые к загущению, совершенствовать агротехнику, вести борьбу с потерями влаги при обработке почвы и уходе за растениями, повысить эффективность борьбы с сорняками, болезнями и вредителями и ликвидировать потери урожая при уборке.

Даулетбай ЕДЕНБАЕВ,
с.н. сотрудник, к.с.х.н.,
Кобилжон АЗИЗОВ,
д.ф.н.с.к.,

Научно-опытная станция селекции
и семеноводства кукурузы (НОСССК).

2020

Ўзининг баракали меҳнат ютуқлари билан истиқболи порлоқ юртимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, юртдошларимизни Янги — 2020 йил билан қизгин табриклаймиз.

Янги йилда ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз янада сарбаланд бўлсин! Байрам шукуҳи кўнгилларни асло тарк этмасин!

*Гурлан тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда
“Аҳмад Алламов” фермер хўжалиги*

жамоалари

ТУРЛИ ХИЛ ЯСМИҚ ДОНЛАРИНИНГ МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР ВА НИТРАГИН ШТАММИ ТАЪСИРИДА БИОКИМЁВИЙ ЖИХАТДАН ЎЗГАРИШИ

This article describes the quality of lentils, biochemical changes in grain under the influence of cultivated fertilizers and nitragin strains, the various effects of different types of cultivated fertilizers and nitragin strains, given in the development of varieties of lentils.

Ясмиқдан олинадиган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, унинг биокимёвий таркибига боғлиқ. Ўсимликнинг пояси ва баргида оқсил моддаси кўп бўлса, дони пишиб етилгандан сўнг унинг таркибида ҳам оқсил кўп бўлиши илмий излашларда аниқланган. Биз ясмиқнинг “Олтин дон назорат”, “Дармон” ва “Сарбон” навларини ўрганиш давомида бир қатор тажрибалар олиб бордик. 2011-2012 йиллар давомида маълум бўлдики, ясмиқ навларига ривожланиш давомида берилган турли меъёрдаги маъданли ўғитлар ва нитрагин штаммлари доннинг биокимёвий таркибига маълум миқдорда таъсир кўрсатди.

1-жадвал

Сарбон нави донининг маъданли ўғитлар ва нитрагин штамми таъсирида биокимёвий ўзгариши (2011-2012 йй.)

Тажриба вариантлари	Дон таркибидаги моддалар, қуруқ моддада, %					
	сув	оқсил	углеводлар	ёғочлик	кул	мой
Назорат	13,2	23,5	51,4	3,0	0,8	2,1
P ₅₀	13,5	25,4	52,7	3,2	1,2	2,3
P ₅₀ K ₅₀	13,6	28,5	53,0	3,2	1,3	2,3
P ₁₀₀ K ₅₀	14,5	29,8	54,4	3,4	1,5	2,7
P ₁₅₀ K ₁₀₀	13,8	28,3	54,0	3,3	1,6	2,5

Тажриба вариантларидан маълум бўлишича, ясмиқ донларининг биокимёвий таркибида навлар бўйича жуда катта фарқ сезилмади, аммо бир гектар майдондан тўпланган оқсил ва углевод миқдори кўра, ушбу моддалар ҳосилдорлик билан тўғри корреляция қилганлиги маълум бўлди. Қайси вариантда ясмиқ дони ҳосилдорлиги юқори бўлса, ушбу майдондан гектар ҳисобига оқсил миқдори кўп бўлди.

Ясмиқнинг “Олтин дон” назорат нави бир гектар майдонда P₁₀₀K₅₀ энг юқори ҳосилни берганлиги туфайли, бир гектардан тўпланган оқсил миқдори 345 кг/га. ни ташкил қилди. Тажриба натижаларига кўра, энг серҳосил ҳисобланган “Дармон” нави 4-вариантда 25,2 ц/га ҳосил берган. Ҳар гектардан тўпланган оқсил шу вариантда юқори бўлди, яъни 356 кг/га. ни ташкил қилди. “Сарбон” нави бўйича олган маълумотларимиз ҳам олдинги икки нав бўйича олинган

2-жадвал

Ясмиқ донидаги умумий оқсил миқдори натижалари

Навлар	Намун, г	Аликвот, мл	400 нм	Оқсил, %
Ясмиқ уруғи				
Олтин дон	0,725	0,2	0,570	22,8
Дармон	0,738	0,2	0,564	22,2

маълумотларни тасдиқлади. Гектар ҳисобига тўпланган оқсил ва углевод миқдорининг энг кам бўлиши ҳеч қандай ўғит берилмаган 1-вариантда кузатилди ёки бу вариантда бир гектардан тўпланган оқсил “Олтин дон” нави бўйича 336 кг/га эканлиги маълум бўлди.

Бир гектардан тўпланган мой миқдори жуда кам бўлди. Бу маъданли ва нитрагин ўғитлари берилмаган вариантда ясмиқ дони ҳосилдорлиги кам бўлганлиги туфайлидир. Масалан “Олтин дон” назорат навида ясмиқ ҳосилдорлиги бир гектардан 13,4 центнерни ташкил қилди. Фосфорли ва калий ўғитлар билан биргаликда нитрагин биологик ўғити берилганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлди.

Барча ўсимликлар каби ясмиқ донининг биокимёвий таркиби унинг тупроқдан қандай моддаларни ўзлаштиришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун тупроққа берилган маъданли ўғитлар доннинг кимёвий таркибига ижобий таъсир кўрсатади. Азот билан яхши таъминланган ўсимлик поялари, дони таркибида оқсил моддаси кўп тўпланади, бу ҳолат ўз навбатида ҳосилдорликка ҳам таъсир кўрсатади.

3-жадвал

Ясмиқнинг “Дармон” нави уруғлари таркибида бўлган токсикологик моддаларнинг рухсат этилган меъёрлари ва талаблари

Кўрсаткичлар номи	Талаб асосида	Олинган натижа, мг/ кг	Талабга мос келиши
Токсинлар, мг/ кг дан кўп эмас			
Рух	01	0,02	мослиги
Кадмий	0,3	0,00	мослиги
Кўрғошин	0,1	0,00	мослиги
Мис	0,0	0,00	мослиги
Симоб	0,02	0,00	мослиги
Мишьяк	15	0,17	мослиги
Микотоксинлар, мг/ кг дан кўп эмас			
Афлотоксин В ₁	0,005	0,000	мослиги
Пестицидлар, мг/ кг дан кўп эмас			
ГХЦГ унинг изомерлари	0,5	0,000	мослиги
ДДТ ва унинг метаболитлари	0,05	0,000	мослиги

Ясмиқ навларида оқсил миқдори 23 фоиздан 33 фоизгача бўлди. Энг кўп оқсил тўпланган нав сифатида “Дармон” нави олинди, бу навда ҳосилдорлик юқори бўлгани туфайли бир гектардан тўпланган оқсил миқдори ҳам кўп бўлиши тўғри ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши ҳамда ҳозирги ва келгуси авлодлар саломатлиги учун хавф солувчи кимёвий,



радиоактив, биологик фаол моддалар ва уларнинг бирик-малари, микроорганизмлар ва бошқа биологик организмларнинг йўл қўйилган миқдорига қўйиладиган норматив ҳужжатлар билан белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим. Озиқ-овқат маҳсулотлари радиацион кўрсаткичлари ушбу санитария талаблари ва гигиеник нормативларнинг махсус иловаси билан белгиланади. Ўсимликлар ва жониворлардан келиб чиққан озиқ-овқат хомашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг барча турларида пестицидлар – глобал ифлослантирувчилар: гексахлорциклопексан (альфа, бета, гамма-изомерлар), ДДТ ва унинг метаболитлари назорат қилинади. Ғалла ва қайта ишлаш маҳсулотларида, шунингдек, симоб-органик пестицидлар, 2,4-Д кислотаси, унинг тузлари ва эфирлари назорат қилинади. Балиқ ва қайта ишлаш маҳсулотларида, шунингдек, 2,4-Д кислота-си, унинг тузлари ва эфирлари назорат қилинади ва бу ишлар доимо давлат назоратида бўлади.

Олинган натижалардан маълум бўлишича, ясиқ дони таркибида инсон организми учун хавфли токсикологик моддалар мутлақо учрамайди, қўрғошин, симоб, кадмий, рух, мшьяк моддаларининг барчаси талаб даражасидан паст ва айримлари мутлақо учрамайди. Бизнинг тажрибаларимизда маъданли ва биологик нитрагин ўғити биргаликда қўлланилганда ясиқ донининг таркибидаги оғир металллар миқдори назоратга нисбатан кам бўлганлиги кузатилди. Демак, тупроқдаги оғир металллар ўрганилганда тупроқ, уруғ, ўсимлик ва организм деган занжирнинг унчалик даражада ишламагани маълум бўлди. Ясиқ дуккакли экин бўлгани сабабли тупроқни тозаловчи экологик экинлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ясиқ экилган далаларда тупроқнинг оғир металллардан тозаланиши маълум бўлди.

Феруза ҲАМИДОВА,
ТошДАУ мустақил тадқиқотчиси,
Дилором ЁРМАТОВА,
қ.х.ф.д., профессор. (ЎзДЖТУ)

АДАБИЁТЛАР

1. Х.Н.Атабаева ва бошқалар. Ўсимликшунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2000.
2. М.Маннопова, И.Эгамов. Ясиқ // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. – Тошкент, 2003. – №4.
3. //http.urozhana-gryadkanarod.ru,2011- «Чечевица: технология выращивания, вредители и сорта».

УЎТ: 634.1 581.9

ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МЕВАЛИ ЭКИНЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

The article presents materials on the biodiversity of local varieties of fruit crops (apple, apricot) in Surkhondarya region. Local varieties of fruit crops in e Surkhondarya region are distinguished by drought resistance, heat resistance, and pest resistance.

Сурхондарё вилояти республикамизнинг энг жанубий вилояти бўлиб, тупроқ-иклим шароитининг бошқа ҳудудларга нисбатан кескин фарқ қилиши билан ажралиб туради. Бу ерда ёз қуруқ ва жуда иссиқ бўлиб, кучли қумли “Афғон” шамоли эсади. Шундай шароитда мева ва узумнинг турли навларини етиштириш долзарб ҳисобланади. Тупроқ унумдорлигининг нисбатан пастлиги, баъзи ҳудудларнинг кучсиз даражада шўрлангани, сув ресурсларининг чегаралангани мева-узум навларига ўзига хос талаблар қўяди. Мева-узумнинг маҳаллий навлари ўзининг атроф-муҳит нуқулай шароитларига чидамлиги билан ажралиб туради. Мевали экинлар орасида олма ва ўрик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг турли муддатларда пишиб етиладиган навлари вилоятнинг барча ҳудудларида экиб, етиштириб келинмоқда.

Қуйида Сурхондарё вилоятида экиб етиштирилаётган олма ва ўрикнинг маҳаллий навлари тавсифи келтирилган.

Олма навлари:

“Қирмизи” нави – Сурхондарё вилоятида тарқалган маҳаллий нав. Дарахт кучли ўсувчи. Мевалари ўртача бироз чўзиқ шаклда, ўртача вазни 90–100 г. Қизғиш-оч қизил тусли. Эти сарғиш-оқ рангда, зич. Ўртача серсув. Таъми ширин. Ҳосилга 3–4-йили киради. Июль ойининг ўрталарида пишади. Мевалари нисбатан қисқа муддат сақланади. Қўрғоқчиликка ҳамда ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши чидамли. Зараркунандалар билан нисбатан кам даражада шикастланади. Ҳосилдорлиги ҳар тупдан 40–50 кг.

“Оқ олма” нави – маҳаллий нав бўлиб, томорқаларда кенг тарқалган. Дарахти ўртача ўсувчи. Мевалари ясси-юмалоқ шаклда, ўртача вазни 70–80 г. Туси оч сариқ оқиш рангли. Эти оқ ранг-

ли, серсув, таъми жуда ширин, ҳидли. Ҳосилга 2–3-йили киради. Эрта муддатда пишадиган олма навларидан биридир. Мевалари узоқ сақланмайди. Қўрғоқчиликка, иссиққа чидамлилиги билан ажралиб туради, зараркунандаларга бардошли. Ҳосилдорлиги ҳар тупдан 70–75 кг.

“Қизил тарам олма” нави – Сурхондарё вилоятида энг эртаки навлардан бири. Дарахт кучли ўсувчи, мевалари ясси-юмалоқ шаклда, ўртача вазни 70–80 г. Қизғиш тусли, йўл-йўл хошияси бор. Эти оқиш карсиллайдиган, ўртача зич, серсув. Таъми жуда ширин, мазали. Ҳосилга 3–4-йили киради. Мевалари май ойининг иккинчи ярмида пишади. Бошқа маҳаллий навларга нисбатан узоқроқ сақланади, транспортда ташишга яроқли. Қўрғоқчиликка, иссиққа бардошли ҳамда кечки баҳорги аёзларга чидамли. Зараркунандалар билан шикастланмайди. Ҳосилдорлиги ҳар тупдан 60–80 кг.

Ўрик навлари:

“Кормовой” нави – маҳаллий нав бўлиб, Сурхондарёнинг жанубий минтақаларида тарқалган. Дарахти кучли ўсувчи. Мевалари йирик, чўзиқ юмалоқ шаклда, вазни 40–45 г. Сариқ рангдан тўқ сариқ ранггача бўлиб, қопловчи туси қизғиш бўлади. Эти тўқ сариқ рангда, карсиллайдиган, серсув. Жуда ширин ва мазали. Ҳосилга 3–4-йили киради. Мевалари май ойининг ўрталарида пиша бошлайди. Ҳосилдорлик ўртача бир тупдан 60–80 кг. ни ташкил қилади. Мевалари узоқ вақт сақланмайди ва транспортда ташишга яроқли. Кеч баҳорги аёзларга нисбатан чидамли, қўрғоқчиликка бардошлилиги юқори даражада. Сурхондарё шароитида тешиқ доғ касаллиги билан деярли зарарланмайди.





“Пола ўрик” нави – Сурхондарёнинг Термиз тумани ҳудудда тарқалган маҳаллий нав. Дарахт кучли ўсувчи. Мевалари ўртача ўлчамда, тухумсимон-думалоқ бўлиб, вазни 30–35 г. ни ташкил қилади. Туси оч сариқ рангда, пишганда сарғаяди. Эти сариқ рангда, карсиллайдиган, ўртача серсув. Ширин ва мазали. Ҳосилга 3–4-йили киради. Мевалари май ойида пишади. Ҳосилдорлик ўртача бир дарахтдан 70–90 кг. ни ташкил қилади. Мевалари оддий шароитда 7–10 кун сақланади ва транспортда фақат техник пишиш муддатида узилганда ташиш мумкин. Кеч баҳорги аёзларга чидамли, қурғоқчиликка ва иссиқликка бардошли. Тешик доғ касаллиги билан қисман зарарланади.

“Бузрукхон” нави – Сурхондарё вилоятида тарқалган маҳаллий нав. Дарахти кучли ўсувчи. Мевалари ўртача ва йирик бўлади. Улар чўзиқ тухумсимон шаклда, вазни 40–50 г. гача етади. Туси оч сариқ-яшил рангда, пишганда сарғаяди ва қизил хошиялари пайдо бўлади. Мева эти сариқ-оч яшил рангли, ўртача серсув, ширин таъмли. Ҳосилга 2–3-йили киради. Мевалари май ойининг иккинчи ярмида пишади. Ҳосилдорлик ўртача бир дарахтдан 90–100 кг. ни ташкил қилади. Мевалари транспортда техник

пишиш муддатида терилганда ташилади. Вилоятнинг қуруқ ва иссиқ иқлимга мослашган бўлиб, касаллик ва зараркунандалар билан кам зарарланади.

“Жавзаки” нави – маҳаллий нав бўлиб, Сурхондарёнинг жанубий минтақаларида тарқалган. Дарахти кучли ўсувчи. Мевалари йирик, тухумсимон-юмалоқ шаклда, вазни 40–50 г, сариқ тусдан қизғиш ранггача, меванинг одатда ярмигача оч-қизғиш холи бўлади. Мева эти сариқ рангда, карсиллайди, серсув, жуда ширин. Ҳосилга 3–4-йили киради. Мевалари май ойининг охири–июнь ойининг бошларида пиша бошлайди. Ҳосилдорлик ўртача бир дарахтдан 50–70 кг. Мевалари транспортда ташишга яроқли. Кеч баҳорги аёзларга чидамли, қурғоқчилик ва иссиққа бардошли. Тешик доғ (клястероспориоз) касаллиги билан деярли зарарланмайди.

**Елена ДОРОХОВА,
Шухрат АХМЕДОВ,
Гулчеҳра КАРАХОДЖАЕВА**

*Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини илмий ходимлари.*

УЎТ: 662.7

ТАҲЛИЛ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН УЗУМ ТУРЛАРИНИНГ САҚЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ

In this article, the information on the methods of delivery of grapes to consumers and types of finished products obtained by means of the highest level of commodity characteristics of various grape varieties grown in the country and achieving through this increase of export characteristics are presented.

Республикада олиб борилаётган барча ислохотлар қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам изчил кўрсаткичларда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида 2019–2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қароридан мева-сабзавотчилик ва узумчиликка ихтисослаштирилган 55 та тумандаги мавжуд 113,594 гектар ерларнинг 36,019 гектарида янги боғлар барпо этилиши ёки эски боғларнинг реконструкция қилиниши бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган. Ушбу ҳужжатнинг асосий моҳияти бир томондан мамлакатимиз аҳолисини янги мева ва узум маҳсулотларига бўлган талабини тўла-тўқис қондириш бўлса, иккинчи томондан мазкур маҳсулотларни экспорт қилиш асосида мамлакатимиз валюта тушумини янада бойитишдир.

Мутахассислар таъкидлашча, бугун республикада узумчилик соҳаси қишлоқ хўжалиги экинларидан энг сердаромад тармоқларидан бири саналади.

Ўзбекистоннинг қулай табиий-иқлим шароити бу ерда узумнинг турли муддатларда, яъни энг эрта ва энг кеч пишадиган навларини етиштириш имконини беради.

Статистик маълумотларга қараганда, сўнгги йилларда республикада етиштирилаётган мева ва сабзавотлар бўйича олдинги ўринларни эгаллаб, узум ва қайта ишланган узум маҳсулотлари экспорти бўйича дунёнинг мамлакатлари ичида етакчи 10-ўринни эгаллаб келмоқда, шу билан бирга, келажакда етиштириш майдонларининг ортиб бораётгани эътиборга олинганда, бу кўрсаткич янада юқорига кўтарилиши таъкидланиб келинмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, узумни физик-кимёвий таркиби ва унинг таркибидаги инсон саломатлиги учун ўта фойдали бўлган моддаларга бойлиги билан изоҳланади.

Маълумки, сўнгги йилларда республикада етиштирилаётган узумларни истеъмол қилиш хусусиятларига қараб, хўраки, кишмишбоп ва саноатбоп навларга бўлиниши сабабли бугунги кунда мавжуд тоқзорларнинг 43 фоизи хўраки, 28 фоизи кишмишбоп ва 29 фоизи саноатбоп навлардир.

Юқорида келтириб ўтилган схемадан кўриниб турибдики, республикада етиштирилаётган узум навлари хусусиятларига қараб турли хил кўринишда истеъмолчиларга етказилади. Булардан хўраки ва кишмишбоп навлар асосан янги узилган, сақланган ва қайта ишланган кўринишда узатилса, саноатбоп узумларнинг катта қисми шароб маҳсулотлари кўринишида узатилади.

Биз томонимиздан ўрганиб таҳлил қилинган қарорлар, монографиялар, диссертациялар, мақолалар ва интернет тармоқлари маълумотларига қараганда, сўнгги йилларда истеъмолчилар томонидан узумнинг янги узилган кўринишдаги тайёр маҳсулотга



Чизма: Узумни истеъмолчиларга етказиб бериш усуллари ва олинадиган тайёр маҳсулотлар турлари





бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда, бу эса янги узилган маҳсулотлар таркибидаги инсон фаолияти учун қимматбаҳо бўлган компонентларнинг максимал даражада сақланиб қолиши билан асосланади.

Мутахассислар фикрларига қараганда, нафақат ички, бундан ташқари, экспорт қилиш билан истеъмолчиларга етиштирилган узум маҳсулотларини янги узилган кўринишда етказиш сифат ва технологик кўрсаткичлари жиҳатида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради, яъни янги узилган узумларни сифатли кўринишда етказиб беришнинг ягона усули бу сақлаш жараёни орқали амалга оширилади. Бироқ, республикада етиштирилган узумларни сақлаш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот иш-

лари етарлича олиб борилмаганлиги мазкур соҳада кўп изланишлар, таққослашларни амалга оширишни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, республикада етиштирилган узум навларини товар хусусиятларини максимал ҳолда бўлиши ва экспорт хусусиятларини оширишнинг ягона усулларида бири, бу – янги узилган узумларни замонавий совутиш омборларида сақлаш билан амалга ошириш яхши натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

Ж.ШАМШИЕВ,

Жиззах политехника институти мустақил тадқиқотчиси,

Б.АБДУСАТТОРОВ,

Тошкент давлат аграр университети изланувчиси,

Н.ЮСУПОВ,

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали изланувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4406-сонли қарори. – Тошкент, 2019.

2. Азизов А.Ш., Исламов С.Я., Суванова Ф.У. Сақлаш омборлари ва қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаштириш асослари ва жиҳозлари. – Тошкент: “Наврўз”, 2014.

3. Ш.Темуров. Узумчилик. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002.

4. M. Edwards Detecting foreign bodies in food. Woodhead Publishing Series in Food Science, Technology and Nutrition USA -2004p. 45-46

5. www.lifegrape.com

УЎТ: 368.4

ТАДҚИҚОТ

УЗУМ НАВЛАРИДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШДА НОВАДАЛАРДА КУРТАК ЮКЛАМАСИНИ ТАНЛАШ

Мамлакатимизда узум қадим-қадимдан етиштириб келинмоқда. Республиканинг қулай тупроқ-иқлим шароитида узумнинг хўраки, сифатли майизбоп ва хилма-хил шароббоп навлари етиштирилади. Шунингдек, хавфли касаллик ва зараркундаларнинг бўлмаслиги, бу ерда кам харажат қилиб, доимий юқори, экологик тоза маҳсулот олиш имкониятини беради.

Ток тупи маҳсулдорлигини аниқлашда унинг ҳосилдорлик коэффициенти ва новдалар (ҳосилдорлиги) энг муҳим нав белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун куртак юкламасини мақбул миқдорини танлаш ҳосилдорликни юқори бўлиш имконини беради.

Новдаларнинг ҳосилдорлиги ер бирлигига ёки бир гектарига тўғри келадиган ҳосил новдалар сонига шу новдалардаги мавжуд узум бошлари сонига ҳар бир узум бошининг ўртача оғирлигига боғлиқ. Бу омиллар бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган вариантлар ҳар доим ер бирлигидан юқори ҳосил беради.

Тадқиқотлар Қибрай “Шароб” илмий экспериментал корхонаси тажриба даласида олиб борилди. Тадқиқотда ўрганилган навлар 20 ёшли ток тупларида олиб борилди. Тадқиқотдаги навларнинг ҳосилли новдалари саналиб, фоизларда ҳисобланди.

Ўтказилган тажрибаларни танлаш, вариантларни жойлаштириш умум қабул қилинган усулларда олиб борилиб, олинган маълумотларнинг статистик таҳлили Б.Д.Доспехов услуги ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқотларда “Хиндогни”, “Мускат венгерский”, “Майский чёрный” ва “Рислинг” навларида 6 та вариантда куртак юкламалари берилди. Куртак юкламаси таъсирида барча навларда битта, иккита ва учта ҳосилли новдалар кузатилди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча навларда учинчи вариантда, яъни, 140–160 та куртак қолдирилганда юқори натижа қайд этилди (жадвал).

Қайд этиш жоизки, ўрганилаётган навларда битта ҳосилли новда энг кўп кузатилган бўлса, учта ҳосилли новда жуда кам учради. Бу кўрсаткичлар 140–160 та куртак қолдирилганда “Хиндогни” навида битта ҳосилли новда 48,2%, иккита ҳосилли новда 28,3%, учта ҳосилли новда 3,2% ва жами жами ҳосилли новдалар 79,7 фоизни ташкил қилди. Энг кам ҳосилли новдалар 200–220 та куртак қолдирилганда битта ҳосилли новда 40,6%, иккита ҳосилли новда 20,3% ва жами ҳосилли новда 60,9 фоизни кўрсатди. Ушбу вариантда учта ҳосилли новда учрамади.

Назорат вариантда ҳам битта ҳосилли новда 42,0%, иккита ҳосилли новда 21,3% ва жами ҳосилли новда 63,3 фоизни ташкил қилди, ушбу вариантда ҳам учта ҳосилли новда қайд этилмади. Энг юқори натижани ташкил қилган 3 вариантда назорат вариантга нисбатан жами ҳосилли новдалар 16,4 фоизга юқори бўлди.

“Мускат венгерский” навида ҳам учинчи вариантда яъни, 140-160 та куртак қолдирилганда энг юқори нати-



Турли куртак юкламасида узумнинг шароббоп навлари ҳосилли новдаларининг ривожланиши (2016-2018 й.)

Куртак юкламаси	Ҳосилли новдалар, % ҳисобида				Битта ҳосилли новдадаги узум бошлар сони, %
	битта ҳосилли	иккита ҳосилли	учта ҳосилли	жами	
«Хиндогни» нави					
100-120 та куртак (назорат)	42,0	21,3	0	63,3	1,58
120-140 та куртак	45,6	24,1	0	69,7	1,43
140-160 та куртак	48,2	28,3	3,2	79,7	1,25
160-180 та куртак	41,3	21,5	0,8	63,6	1,57
180-200 та куртак	41,1	21,2	1	63,3	1,58
200-220 та куртак	40,6	20,3	0	60,9	1,64
«Мускат венгерский» нави					
100-120 та куртак (назорат)	42,4	22,5	0	64,9	1,54
120-140 та куртак	40,5	24,3	2,1	66,9	1,49
140-160 та куртак	46,7	27,4	4,3	78,4	1,28
160-180 та куртак	43,4	21,5	0,6	65,5	1,53
180-200 та куртак	42,1	21	0	63,1	1,58
200-220 та куртак	42,1	19,4	0	61,5	1,63
«Майский чёрный» нави					
100-120 та куртак (назорат)	40,1	22,1	0	62,2	1,61
120-140 та куртак	42,3	22,3	0,3	64,9	1,54
140-160 та куртак	46,5	26,4	4,1	77,0	1,30
160-180 та куртак	42,5	23,5	1,2	67,2	1,49
180-200 та куртак	41,3	21,5	0,8	63,6	1,57
200-220 та куртак	41,0	19,4	0	60,4	1,66
«Рислинг» нави					
100-120 та куртак (назорат)	42,3	21,4	0,9	64,6	1,55
120-140 та куртак	44,8	22,6	1,2	68,6	1,46
140-160 та куртак	45,8	25,7	4,3	75,8	1,32
160-180 та куртак	44,3	23,5	0,8	68,6	1,46
180-200 та куртак	43,2	21	1,1	65,3	1,53
200-220 та куртак	42,1	20,3	0	62,4	1,60

жа қайд этилди. Бунда битта ҳосилли новда 46,7%, иккита ҳосилли новда 27,4%, учта ҳосилли новда 4,3 фоизни ва жами ҳосилли новдалар 78,4 фоизни ташкил қилиб, назорат вариантга нисбатан 13,5 фоизга юқори бўлди.

“Майский чёрный” ва “Рислинг” навларида ҳам учинчи вариантда 140–160 та куртак қолдирилганда юқори натижага эришилди. Ушбу вариант бўйича “Майский чёрный” навида битта ҳосилли новда 46,5%, иккита ҳосилли новда 26,4%, учта ҳосилли новда 4,1% ва жами ҳосилли новда 77,0%, “Рислинг” навида битта ҳосилли новда 45,8%, иккита ҳосилли новда 25,7%, учта ҳосилли новда 4,3% ва жами ҳосилли новда 75,8% бўлгани кузатув натижаларида аниқланди ва назорат вариантга нисбатан жами ҳосилли новдалар “Майский чёрный” навида 14,8%, “Рислинг” навида 11,2 фоизга юқори бўлгани кузатилди.

Демак, барча навларда бир хил куртак юкламалари берилган бўлса ҳам жами ҳосилли новдалар сони бўйича вариантларда бир-биридан фарқ қилди.

**А.МАЛИКОВ,
Ж.ФАЙЗИЕВ,**

*Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини илмий ходимлари.*

АДАБИЁТЛАР

1. Темуров Ш. Узумчилик. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002.
2. Лазаревский М.А. Основные методы изучения сортов винограда. Ампелография. – М.: Пищепромиздат, 1946. - Т. 1.
3. Доспехов Б.Д. Методика полевых опытов. – М.: Колос, 1986.

УЎТ: 633.853.52:631.4.7

ТАДҚИҚОТ

ЭКИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТУПРОҚ ЗИЧЛАНИШИ ВА БЕГОНА ЎТЛАРГА ТАЪСИРИ

Planned to experiment to determine the impact of different pre-tillage on the growth, development, yield and quality indicators of secondary crops, suitable for the conditions of the meadow-brown soils of Samarkand region.

Республикамининг турли тупроқ-иқлим шароитларида ерларни ҳайдашда янги ресурстежамкор техника ва воситаларни қўллаш, уларга агрономик жиҳатдан баҳо бериш, ғўза-ғалла қисқа навбатлаб экиш тизимида ерга асосий ва экиш олдида ишлов беришни минималлаштириш, бегона ўтларга қарши курашнинг экологик тоза усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинлар жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатига етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, турли механик таркибли тупроқли шароитларида экин экишолди ишларида ерга ишлов бериш сонини камайтириш, қўшимча харажатларсиз тўғридан-тўғри такрорий экин экиш технологиясини такомиллаштириш,

яъни такрорий экинларни пуштанинг фақат уруғ тушадиган ерига ишлов бериш ва бир йўла экиш, бунда янги сеялалардан фойдаланиш ва такомиллаштириш устида изланишларни давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятининг ўтлоқибўз тупроқлари шароитига мос келувчи такрорий экинларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосили ва сифат кўрсаткичларига турли экишолди ишлов беришнинг таъсири, шунингдек, тупроқнинг агрофизик хусусиятларининг ўзгаришини аниқлаш борасида тажриба режалаштирилди.

Тажрибада дуккакли экинлардан: соя, мош, ловия экинларини такрорий экин сифатида 4 та экишолди ишлов бериш вариантларида экилиб ўрганилди.

1. Қабул қилинган оддий ҳайдаш.
2. Чизел билан ишлов бериш.





3. Йўлаклар ишлов бериш.

4. Ишлов бермасдан экиш.

Тажриба майдонининг тупроғи ўтлоқи-бўз тупроқ бўлиб, ерости сувининг чуқурлиги 7–8 метрни ташкил қилади.

Тажрибада такрорий экин экиш усулларининг тупроқни зичланиши, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланиш даражаси, такрорий экинларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлигига таъсирини ўрганиш кўзда тутилган.

Тажрибада такрорий экин экиш усулларини тупроқ зичланишига таъсирни ўрганиш иш дастурига асосан олиб борилди ва бунда тупроқ зичланиши 0–50 см қатламда анғизда экишдан олдин, экишдан кейинги, ўсув даври охиридаги ҳолатлари ўрганилди. Олинган маълумотларга кўра, 0–30 см ҳайдов қатламида тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,41 г/см³ ва тупроқнинг ғоваклиги 47,8 фоизни ташкил қилди. Бу кўрсаткич даланинг ҳайдовости қатламида (30–50 см) тупроқнинг ҳажм оғирлиги 1,38 г/см³, ғоваклиги 48,9 фоизни ташкил қилди.

Тажриба даласида такрорий экин экилгандан кейинги ҳолатни кузатганимизда, асосий ўзгариш ҳайдов қатламида бўлиб, вариантлар бўйича тупроқ ҳажм оғирлиги 1,35–1,38 г/см³ гача ўзгарганлиги аниқланди. Бунда тупроқ ҳажм оғирлигининг сезиларли камайиши ерни шудгорлаб экишга тайёрланган вариантда қайд қилинди ва 1,35 г/см³ ни ташкил қилди.

Ушбу кузатишлар ўсимликларнинг ўсув даврининг охирида ўтказилганда тупроқнинг зичланиши ҳайдов қатламида вариантлар бўйича 1,37–1,39 гр/см³ ва мутаносиб равишда тупроқ ғоваклиги 48,9–49,9 фоизни ташкил қилди.

Тажрибанинг ерни шудгорлаб ва чизеллаб экишга тайёрланган вариантларида дуқакли экинларнинг тупроқни ҳайдовости қатлами структурасини ўзгаришига қисман таъсир қилиши се-

зилган, яъни тупроқнинг ҳажм оғирлиги 30–50 см қатламда 1,38 г/см³ дан 1,37 г/см³ гача камайганлиги кузатилди.

Маълумки, деҳқончиликда бегона ўтларга қарши курашнинг экологик тоза усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Тажриба ўтказиш дастуридан келиб чиққан ҳолда, анғизга такрорий экин экиш усулларининг далада бегона ўтларнинг униб чиқишига таъсирини ўрганиш мақсадида кузатишлар олиб борилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, бегона ўтларнинг униб чиқишига экиш усуллари сезиларли таъсири борлиги аниқланди ва қуйидагича бўлди: тажрибада 1 м² майдонда бегона ўтлар сони вариантлар бўйича 67,0 дондан 131,2 донгача бўлганлиги қайд қилинди ва бунда шудгорлаб экишга тайёрланган вариантда 67,0 донани, чизел билан ишлов бериб тайёрланган вариантда 86,6 дон, йўлаклар ишлов бериш вариантыда 119,3 донани ва тупроққа ишлов бермасдан экилган вариантда униб чиққан бегона ўтлар сони энг юқори бўлиб 131,2 донани ташкил қилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ерни такрорий экин экишдан олдинги ишлов бериш усуллари тупроқнинг ҳажм оғирлигининг камайишига ва шунинг билан биргаликда ўсимлик илдиз системасининг ривожланиши натижасида тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдовости қатламининг тупроқ ҳажм оғирлигига таъсир қилади. Шунингдек, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланиши такрорий экинларни экишда тупроққа ишлов бериш усулларига узвий боғлиқ эканлиги аниқланди.

**Эшмамат АБДУРАХМОНОВ,
Хусан МЕЛИКОВ,
Жамолжон САИДОВ,
Шохрух РАҲМОНОВ,
Азамат ОТАҚУЛОВ,**

(ПСУЕАИТИ Самарқанд илмий-тажриба станцияси)

УЎТ: 638.141.65

ТАДҚИҚОТ

АСАЛАРИ ҚИШЛОВИ ДАВРИДА УНИНГ ОРҚА ИЧАГИДА БЎЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР

In this article viewed information about the way of increase hard of wintering bees in winter time ant temporal changes structure of accumulation waste in back bowels of bees.

Асалари қишловининг муваффақиятли ўтиши ҳар бир асаларичини қувонтиради. Қишлов қиш фаслининг фаол мавсумида асалари оиласида бўладиган нуқсонлар, хато-камчиликлар ва етишмовчиликларни ошкор этадиган даврдир. Бундай имтиҳон Ўзбекистоннинг тез ўзгарувчан иқлим шароитида бутунлай ўзгача ва мураккаб ҳолда ўтади. Шу боис асалари оиласини қишловга тайёрлаш, унинг чидамлилигини ошириш ва муваффақиятли ўтишини ташкил этиш, келгусида мўл асал ҳосили олишга замин яратади.

Қишлов олдида асалари организми бутунлай қайта қурилади ва энг муҳим физиологик ўзгаришлар бошланади.

Шунинг учун ҳам асалари қишлови олдида кузги ва қишки тадбирларни намунали ўтказиш, келгусида асалари оиласининг ўсиб-ривожланишида энг муҳим тадбирларни ўтказишдан иборат.

Асаларилар оиласини қишловга чидамлилигини ошириш мақсадида, асалари оиласини қишлов олдида ҳар хил таркибдаги озукалар билан озиқлантириш ишлари олиб борилди. Асалари организмида озукани моддаларини сарфланиши ва асалари орқа ичагида тўпланиб қоладиган ахлат миқдорини

қишлов даврида ўзгариб туриши ўрганилди. Бунинг учун қишловдан олдин ва қишловдан кейин ҳар бир асалари оиласидан 20 тадан намуналар олинди ва унинг орқа ичагида тўпланган нажас миқдори, дала электрон тарозисиди (0,001 мг) ўлчаб борилди. Тўпланган барча материаллар биометрик усулда қайта ишланди.

Асаларининг орқа ичаги овқат ҳазм қилиш тизимида ошқозон функциясини бажаради. Унинг тузилиши жуда оддий бўлиб, фақатгина бир қават юксак ривожланган тўқималардан иборат. Унинг анатомик тузилишига эътибор берсангиз, нотекис кенгайган ва иккинчи учи эса ингичкалашиб кетган, трубкага ўхшайди. Асаларининг овқат ҳазм қилиши, унинг ошқозонига доимий, даврий равишда ундаги вакуолярларнинг ривожланиши ва

1-жадвал

Қишловдан олдин етишиб чиққан асалари орқа ичагида бўладиган ўзгаришлар, мг

Кўрсаткичлар	n	lim	M±m	Cv%
Тоза туғилган ёш асалариларда	20	4,6-9,6	7,0±0,05	15%
1 кун давомида озиқланмаганда	20	4,1-6,0	5,1±0,08	9,0%
8-10 соат давомида озиқлантирилганда	20	8,1-20,3	16,5±0,11	13%





мустаҳкамланишига боғлиқ. Шундан сўнг эса ҳазмланмайдиган қолдик, орқа ичакда тўпланиб, ташқарига чиқариб ташланади.

Асаларининг ўрта ичагининг ҳажми, йил давомида, унинг тўлишига ва ўзгариб туришига кескин боғлиқ бўлади. Шуларни ҳисобга олиб, куз фаслининг дастлабки ойларида асалариларнинг орқа ичаги ҳажми ва унинг ўзгариб туриши ўрганиб чиқилди (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўриняптики, қишловдан олдин етишиб чиқган 1 кунлик асалари орқа ичаги ҳажми $7,0 \pm 0,05$ мг. ни ташкил этган, улар кун бўйи озиқлантирилмаганда, унинг ҳажми кичрайган ва $5,1 \pm 0,08$ мг. га етганлиги аниқланди.

Худди шундай, қишлов даврида улар 30–60 фоизли шакар шарбати, билан озиқлантирилганда бу ҳолат ўзгача намоён бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Қишлов олдида 30 фоизли шакар шарбати билан озиқлантирилганда орқа ичагида бўладиган ўзгаришлар, мг

Кўрсаткичлар	n	lim	M±m	Cv%
Бир кунлик асалари орқа ичагида	20	4,7-8,9	7,6±0,11	10%
Бир кундан сўнг 30 фоизли шакар шарбати билан озиқланганда	20	7,8-9,7	9,5±0,15	15%
60 фоизли шакар шарбати билан озиқлантирилганда	20	7,2-9,6	8,0±0,11	9%
5–6 кундан сўнг	20	6,9-9,7	8,1±0,21	11%

2-жадвал маълумотларидан кўриняптики, ёш бир кунлик асалариларни 30 фоизли шакар шарбати билан боқилганда унинг орқа ичаги ҳажми $9,5 \pm 0,15$ мг. ни ташкил этган бўлса, бу ҳолат 60 фоизли шакар шарбати билан озиқлантирилганда бу кўрсаткич $8,0 \pm 0,15$ мг. ни ва уларни узликсиз 5–6 кун озиқлантирилганда ҳам бу кўрсаткич ўзгармаган ва $8,1 \pm 0,21$ мг. ни ташкил этганлиги кузатишган.

Бундай ҳолат асалариларнинг қишловга чидамлилигини оширишда катта аҳамиятга эга, чунки асалари оиласини қишлов олдида 60% шакар шарбати билан боқилганда, унда ҳеч қандай, асалари орқа ичагида салбий таъсир этадиган жарохатлар бўлмаслигини кўрсатиб бермоқда.

Шунинг учун ҳам асалари оиласини қишловга тайёрлаш олдида ва уларни тўйимли озиқлантириш мақсадида асалари оиласини 60 фоизли шакар шарбати билан узлуксиз боқиш мақсадга мувофиқдир.

Асалари оиласининг қишлов даврида чидамлилигини оширишнинг яна бир омили бу қишловдан олдин асалари озуқасида ҳар хил оқсилга ва витаминларга бой бўлган сумалак суви билан озиқлантириш ҳисобланади.

Асалариларнинг қишловдан соғлом чиқишига, унинг орқа ичагига тўпланиб қоладиган нажас миқдорининг оз ва

кўплиги ҳам катта таъсир этади. Шу мақсадда, бизлар ўтказган тадқиқотларимизда маҳаллий популяциядаги асаларилар қишлови даврида, уларнинг орқа ичагидаги нажас миқдори

3-жадвал

Қишлов даврида асалари орқа ичагидаги нажас миқдорининг ўзгариб туриши, %

Гуруҳлар		Декабрь	Январь	Февраль
Назорат гуруҳи	lim	10-37	21-54	14-52
	M±m	21,40±1,4	34,55±1,2	28,22±0,79
Тажриба гуруҳи	lim	9-35	19-39	10-38
	M±m	17,21±1,40	28,10±0,74	10,70±1,74
	Cv%	2,53	3,25	4,78

тўпланиши ойма-ой ўлчаб, аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларидан кўриняптики, сумалак суви билан озиқланган тажриба гуруҳларида, қишлов охирида асалари орқа ичаги энг кам миқдорда ($10,70 \pm 1,74$) нажас тўпланганлиги аниқланди. Назорат гуруҳларида эса, у энг кўп январь ойида 34,5 мг. ни ташкил этган. Бу эса асалариларни қишлов даврида, унинг чидамлилигини оширишда, уларнинг соғлом бўлиб чиққанлигидан далолат беради.

Натижада, тажриба гуруҳларида қишлов даврида асалари орқа ичагида нажас миқдори, назорат гуруҳларига нисбатан декабрь ойида 80,4 фоизга, январь ойида 81,3 фоизга, февраль ойида эса 37,9 фоизга етганлиги аниқланди. Ўзгарувчанлик коэффициенти ҳамма вариантларида ҳам $2,53-4,48$ фоизни ташкил этди ($R \leq 0,999$).

Хулоса қилиб айтганда, асалари оиласини қишловга тайёрлаш ва уларнинг қишловга чидамлилигини ошириш мақсадида, улар озуқаси таркибида сумалак сувини қўшиб бериш, қишловга кетадиган асалари организмда физиологик ҳолатлари яхшиланади. Шунингдек, уларнинг озуқаси таркибида оқсилга бой сумалак сувини, асалари орқа ичагида тўпланиб қоладиган нажас таркибидаги аминокислота оқсилларни парчалаб, уларнинг ичакларида сўрилишини бирмунча тезлаштирилади ҳамда асалариларни қишлов жароёнларини мувофиқлаштириб туради ҳамда уларнинг қишловга чидамлилигини 15–20 фоизга оширади ва қишловдан соғлом, талофатсиз чиқишини таъминлайди.

Асалари оилаларини қишлов олдида, уларнинг озуқа захирасини тўлдириш мақсадида 2017–2018 йиллар қишлови даврида уларнинг озуқаси таркибига 50 фоизли 10 л шакар шарбатига 1 л сумалак суви қўшиб, бир ой давомида, ҳафтада бир маротаба, асалари уясидаги устки озуқа охурчаларига, кечкурунлари ҳамма асаларилар уясига қайтгандан сўнг бериш боғлиқ мақсадга мувофиқдир.

О. ЭШДАВЛАТОВ,
ЧПТИИ катта илмий ходим-изланувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Еськов Е.К. Экология медоносной пчель. – Рязань, 1995.
2. Меркурьев В.М. Биометрия в селекции и генетики сельское хозяйство животных. Москва: "Колос", 1970.
3. Крахотин Н.Ф. Ўзбекистонда асаларичилик. – Тошкент: "Меҳнат", 1991.
4. Жеребкин В.М. Методика прогнозирования зимостойкости и медопродуктивности пчелиных семьях по физиологическим показателям. ВАСХНИЛ. – Москва, 1971.
5. Тўраев О.С. Зимовка пчелиных семей // Ж.: «Сельское хозяйство Узбекистана». – Ташкент, 2005. – № 12. – С. 27–28.
6. Тўраев О.С., Эшдавлатов О.З. Асалари оиласи қишлови ва уни ташкил этиши. – Тошкент: "Мунис", 2014.





Реклама

СОҒИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



Сут-товар фермалари учун чорвачилик ускуналари. Sağım Teknolojileri

Йирик шохли хайвонлар учун сут соғиш заллари.



Майда шохли хайвонлар учун сут соғиш заллари.



- Молхоналарни лойиҳалаш ва технологик ечими;
- Рухланган ётоқ ва овқатланиш темирлари;
- Резина тўшама ва матраслар;
- Қашиниш чўткалари;
- Вентиляторлар;
- Иситиладиган сув идишлари;
- Туёққа ишлов бериш ускуналари;
- Гўнгни чиқариб ташлаш тизимлари.



Мобиль сут соғиш ускуналари

Иситиладиган сув идишлари



Chorvador.uz



Бузоқларга озуқа тайёрлаш
сут таксиси

Туёққа ишлов бериш ускунаси

Тошкент ш., Аҳмад Дониш кўчаси 22.

тел. (71) 226 65 96; +998 91 192 07 55; +998 97 444 00 16; +998 94 647 10 03.

E-mail: chorvador@chorvador.uz www.chorvador.uz





СНИЖЕНИЕ ТЕПЛОВОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАДИАТОРОВ В УСЛОВИЯХ ЭКСПЛУАТАЦИИ

The article describe parameters for taking into account the reduction of heat transfer in the radiator, coefficient of realization of pollution and the surfacepollution of coefficient, and the results of operational tests of radiators to reduce heat transfer.

При проведении эксплуатационных испытаний радиаторов определялись влияние ряда эксплуатационных факторов на их тепловую эффективность. Сюда относятся прежде всего внутренние и внешние загрязнения а также специфические вопросы связанные с применением радиаторах принципиально новых резиновых уплотнителей в соединенная с коллекторами.

Перечисленные и возможно другие эксплуатационные и факторы в лучшем случае могут сказаться на снижении эксплуатационной надёжности радиаторов.

В реальных условиях эксплуатации всегда имеет место загрязнение радиатора, как с внешней так и с внутренней стороны, так как теплоносители проходящие через радиатор всегда содержат механические и другие примеси. На внутренней стороне радиатора механические примеси играют меньшую роль. Здесь существенное значение, особенно для воды, приобретают растворенные соли, который выделяются в виде накипи продуктов коррозии и отложения на внутренних стенках каналов.

Для воздушного потока основные значения имеют механические примесив виде пыли жидкой грязи, песка, насекомых, растений, половы, волокнистых веществ, моторного масла, сажи и т.д.

Для учета снижения теплоотдачи радиатора вследствие загрязнения поверхности охлаждения использованы:

а) Коэффициент реализации по загрязнению поверхности охлаждения ϵ_3 , который определяется отношение коэффициенты теплопередачи K_T , загрязненной поверхности охлаждения и коэффициенту теплопередачи чистого радиатора K .

$$\epsilon_3 = \frac{K_T}{K}$$

б) Коэффициент загрязнения поверхности охлаждения ϵ_3 , который численно равен увеличению дополнительного термического сопротивления R_T , вызываемого загрязнением внутренней и внешней сторон поверхностей охлаждения

$$\epsilon_3 = \frac{1}{K_T} - \frac{1}{K}$$

Коэффициент реализации по загрязнению определяет в неявной форме многочисленным отклонение от нормального протекания рабочего процесса, свойственного чистой поверхности охлаждения радиатора из-за загрязнения внутренних и внешних поверхностей охлаждения забивания фронта радиатора и т.д.

В начальный момент времени т.е. при $T=0$, $\epsilon_3=1,0$ и $\epsilon_3=0$, как показывает опыт исследованный автотракторных радиаторов [1] использование коэффициента реализации по

загрязнению особенно в тех случаях, когда его величина проверена в практической эксплуатации, дает возможность правильно оценивать эффективность радиаторов после определенной продолжительности эксплуатации.

Поставляя значение K_T из выражения, в уравнение, получим соотношения между коэффициентом реализации по загрязнению и коэффициенту загрязнения

$$\epsilon_3 = \frac{1 - \epsilon_3}{\epsilon_3 K}$$

Из последнего уравнения следует, что при одном и те коэффициенте

загрязнения коэффициент реализации различных поверхностей охлаждения, отличающихся величиной K , будет неодинаково.

Рассмотрим результаты эксплуатационных испытаний различных радиаторовна автомобиле УАЗ. Медно-паяный радиатор поверхность охлаждения которых состоит из охлаждающие трубки изготовлены из меди и другой вид радиатора имеют поверхность охлаждения ребристы пластины у которых охлаждающие трубки и пластины имеют из однородного металла т.е. охлаждающие пластины непрерывно вытекает из охлаждающий трубки.




Рис.1. Сравнение асимптотических значений коэффициентов реализации по загрязнению и коэффициентов загрязнения серийных и радиаторов из ребристых пластин автомобиля УАЗ.

Δ -серийный; \bullet -ребристые пластины; x^* и данные из работы [1].

Коэффициент реализации по загрязнению после эксплуатационных испытаний медно-латунного радиатора с пластинчатыми поверхностями охлаждения $\epsilon_3=0,84$, а коэффициент реализации по загрязнению с ребристыми поверхностями имели значение $\epsilon_3=0,92$.

Таким образом коэффициент реализации по загрязнению радиатора с ребристыми пластинами имеет высокие значение по сравнению медно-латунным радиатором.

Ношир УМИРОВ,
доц., ст.пр.,
Шавкат АБДУРОХМОНОВ,
ТИИИМСХ.

Литература

1. Бурков В.В. Автотракторные радиаторы. – Ленинград: Машиностроение.–1978. - 236 с.





МОДЕЛИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОВЕРХНОСТНЫХ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ В ОТРАСЛЯХ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ

Пусть у вас имеются значения функции, измеренные в нескольких точках, возникает задача, как найти значения функции в промежуточных точках. Такая задача называется задачей интерполяции и часто возникает на практике. Так, например, нам даны значения мощности излучения Солнца за ионосферой ($Вт/м^2$) в течение нескольких лет, также даны водопотребление, например, сельского хозяйства страны ($м^3$) в этих годах. Если нам известны эти данные в начале и конце определённого периода, то значения мощности излучения Солнца и водопотребления в промежуточные годы можно определить с помощью интерполяции. С использованием сплайн – интерполяции функций, разработаны модели водопотребления отраслей экономики республики. Водопотребление отраслей экономики страны в зависимости от мощности излучения Солнца за ионосферой приведено в таблице 1.

Разработанные модели основаны на сплайн - функциях, в которых берётся десять точек и десять значений функций, и строится сплайн - функция в виде трехмерного многочлена.

Модель водопотребления сельского хозяйства Республики Узбекистан

$$Q = -1.32145370712596 \cdot 10^7 + 9740.06614132738 \cdot P - 3208.91828503439 \cdot (P - 1361.8)^3 \quad P < 1363.3$$

$$1.63039813409432 \cdot 10^7 - 11920.1322826548 \cdot P - 14440.1322826548 \cdot (P - 1363.3)^2 +$$

$$+ 1.62414551092023 \cdot 10^8 \cdot (P - 1363.3)^3 \quad P < 1363.4$$

$$1.35984546562399 \cdot 10^7 - 9935.72220642501 \cdot P + 34284.2330449521 \cdot (P - 1363.4)^2 -$$

$$- 17515.2541662103 \cdot (P - 1363.4)^3 \quad P < 1365$$

$$4.74768623466351 \cdot 10^7 - 34743.3284590734 \cdot P - 49788.9869528573 \cdot (P - 1365)^2 +$$

$$+ 50442.4468915099 \cdot (P - 1365)^3 \quad P < 1366.4$$

$$- 1.67270038494294 \cdot 10^8 + 1.22449095795004 \cdot 10^5 \cdot P + 1.62069289991484 \cdot 10^5 \cdot (P - 1366.4)^2 -$$

$$- 1.58725795695314 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.4)^3 \quad P < 1366.7$$

$$2.85514104035473 \cdot 10^8 - 2.08868978587453 \cdot 10^5 \cdot P - 1.26646287126634 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.7)^2 +$$

$$+ 6.33796101783021 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.7)^3 \quad P < 1366.99$$

$$- 8.96226792737143 \cdot 10^8 + 6.55650120876629 \cdot 10^5 \cdot P + 4.24756321424594 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.99)^2 -$$

$$- 4.31966677974730 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.99)^3 \quad P < 1366.999$$

$$- 8.57251209493407 \cdot 10^8 + 6.27138355985196 \cdot 10^5 \cdot P - 7.41553709107178 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.999)^2 +$$

$$+ 1.09510196981615 \cdot 10^6 \cdot (P - 1366.999)^3 \quad P < 1367.01$$

$$- 6.88577124098699 \cdot 10^8 + 5.03748741485943 \cdot 10^5 \cdot P - 3.80170059067850 \cdot 10^6 \cdot (P - 1367.01)^2 +$$

$$6.66965015908508 \cdot 10^6 \cdot (P - 1367.01)^3 \quad \text{в остальных случаях}$$

расчетов дают очень близкое совпадение (99,9%) с фактическими значениями водопотребления (таблица 2) по сравнению

Таблица 1

Мощность излучения Солнца за ионосферой [$Вт/м^2$] и расход водных ресурсов, потреблённый отраслями экономики Республики Узбекистан

Годы	Мощность излучения Солнца, $Вт/м^2$	Расход водных ресурсов, млн. $м^3$
1991	1365,2	61681
1992	1367,2	61510
1993	1366,2	62131
1994	1364,4	58445
1995	1363,0	52960
1996	1361,8	53525
1997	1363,4	56158
1998	1366,7	56697
1999	1367,2	60705
2000	1366,4	48070
2001	1367,0	44012
2002	1367,0	50259
2003	1367,0	56501
2004	1365,0	58457

Годы	Мощность излучения Солнца, $Вт/м^2$	Расход водных ресурсов, млн. $м^3$
2005	1363,3	59476
2006	1362,8	58617
2007	1361,8	52690
2008	1361,3	43870
2009	1364,1	50591
2010	1367,1	56760
2011	1365,6	48413
2012	1365,3	55482
2013	1365,6	53977
2014	1367,1	51849
2015	1365,4	55138
2016	1366,2	52514
2017	1361,7	54546
2018	1365,6	51003

Таким образом, результаты расчетов водопотребления отраслей экономики страны в зависимости от мощности излучения Солнца за ионосферой, на примере водопотребления сельского хозяйства республики показывает, что результаты

нию с другими моделями. Поэтому модели, основанные на сплайн-функциях в виде трехмерного многочлена, можно использовать для расчетов формирования поверхностных водных ресурсов в отраслях экономики Республики Узбекистан.

Шавкат РАХИМОВ,
д.т.н., проф.,
Айбек СЕИТОВ,
PhD,
Файзулла ДУСИЕРОВ,
М.Н.С.,

НИИИВП,
Насиба РАХИМОВА
ассистент, ТошГУА

Таблица 2

Водопотребление сельского хозяйства Республики Узбекистан

Водопотребление сельского хозяйства, млн. $м^3$	Мощность излучения Солнца, $Вт/м^2$	Расчёт водопотребления по модели, млн. $м^3$	Погрешность
49485	1361,8	49485,0	0,0
52091	1363,4	52091,0	0,0
52871	1366,7	52871,0	0,0
56661	1367,2	56661,000000048	0,00000004845
44406	1366,4	44406,0	0,0
40366	1367,0	40366,0	0,0
46296	1367,0	46296,0	0,0
52443	1367,0	52443,0	0,0
52219	1365,0	52219,0	0,0
53265	1363,3	53265,0	0,0

ЛИТЕРАТУРА

1. Боровиков В.П. STATISTICA. Искусство анализа данных на компьютере: для профессионалов (2-е издание). – СПб.: Питер, 2003. - 688 с.
2. Волков Е.А. Численные методы. – Москва: «Наука», Главная редакция физико-математической литературы, 1987 г.
3. Онлайн ресурс Лозаннского университета: <http://sepia.unil.ch/pharmacology>.

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

Бир неча йиллар аввал кутубхоналарга кириш ёки ноёб китоблардан фойдаланиш анчагина муаммолар туғдирарди. Бугунги ахборот-технология ютуқлари эса ўз уйингизда, қулай шароитда жаҳон кутубхоналаридан керакли маълумотлар олиш имконини бермоқда. Биз фақат сифат, савия деган нарсага аҳамият берсак бўлди, холос. Бадиий китоблардан фойдаланишда етарли тажрибага эгамиз, лекин илмий-оммабоп адабиётларни ўрганиш қайси маълумотлар базасидан фойдаланишингизга боғлиқ. Тўғри, маълумотни интернет тармоғидан олиш тез ва қулай, лекин уларнинг қай даражада илмий ва исботланганлиги ҳақида фақат махсус китоб ҳамда журналлардан билишимиз мумкин.

Бизнинг кутубхонамиз ҳам кўплаб кутубхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу ҳамкорликларнинг махсули ўлароқ, университетимиз ўқитувчи-профессорлари ҳамда талабалари Россиянинг бир нечта электрон кутубхоналар тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Ҳозирги замон талаби олий ўқув юртлари кутубхона марказларини рақамларга трансформациялашни тезлаштириш ва ундан фойдаланиш қулайликларини яратишдан иборат. Бу борада жаҳон миқёсида конференциялар ўтказилиб, керакли натижалар ривожига белгиламоқда.

Бу конференцияларда кутубхона – инсон тафаккурини шакллантиришда асосий манбани ташкил қилгани учун ушбу манбадан янгича усулда фойдаланиш йўллари яратиш ҳақидаги долзарб масалалар кўриб чиқиларди. Шу билан бирга, янги авлод рақамли кутубхоналарини яратиш ва уларни бошқариш ҳам долзарбдир. Умуман олганда, таълимни рақамлаштиришнинг глобал тенденцияси таълим муассасалари учун муҳим вазифани – ўқув жараёнига электрон таълим ресурслари ва хизматларини жорий этишни талаб қилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўқув жараёнини рақамлаштиришнинг

бошланғич даврида ўз электрон кутубхона тизими мавжудлиги олий ўқув юртларининг самарали ишлаши учун зарурий шароитга айланди. Бунга IPR BOOKS электрон кутубхона тизимини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Компания асосий етакчи рус нашриётларининг ўқув ва илмий адабиётларини ЭКТ платформасида йиғиш, хизматларни ривожлантириш ва Россия олий ўқув юртлари билан ҳамкорликка йўналтирган эди. Ҳозирги кунда иш ҳажми анча кенгайган ва халқаро миқёсдаги ҳамкорлик йўлга қўйилган. IPR books Mobile Reader иловаси доимий янгиланиб борадиган ЭКТ каталогларга киришни таъминлайди. Китобхоннинг шахсий кабинетида китоблар жавони, иқтибослар сақлаш ва жойлаш, маълумотларни бошқариш электрон хизматлари мавжуд.

“Лань” электрон кутубхона тизимидан эса корпоратив обунани амалга оширган кутубхона китобхонлари фойдалана олади. Электрон кутубхона тизимида турли билим соҳаларига оид ўқув, ва илмий адабиётларни топиш мумкин. ЭКТнинг қулайлиги шундаки, обуна қилиш жараёнида ташкилот ўзи қизиққан соҳа ёки йўналишига оид базаларни танлайди. Бу билан маълумотни излаш вақти анча қисқаради, обуна учун сарфланадиган маблағ сезиларли даражада иқтисод қилинади. Керакли ахборотни топиш ҳам анча қулай тарзда орқали амалга оширилади. Ўқув адабиётларини излашда муаллиф, сарлавҳа, калит сўз билан излаш имкониятини беради. Бундан ташқари, бир нечта эркин фойдаланишга мўлжалланган маълумотлар базаси мавжуд:

NASHOL.com RULIT.me талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган электрон кутубхонада маълумотларни тўлиқ кўриш ва юқлаб олиш имконияти мавжуд. Шунингдек, китоб карточкаси ҳам бор. Хўш, китоб карточкаси нима ўзи? Ҳар бир китоб тўлиқ тавсиф, чиқиш маълумотлари, иқтибос учун библиографик ёзув



бўлган ўз карточкасига эга. Бу карточка орқали сиз электрон китоб ёки унинг бир қисми билан танишиб чиқишингиз мумкин.

Тошкент давлат аграр университетида ҳам талабалар, профессор-ўқитувчилар ва илмий тадқиқот олиб боровчилар учун барча имкониятлар яратилган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Университет электрон кутубхонаси ҳозирда асосий кутубхонадаги мавжуд адабиётларнинг 82 фоизини ташкил қилса, ундан ташқари соҳага оид Россия, МДХ давлатлари, чет эл олимлари томонидан нашр қилинган дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, илмий мақола ва авторефератлар электрон ресурслар базасини муваффақиятли тўлдириб бормоқда. Ҳозирги кунда университет ҳудудида Scopus, ScienceDirect, ProQuest каби халқаро илмий таълимий ресурслар порталидан фойдаланиш учун имкониятлар етарли. Илмий ишни сифатли, аниқ маълумотларга таянган ҳолда солиштириш, таққослаш ишнинг янгиллигига ва тадқиқотни ишлаб чиқаришга татбиқ этиб, олинадиган натижага эътибор бериш керак. Бунда бир нечта халқаро илмий-таълимий ресурслар порталидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу масалада бизга ProQuest халқаро диссертациялар портали асосий ёрдамчи. Портал орқали бир вақтнинг ўзида бир нечта илмий ишни таҳлил қилиш имкониятини қўлга киритиш мумкин.

Муаззам КУРБОНОВА,
ТошДАУ Ахборот-ресурс
маркази директори.

ЎСИМЛИКШУНОСЛИК ИЛМИ БИЛИМДОНИ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг ривожланишига ва соҳа мутахассисларини тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган таниқли олима, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Ҳалима Атабаева ўзининг табаррук 85 ёшини қаршиламоқда.

Устоз 1935 йил 1 январда Тошкент шаҳрида туғилган. 1953 йилда Нукус шаҳридаги ўрта таълим мактабини кумуш медаль билан тамомлаб, Москва қишлоқ хўжалик академиясига ўқишга кирган. Академияни 1958 йилда тугатгач, олим-агроном мутахассислигини олган.

Меҳнат фаолиятини Тошкент вилоятидаги “Ховос” ғаллачилик хўжалигида бўлим агрономи сифатида бошлаган Ҳ.Атабаева 1959–1960 йилларда Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим бўлиб ишлайди. Устозимизнинг кейинги 60 йиллик умр йўли Тошкент қишлоқ хўжалик институти (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) билан боғлиқ. 1960 йилда “Ўсимликшунослик” кафедраси аспирантлигига қабул қилиниб, ассистент, доцент, профессор, кафедра мудири вазифаларида ишлаган. 2017 йилдан буён “Соя ва мойли экинлар” кафедраси профессори лавозимида ишлаб келмоқда.

Профессор Ҳ.Атабаева узоқ

йиллар давомида ихтисослашган илмий кенгаш илмий котибаси, аъзоси, Республика Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази эксперт кенгашлари ҳамда “Олима аёллар” уюшмасининг аъзоси сифатида фаолият юритган.

Олиманинг илмий изланишлари дала экинларининг турларини, навларини, ҳар хил намуналарини тадқиқ қилиш, улардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияларини яратишга қаратилган.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 350 дан ортиқ илмий-услубий рисоалар: 13 та дарслик, 1 та электрон дарслик, 5 та монография, 12 та ўқув-услубий қўлланма, 41 та ўқув-услубий кўрсатма, 13 та тавсиянома, 300 га яқин илмий мақолалар чоп этирган. Бугунги кунда ушбу рисоалар қишлоқ хўжалик олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, магистрантлари ва мутахассисларининг доимий фойдаланадиган сеvimли адабиётларига айланган.

Ҳ.Атабаева томонидан яратилган “Ўсимликшунослик” дарслиги “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” танловида 2001 йилда 1-ўринни, шу номдаги ўқув қўлланмаси 2005 йилда 1-ўринни, электрон дарслиги эса 2004 йилда 3-ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, илмий изланишлари натижасида нўхатнинг ноқулай иқлим шароитларига чидамли янги “Мальхотра” ва “Ҳалима” навларини яратишга муваффақ бўлди. Бу навларга 2 та патент ва Давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Дарҳақиқат, устозимизнинг малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари бениҳоя катта. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 18 нафар фан номзоди ва фан докторлари етишиб чиққан. Уларнинг 5 нафари хорижий давлатлар – Покистон, Миср, Вьетнам, Сурия, Ливиядан. 3 нафар шогирди қишлоқ хўжалик фанлари бўйича докторлик (DSc) диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Шунингдек, устоз раҳбарлигида 250 дан ортиқ битирув малакавий ишлари ва 40 дан зиёд магистрлик диссертациялари бажарилиб, муваффақиятли ҳимоя қилинган. Шогирдларининг кўпчилиги ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи мутахассис ва раҳбар сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Юксак салоҳиятли олима ўзининг меҳнаткашлиги, камтарлиги, ғамхўр мураббийлиги билан ўз ҳамкасблари орасида обрў ва ҳурмат қозонган. Университетда эълон қилинган танловларда устозимиз “Университетда хизмат кўрсатган профессор”, “Энг яхши кафедра мудири”, “Йилнинг энг яхши илмий раҳбари” деб топилган.

Кўп йиллик самарали меҳнатларининг натижаси, илм-фан олдидаги юксак хизматлари, ёшларни истиқлол гоялари ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашдаги фаол иштироки учун Ҳалима Атабаева 1998 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” унвони ва 2017 йилда “Дўстлик” ордени билан тақдирланган. 2019 йилда Турон Фанлар Академияси томонидан академик унвони берилди.

Таниқли олима, устоз ҳозирги вақтда ҳам катта ғайрат, шижоат билан талаба, магистр ва докторантларга дарс бериш билан бирга, 3 нафар докторант ва 2 нафар магистрларга илмий раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, фермерлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мутахассислари учун ташкил этиб келинаётган турли ўқув ва дала семинарларида фаол иштирок этиб, ўзининг билим, тажриба ва тавсияларини бериб келмоқда.

Фидойи олима, ёшларнинг талабчан ва меҳрибон устози Ҳалима Атабаевани табаррук 85 ёшни қаршилаши муносабати билан чин кўнгилдан табриклаб, мустаҳкам соғлиқ, туганмас ижодий фаоллик, оилавий тўқислик тилаймиз.

Бир гуруҳ шогирдлари

МЕҲНАТИДАН БАХТ ТОПГАН ОЛИМ

**Инсон
нафақат қобил фарзанд, балки
яxши ном қолдириш учун ҳам умргузаронлик
қилади. Эл-юрт қорига яраш учун елиб-югуриб, тиним
билмай олдинга интилади. Шундай инсонлар туфайли
юрт гуллаб яшнайди. Пастдарғом тумани Бурганли
қишлоғида туғилиб ўсган Нурали Холмоновнинг
умр йўли бунга ёрқин далилдир.**



Самарқанд давлат университети профессор, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Нурали Холмонов 18 январь куни 60 ёшга тўлди. Агар падари бузруквори Тошқуват ота билан оналари Шаҳри ая ҳаёт бўлганларида, иккинчи фарзанди Нуралининг бугунги ютуқларини кўриб, Яратганга ҳамду санола айтган бўларди.

Нурали ўрта мактабни тугатган йилларда Пастдарғом туманида янги ерлар ўзлаштирилиб, пахтачиликка мўлжалланган йирик “Самарқанд” давлат хўжалиги ташкил этилди. Нурали отаси бошлиқ бўлган бригадада ишчи, механизатор, звено бошлиғи каби турли касбларда сидқидилдан меҳнат қилди. 1980 йилларда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти талабаларининг чўл шароитида пахтани механизация ёрдамида теришга кўмаклашувчи гуруҳининг хўжаликка ёрдамга келиши ёш механизатор Нуралининг орзуларини рўёбга чиқишига туртки бўлди.

Адабиёт, қолаверса, кимё ва биология фанларидан яхши билимга эга бўлган ёш механизатор 1982 йил СамҚХИ нинг тайёрлов бўлимига хужжат топширди. 1983 йилнинг 1 сентябрида ота-онаси ва барча қариндошлари Нуралининг талаба бўлганлиги билан табриклашди. У 1983–1987 йилларда СамҚХИнинг агрономия факультетида аъло баҳоларга ўқиди. Пахтачилик ва деҳқончилик кафедраси қошидаги талабалар илмий жамиятининг йиғилишларида ўзининг рефератив характеридаги маърузалари билан фаол иштирок этди. У ўқиш жараёнида таниқли олимлар: Д.Т.Абдукаримов, Е.П.Горелов, Р.О.Орипов, П.У.Узақов, И.Х.Ҳамдамов ва бошқаларнинг маърузаларини зўр иштиёқ, ҳавас билан тингларди. Пахтанин “Самарқанд 3 нави ҳосилдорлигига технологик жараёнларнинг таъсири” мавзусидаги битирув малакавий ишига аъло баҳо кўйган давлат аттестацияси раиси ва аъзолари ёш олим агрономга илмий-тадқиқот ишини давом эттириши учун йўлланма берди. Бу орада у “Самарқанд” хўжалигида агрономлик қилди. 1987 йилнинг

сентябрида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўсимликшунослик кафедраси аспирантурасига хужжатларини топширди. Бахтни қаранги, имтиҳон топширганлар орасида энг юқори баллни Нурали тўплади ва СамҚХИ аспирантига айланди.

Унинг “Ўза маҳсулдорлиги ва тола сифатида органик ўғитлар ва триходерма лигнорум 19 штамми уйғунлигининг таъсири” мавзусидаги номзодлик диссертациясига профессор Р.О.Орипов илмий раҳбар бўлди. У 1991 йилда СамҚХИ қошидаги ихтисослашган илмий кенгашда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Нурали Холмонов олий ўқув юртлиридаги илмий педогогик фаолиятини 1990 йили СамҚХИ агрономия факультетининг ўсимликшунослик кафедрасида ассистент лавозимидан бошлади.

1996–1999 йилларда ишлаб чиқаришдаги фаолиятини давом эттириб Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси деҳқончилик бўлими бошлиғи лавозимида ишлади. 1999 – 2000 йилларда эса вилоят дон маҳсулотлари акциядорлари уюшмасида элеватор саноати ва қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи бўлди. Самарқанд давлат университетида янги тупроқшунослик ва экология факультетининг очилганлиги ва унга ишлаб чиқаришда бироз пишган олимни таклиф этилиши Нурали учун яна илмий тадқиқот ишини давом эттириш имконини берди.

Нурали Холмонов қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий тадқиқот ишларини давом эттириб 2018 йил 25 июль куни “Зарафшон воҳасида барқарор экологик агробиоценоз таъминлашда сидерациянинг аҳамияти” мавзусидаги докторлик ишини ЎзФАга қарашли Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институтида тузилган бир марталик илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди ва “Экология” ихтисослиги бўйича республикамизда биринчилардан бўлиб фан доктори илмий даражасини олди.

Олим бу соҳада 100 дан зиёд илмий ва оммабоп мақолалар эълон қилган. Унинг фермер хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислар учун ёзган “Оралик экинлар”, “Пахтачиликда органик ўғитлар ва триходермадан фойдаланишнинг экологик самарадорлиги”, “Пахтачиликда органик ўғитлар ва атрофмуҳит муҳофазаси”, “Зарафшон водийсида экологик барқарорлиқни таъминлашда сидерациянинг аҳамияти” каби монографиялари қишлоқ хўжалиги соҳасида тупроқ унумдорлигини тикловчи, оширувчи ва унинг экологик ҳолатини яхшиловчи манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, битта дарслик, 10 та ўқув-услубий қўлланма ва битта патент муаллифидир. Нурали Холмонов илмий ишлар билан бирга, бадий ижодда ҳам қалам тебратди. Яқинда Тошкентдаги “Нурафшон бизнес” нашриётида олимнинг автобиографик характердаги “Рангин кунлар” номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Олим Ўзбекистон Республикаси экологик партиясининг марказий кенгаш аъзоси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Нурали Холмонов Экология кафедраси етакчи профессорларидан бири сифатида бакалаврият ва магистратура босқичи талабаларига билим бериб келмоқда. Нурали Холмоновнинг бу эришган муваффақиятларида умр йўлдоши Анора опанин хизматлари беқиёс. Нурали домла ва Анора опа фарзандлари Дилшод, Алишер, Сожида ва Ғанишерларни республикамизнинг турли олийгоҳларида ўқитди. Улар айна кунларда вилоятимизнинг турли жабҳаларида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Шунингдек, у киши 8 набиранин суюкли бобосидир.

Самарқанд давлат университети жамоаси, дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари олимни 60 ёши билан чин қалбдан табриклаб, оиласига тинчлик, хотиржамлик, педагогик фаолиятига муваффақиятлар тилайди.

**Раззоқ ОРИПОВ,
Мингжигит АБДУРАХИМОВ,
профессорлар.**

АГРОИҚТИСОД ИЛМИ ФИДОЙИСИ

Эркин Юсупов етук иқтисодчи олим ва амалиётчи бўлиш билан бирга, жамоат арбоби ҳамдир. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташласангиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Бўлғуси олим 1960 йилда Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Хумор қишлоғида туғилган. 1977 йилда туманидаги 32-ўрта мактабни имтиёзли тугатиб, Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) нинг Қишлоқ хўжалиги иқтисоди факультетига ўқишга киради. 1981 йилда эса мазкур таълим муассасасини қизил диплом билан тугатади. Ундаги иқтидор ва билимга бўлган иштиёқни сезган устозлари Эркинга илм билан шуғулланишни давом эттиришни тавсия этишди. Шу боис у меҳнат фаолиятини Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институтида кичик илмий ходимликдан бошлайди. Ҳарбий хизматга бориб келгач эса мазкур илмий муассасанинг аспирантурасида ўқишни давом эттиради. Шуниси қувонарлики, у аспирантура ни муддатидан аввал тугатиб, 1987 йилда номзодлик диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилади ҳамда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олади.

Шундан сўнг олим иш фаолияти бошланади. 1987-1991 йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим, 1991-1994 йилларда Тошкент Молия институтида катта ўқитувчи, 1994-1995 йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида доцент, 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Бозор ислохотлари илмий тадқиқот институтида сектор мудири лавозимларида ишлади.

1998 йилда олим яна бир олға қадам ташлади. “Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олди.

Эркин Юсупов доимо илм билан амалиётни бирга олиб боришга ҳаракат қилди. Унинг 1999–2003 йилларда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бошқарма бошлиғи вазифасида ишлагани, илмда эришган ютуқларини амалиётда синаб кўргани гапимизнинг исботидир. У вазирликда Норматив ҳуқуқий база ни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган даврида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан хизмат кўрсатувчи соҳа тармоқлари ўртасида шартномалар тузишда хизматлар калькуляциясини келишиш жараёни

да қатъийлик кўрсатганлиги натижасида қишлоқ хўжалиги корхоналари ихтиёрида 20 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолинишига эришилади.

Олим қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш масалалари юзасидан “Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари негизида фермер хўжаликлари барпо этиш бўйича услубий тавсиялар” ва “Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма маблағларни меъёрлаштириш бўйича тавсия”ни тайёрлаш ва чоп этишда муаллиф сифатида иштирок этди. Вазирлик раҳбарияти томонидан унинг ташаббускорлик ҳислатлари эътиборга олиниб бир неча бор “Фахрий ёрлик” билан тақдирланди ва моддий рағбатландирилди.

Эркин Юсупов Жаҳон банкининг 2002 йилги “Ўзбекистон: аҳолининг яшаш даражасини баҳолаш” ҳамда 2005 йилги “Ўзбекистонда пахтачиликни солиққа тортиш: ислохот учун имкониятлар” лойиҳаларида маҳаллий эксперт сифатида қатнашди ва жаҳон банки даражасида бажарилган ва чоп этилган ишларга муаллифлик қилди. Шунингдек, юқорида тилга олинган биринчи лойиҳа иштирокчиси сифатида 2002 йилда АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳрида хизмат сафарига бўлди.

Олим 2003–2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат Солиқ қўмитасига қарашли “Солиқ академияси”нинг “Солиқлар ва солиққа тортиш” кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди

Биз мақолаимиз бошида олим жамоат арбоби сифатида ҳам фаолият юритганини эслаган эдик. У 2004 йилда “Фидокорлар Миллий демократик партияси” дан ва 2009 йилда “Миллий тикланиш демократик партияси”дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутат этиб сайланади.

У депутатлик фаолияти давомида аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий бурчи деб билади. “Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига оид айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига меҳнат муносабатларини тартибга солишга оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ва “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси



қонун лойиҳалари бўйича қонунчилик ташаббусини кўрсатди.

Эркин Юсупов парламент делегацияси таркибида 2006 йилда Миср Араб Республикасида ва 2010 йилда Малайзия давлатида бўлиб, мамлакатлар ва парламентлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшди.

Олим 2015 йилдан буён Тошкент давлат аграр университетида ўзининг илмий-педагогик фаолиятини олиб бормоқда, у айни пайтда “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси мудири ҳисобланади.

Э. Юсупов 200га яқин илмий ишлар муаллифи, кўплаб халқаро конференциялар иштирокчиси. Унинг “Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шакллантириш муаммолари” монографияси, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”, “Давлатнинг аграр сиёсати”, “Балиқчилик хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари”, “Агроконсалтинг”, “Менежмент назарияси”, ўқув қўлланмалари, “Ҳикмат истаганга ҳикматдир дунё” фалсафий асари чоп этилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, олим қаерда ва қандай лавозимда ишлагани, биринчи навбатда, ўз манфаатидан кўра халқ манфаатини устун қўяди, ўз вазифасига виждонан ва сидқидилдан ёндашади. Олим ростгўйлиги, олижаноблиги, фидойилиги туфайли илм аҳли орасида катта ҳурматга эга. У қаерда ва қайси лавозимда ишлагани ҳаммаша уша жамоанинг эҳтиромини қозониб меҳнат қилган.

Ҳамкасбимизнинг 60 йиллик юбилеи билан қутлар эканмиз, унга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, илм-фан йўлидаги изланишларига омадлар тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ касбдошлари

ЎЗБЕКISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўктам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2020 йил,
№1. Январь

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги	1
Т.ДОЛИЕВ. Юксалиш пиллапоялари	2
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	
Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	3
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори	
Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	6
Ш.ХАМРАЕВ. Сувчи ва дехкон мақсади муштарак	8
Ш.ТЕШАЕВ. Тармоқлар кўлами кенгаймоқда	10
М.ТОШБОЛТАЕВ. Техникани таъмирлаш кишидаги муҳим иш	12
Ш.НОРМУРОДОВ. Бунёдкорлик – тараққиёт гарови	13
Мелиорация – ҳосилдорлик омили	15
Ташаббус билан тараққиёт сари	15
Ш.СОДИҚОВА. Ўз ишининг фидойилари	16
Ш.ЖАББАРОВА. Миробларда ҳам муаммо бор	17
Д.ЁРМАТОВА, Х.ХУШВАҚТОВА. Дунёдаги ҳар етти олманинг ...	18
С.САЛИХОВ, С.ШАРИПОВ, Д.РАХИМОВ. Пальма ёғининг фойдали ва зарarli хусусиятларини биласизми?	19
Р. НАЗАРОВ. Комплексные методы использования водных ресурсов	20
Худо берган Худойберди	22
Улуғ мақсадлар сари	23
К.ЭРГАШЕВ. Раёнлар ичра аёло	26
Р.ТОЖАЛИЕВА. Андижонлик фермерларнинг ниятлари улуғ	27
“Навобод насли нарранда” равнақи	29
Х. ИБРАГИМОВ, Р. КАРИМОВ. Ғўзанинг янги “СП-38”, “СП-40” ва “СП-41” навлари	30
Н.АТАМУРАТОВА. Новые интродуцированные медоносные растения семейства lamiales в Узбекистане	31
Д.ЕДЕНБАЕВ, К.АЗИЗОВ. Адаптивные особенности в селекции сорго	32
Ф.ҲАМИДОВА, Д.ЁРМАТОВА. Турли хил ясимқонларининг маъданли ўғитлар ва нитрагин штамми таъсирида биокимёвийжихатдан ўзгариши	34
Е.ДОРОХОВА, Ш.АХМЕДОВ, Г.КАРАХОДЖАЕВА. Сурхондарё вилояти шароитида мевали экинлар маҳаллий навларининг хилма-хиллиги	35
Ж.ШАМШИЕВ, Б.АБДУСАТТОРОВ, Н.ЮСУПОВ. Республикамизда етиштирилган узум турларининг сақлаш жараёнларини тўғри ташкил этиш орқали экспорт имкониятларини ошириш	36
А.МАЛИКОВ, Ж.ФАЙЗИЕВ. Узум навларидан юкори ҳосил етиштиришда новдаларда куртак юкламасини танлаш	37
Э.АБДУРАХМОНОВ, Ҳ.МЕЛИКОВ, Ж.САИДОВ, Ш.РАХМОНОВ. А.ОТАҚУЛОВ. Экиш усулларининг тупроқ зичланиши ва бегона ўтларга таъсири	38
О.ЭШДАВЛАТОВ. Асалари кишлови даврида унинг орка ичагида бўладиган ўзгаришлар	39
Н.УМИРОВ, Ш.АБДУРОХМОНОВ. Снижение тепловой эффективности радиаторов в условиях эксплуатации	42
Ш.РАХИМОВ, А.СЕЙТОВ, Ф.ДУСИЁРОВ, Н.РАХИМОВА. Модели формирования поверхностных водных ресурсов в отраслях экономики республики	43
М.ҚУРБОНОВА. Илмий ахборотлар олишининг замонавий имкониятлари	44
Ўсимликшунослик илми билимдони	45
Р.ОРИПОВ, М.АБДУРАХИМОВ. Меҳнатидан бахт топган олим	46
Агроиқтисод илми фидойиси	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтохур т., А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.

www.qxjournal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjournal_uz

© «Ўзбекистон қишлоқ ва сув хо'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2020 йил 2 январь. Босишга руҳсат этилди: 2020 йил 3 январь. Қоғоз бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозиға чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №45. Нухсаси 1500 дона.
«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

ГОЛШТИН



СИММЕНТАЛЬ



АБЕРДИН-АНГУС



ГЕРЕФОРД



ЗААНЕН



ДОРПЕР




Реклама



«AGRITECH HOLDING» АЖ жамоаси

**Халқимизни, деҳқонларимизни,
аграр соҳа ходимларини
Янги йил айёми
билан табриклайди ва
ўз хизматларини таклиф этади:**

- Европа стандартлари бўйича муҳандислик лойиҳалари асосидаги 200 бошдан 10 000 бошгача мўлжалланган чорвалик фермаларини қуриш;
- Европадан келтириладиган насли ва майда шохли чорва молларини етказиш;
- Замонавий агротехникалар, комбайн ва тракторлар етказиш;
- Сут соғиш учун барча ускуналарини етказиб бериш.



**Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,
Ҳусайн Бойқоро кўчаси, 39 А.**



**(+998 71) 208-56-56.
(+998 90) 966-70-22, 950-24-05.
(+998 91) 165-37-00.**



agritechholding@gmail.com

AGRITECH4
@agritech2019
Agritechholding
www.agritech.uz
AGRITECHHOLDING
AGRITECHHOLDING



Сирдарё-Зарафшон ИТХБ жамоаси

Баракали меҳнат ютуқлари билан
юртимизнинг гуллаб-яшнашига
ҳисса қўшаётган қишлоқ хўжалиги
меҳнаткашларини, сув хўжалиги
ходимларини, халқимизни

Янги – 2020 йил

байрами билан самимий
табриклайди.

Озод ва ҳур мамлакатимизнинг
ҳар бир куни бунданда гўзал ва
шукуҳли бўлсин!

